



ОДИНАХОН МУҲАММАД СОДИК

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
ШИФОСИ  
САВОЛ



● БИРИНЧИ КИТОБ ●

66447 Оданахон Муҳаммад Содик.  
Билимсизликнинг шифоси савол  
1-китоб 64 596  
Тошкент-2020 4 нусха











ОДИНАХОН МУҲАММАД СОДИК

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
ШИҒФОСИ  
САВОЛ



БИРИНЧИ КИТОБ



ТОШКЕНТ  
2021

УЎК 28(076.3)  
КБК 86.38в6  
С-75



وَمَا تَوْفِيقِي إِلَّا بِاللَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ

**«Муваффақиятим фақат Аллоҳга  
боғлиқ. Унгагина таваккул қилдим.  
Унгагина қайтаман».**

*(Худ сураси, 88-оят)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 9 октябрдаги  
5548-рақамли хулосаси асосида чоп этилди.

**С-75**      **Одинахон Муҳаммад Содик**  
Билимсизликнинг шифоси – савол  
Т.: «Hilol-Nashr» 2021. – 224 б.

**УЎК 28(076.3)**  
**КБК 86.38в6**

ISBN 978-9943-5774-9-7

© Одинахон Муҳаммад Содик  
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2019, 2021.





## МУҚАДДИМА

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!

«Билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг» дея марҳамат қилиб, мусулмонларга билмаганларини аҳли илмлардан ўрганишни буюрган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига муаллим бўлган, уларнинг саволларига жавоб бериб, билмаганларини ўргатган, башариятни жаҳолат зулматидан илму ирфон нурига чорлаган Расулимизга дуруду салавоглар бўлсин!

Набийларига ворис ўлароқ халққа Исломни ўргатган, турли ҳаётий ва ҳатто фаразий масалаларни баён қилиш билан кишилик жамияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган илм аҳлларига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин!

Маълумки, ана шундай ворислардан бири саналмиш марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари раҳимаҳуллоҳ шариат, илму маърифат йўлида инсоният учун мислсиз хизмат қилдилар. Хизматлари ичида энг кўзга кўрингани у кишининг фатволари, одамлардан тушган саволларга берган жавоблари бўлди. Қаерда бўлмасинлар, халқ шайх ҳазратларидан дину диёнат мавзусида саволлар сўрарди. У киши турли анжуману ма-

66444

росимларда, масжидларда, қабулларда ҳамда Интернет саҳифаларида одамларнинг юзлаб, минглаб саволларига жавоб берар эдилар. Islom.uz порталидаги энг қизғин саҳифа шайх ҳазратларининг «Зикр аҳлидан сўранг» номли савол-жавоб саҳифалари бўлиб, у халққа ўн йилдан ортиқ йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилди. Бу савол-жавоблар тўпланиб, тартибланиб, дастлаб «Зикр аҳлидан сўранг» ойномасида ҳавола қилиб борилди, сўнгра китоб шаклига келтирилди. Ҳозиргача китобхонларимизга ушбу мажмуанинг бешта жузи тақдим қилинди.

Шайх ҳазратларининг хизматлари доирасида муслималаримиз учун ҳам алоҳида имкониятлар яратилди. Аёлларга қулай бўлиши учун мулоқот камина орқали йўлга қўйилди. Кейинчалик уларнинг саволлари учун алоҳида саҳифа ҳам очилди. Дастлаб «Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасида махсус бўлим бўлиб турган хизмат кейинроқ фойдаланувчиларга янада қулай бўлсин учун [muslimaat.uz](http://muslimaat.uz) сайти таркибидаги «Динда саволим бор» деб номланган алоҳида рукнга айланди.

Мен саҳифага келиб тушган саволларнинг жавобларини устозим, падари бузрукворимдан сўрардим. У киши ҳар бир саволга жавоб берар, шу билан бирга ўзим ҳам жавоб беришга уринишимни, изланишимни талаб қилар эдилар. Ўзим топган жавобларни у кишига тасдиқлатиб олардим.

Шайх ҳазратларининг вафотларидан кейин «Зикр аҳлидан сўранг» хизмати ўзлари изн берган, энг билимдон шогирдларидан ташкил топган ҳайъатга топширилди. Ҳозирги кунда ушбу ҳайъат ҳар куни ўнлаб саволларга жавоб бериб, халқимизга беминнат хизмат қилмоқда. Аллоҳ таоло уларнинг хизматларини баракали ва давомли қилсин! Биз ҳам ушбу ҳайъатдаги ус-



тозларнинг маслаҳатлари билан муслималаримизнинг саволларига жавоб бериб келмоқдамиз.

Бугунга келиб саҳифадаги савол-жавобларни йиғиб, китоб шаклига келтириш зарурати туғилди ва камина ходимангиз бу ишга бел боғлаб турибди. Бундан кўзланган асосий мақсад устозимизнинг йўлларини давом эттириш, жамланган маълумотларни кенг китобхонлар оммасига, Интернет хизматидан фойдаланиш имкони бўлмаган опа-сингилларимизга ҳам улашишдир.

Китобнинг номини шайх ҳазратларига эргашиб, ҳадиси шарифдан олинган ибора билан «Билимсизликнинг шифоси – савол» деб атадик. Китобдан нимаки манфаат топсангиз, Аллоҳ таолодан деб билгайсиз, ажру савоби падари бузрукворимга бўлсин. Камчиликлар бўлса, бизнинг нуқсонимиздандир. Камол ёлғиз Аллоҳга хосдир. Ожиз банда эканимизни эътироф қилган ҳолда Роббимиздан қадамларимизни ҳақ йўлда собит қилишини тилаймиз, гуноҳларимизга мағфират сўраймиз, амалларимизнинг холис ва манфаатли бўлишини Ўзидан илтижо қиламиз! Омин!

## АҚИЙДА

## 1-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа. Абдуллоҳ ибн Му-борак шундай деган: «Бандага беш нафар фаришта вакил қилинган. Тунда икки фаришта, кундузи икки фаришта келиб-кетади. Бешинчи фаришта бандани туну кун тарқ этмайди» (Жалололдин Суютий). Ғайримусулмон одамлар билан бирга фаришталар юрадими ёки шайтонми? Олдиндан раҳмат. Ҳаққи-мизга дуо қилишингизни сўраб қоламиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳар бир инсонга, у мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан қатъи назар, унинг амалларини битиб туриш учун фаришталар муваккал қилинган.

Тўлиқроқ маълумот бериш учун Шайх ҳазратларининг «Тафсири Ҳилол» китобларидан иқтибос келтиришга ижозат бергайсиз.

Аллоҳ таоло Раъд сурасининг 11-оятда шундай марҳамат қилади:

لَهُمَّعَقَبَاتٌ مِّنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ يَحْفَظُونَهُ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ

«Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор. Улар уни Аллоҳнинг амри ила муҳофаза қилиб турурлар».

Ҳар бир одам боласининг «олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор».

Яъни унинг ҳар тарафида кузатиб юрувчи фаришталар мавжуд. Ушбу фаришталар ҳақида имом Бухорий



рахматуллоҳи алайҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «يَتَعَاقِبُونَ فِيكُمْ مَلَائِكَةٌ بِاللَّيْلِ وَمَلَائِكَةٌ بِالنَّهَارِ، وَيَجْتَمِعُونَ فِي صَلَاةِ الْعَصْرِ وَصَلَاةِ الْفَجْرِ، ثُمَّ يَعْرُجُ الَّذِينَ بَاتُوا فِيكُمْ فَيَسْأَلُهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ: كَيْفَ تَرَكْتُمْ عِبَادِي؟ فَيَقُولُونَ: تَرَكْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ، وَأَتَيْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ». (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ).

وَفِي رَوَايَةٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه: «... فَإِنَّ مَعَكُمْ مَنْ لَا يُفَارِقُكُمْ إِلَّا عِنْدَ الْغَائِطِ وَحِينَ يُفْضِي الرَّجُلُ إِلَى أَهْلِهِ، فَاسْتَحْيُوهُمْ وَأَكْرِمُوهُمْ». (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ).

«Улар сизлар учун алмашиб, кетма-кет келиб турдилар. Кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар келади. Улар бомдод ва аср намозида жам бўладилар. Аллоҳнинг ҳузурига сиз билан тунни ўтказувчилар кўтарилганларида, улардан, ўзи сизларнинг ҳолингизни жуда яхши билса ҳам:

– Бандаларимни қайси ҳолда тарк қилдингиз? – деб сўрайди. Фаришталар:

– Уларнинг ҳузурига борганимизда, намоз ўқишаётган экан, уларни тарк қилганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди, – дейишади».

*Бошқа бир ҳадисда эса:*

«Албатта, сиз билан бирга, сизни хало ва жимоъ пайтидан бошқа вақтда тарк этмайдиган зотлар

**бор. Бас, улардан ҳаё қилинглар ва уларни ҳурмат этинглар», дейилган.**

Мазкур фаришталарнинг вазифаларини ояти кариманинг кейинги жумласи баён қилади:

**«Уни Аллоҳнинг амри ила муҳофаза қилиб турурлар».**

Яъни ўша фаришталар у бандани Аллоҳнинг амри ила муҳофаза қилиб турурлар. Ушбу оятдаги «муҳофаза» сўзи «сақлаш» ва «ёдлаб – эслаб қолиш» деган маъноларни билдиради. Бандага бириктирилган фаришталар ушбу икки ишни бажарадилар. Яъни бандани турли ёмонликлардан сақлаб турадилар ҳамда қилаётган амалларини ёзиб, ёдда сақлаб борадилар.

Ушбу оят ва ҳадисларга ҳамда шу маънодаги яна бошқа ҳужжатларга суянган ҳолда, уламоларимиз қуйидагиларни таъкидлайдилар:

Бандани турли ҳодиса ва ёмонликлардан ҳимоя этиш учун фаришталар навбат билан кўриқчилик қиладилар. Шунингдек, унинг амалларини ёзиб бориш учун ҳам кечаю кундуз маълум фаришталар алмашиб турадилар. Иккитаси ўнг ва чап тарафда туради: ўнг тарафда турган фаришта яхши амалларни, чап тарафда тургани гуноҳ амалларини ёзиб боради. Яна икки фаришта олд ва орқа тарафдан уни кўриб турадилар. Демак, банда доимо тўрт фариштанing ўртасида юради. Улар кундузи ва кечаси алмашиб туришади.

Аллоҳ, Ўзи юқорида зикр қилганидек, ҳамма нарсаларни, ҳатто бандалар учун ўта махфий бўлган ҳолатларни ҳам жуда аниқлик ила билиб туришига қарамай, ҳар бир бандага тўрттадан фариштани бириктириб қўйгандир. Улардан иккитаси банданинг ҳар бир қилган амалини ўша вақтнинг ўзидаёқ ёзиб қўяди. Бу ҳар бир

бандага катта масъулият юклайди. Фаришталардан иккитасининг бандани кўриқлаб туриши эса Аллоҳ уни муқаррам қилганини кўрсатади. Демак, ҳар бир инсон ўша иқромга лойиқ бўлиб, ўша масъулиятни ҳис этмоғи керак. Ўзини ўнглашга, тузатишга, Аллоҳнинг розилигини қозонтирадиган амалларни бажаришга уриниши лозим. **Валлоҳу аълам.**

## ЖИНЛАР ВА ШАЙТОНЛАР

### 2-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир водийдан ўтаётганда чарчаб, тонгга яқин қолганда ухлашни ихтиёр этиб, Билол розияллоҳу анҳуга: «Бизни уйғотасиз», дебдилар, лекин у киши ҳам ухлаб қолибдилар. Қуёш чиққандан кейин уйғонишибди, шунда Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу водийдан тезроқ чиқиб кетиш керак, бу ерда шайтон бор экан», дебдилар ва водийдан чиқиб кетгандан сўнг бомдоднинг қазосини ўқиб олишибди. Одина опа, шайтон алоҳида жойларни ўзига маскан тутиб яшаб, у ердан чиқмайдими? Уйда Қуръон ўқилганда чиқиб кетадими? Олдиндан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳа, шайтон баъзи ерларни ўзига маскан тутиши бор. Сиз айтган ҳадисдаги гапдан у ернинг хосиятсизлиги назарда тутилган. Шайтон Аллоҳнинг зикридан қочади. Ҳадисларда: «Қуръон ўқиладиган уйга шайтон кирмайди», дейилган. **Валлоҳу аълам.**

## 3-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! «18 минг олам яратувчиси» деган жумла нима маънони билдиради? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Исломда бундай гап йўқ. Куръонда ҳам, суннатда ҳам бунинг зикри келмаган. Аммо Ваҳб ибн Мунаббаҳдан «Мана шу олам ўша 18000 дан бири», деган ривоят бор. *Валлоҳу аълам.*

## 4-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Умматлар 73 фирқага бўлинар экан, улардан битта фирқагина жаннатга тушар экан. Бу қандай фирқа?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَفْتَرَقَتِ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى أَوْ ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً، وَتَفَرَّقَتِ النَّصَارَى عَلَى إِحْدَى أَوْ ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً، وَتَفَرَّقَتِ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً».

زَادَ فِي رِوَايَةٍ: «ثِنْتَانِ وَسَبْعُونَ فِي النَّارِ وَوَاحِدَةٌ فِي الْجَنَّةِ وَهِيَ الْجَمَاعَةُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:*

*«Яҳудийлар етмиш бир ёки етмиш икки фирқага бўлиндилар. Насоролар етмиш бир ёки етмиш икки*

**фирқага бўлиндилар. Менинг умматим эса етмиш уч фирқага бўлинади», дедилар».**

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Етмиш иккитаси дўзахда, биттаси жаннатда. У – жамоатдир» ибораси зиёда қилинган.**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиснинг аввалида яҳудийлар ва насронийлар етмиш бир ёки етмиш иккитадан фирқага бўлинганлари айтилмоқда. Ушбу фирқалар маълум ва машҳурдирлар. Уларнинг залолатга кетишлари ҳам шундай. Ҳадиснинг давомида эса келажакда Ислом уммати етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши ҳақида хабар берилмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, бу гаплар юзага чиқди. Исломга эътиқод қилиб юрганлар ичида ҳам турли-туман фирқалар пайдо бўлди.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу ҳадисда ва шу маънодаги бошқа ҳадисларда зикр қилинган фирқалардан мурод акийдавий фирқалардир. Баъзи бир ҳадидан ошганлар ўйлаганидек, фикҳий мазҳаблар эмас. Чунки фикҳий мазҳаблар ўз номи билан мазҳаб, фирқа эмас. Фикҳда ихтилоф, бир-бирини кофир қилиш йўқ. Фикҳда сиртдан хилоф бўлиб кўринган нарса аслида бир нарсани адо этишнинг турли кўринишлари, холос.

Эътиқоддаги бўлиниш эса «фирқачилик» деб номланади. Бунда ҳар бир фирқа бошқасини кофирга чиқаради. Уларнинг келишмовчиликлари тавҳид асллари, қазои қадар, пайгамбарлик шартлари каби масалаларда бўлади. Ақийда китобларида ана ўша фирқаларнинг асосини куйидаги олти фирқа ташкил этиши айтилган:

1. Рофизалар – шиъалар ва уларга тобелар.



2. Жаҳмия – Жаҳм ибн Сафвон Самарқандийнинг бузук акийдавий фиркасига эргашганлар. Улар асосан Аллоҳ таолонинг сифатларини манфий қилиш, амалдан қолдириш билан машхур бўлишган.

3. Ҳарурия – хаворижлардан бўлиб, Куфа яқинидаги Ҳаруро деган жойда туришган. Улар: «Гуноҳкор мўмин дўзахда абадий қолади, гуноҳи кабира қилган одам кофирдир», дейдилар.

4. Муржиъа – калимаи тавҳидни тил билан айтиб, дил билан тасдиқласа бўлди, амалнинг кераги йўқ, деганлар.

5. Қадария – қазои қадарни инкор қиладиганлар.

6. Жабрия – инсон ҳамма ишларини мажбур ҳолда қилади, унинг ихтиёри йўқ, дейдиганлар.

Ушбу асосий олти фирқадан бошқа фирқалар ҳам тарқалган. Бу фирқалар ўзаро талашиб-тортишиб, жуда кўп зарарларга, бало-офатларга сабаб бўлишган.

Имом Абу Довуд қилган ривоятдаги зиёдада Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«وَإِنَّهُ سَيُخْرِجُ مِنْ أُمَّتِي أَقْوَامٌ تَجَارَى بِهِنَّ تِلْكَ الْأَهْوَاءُ، كَمَا يَتَجَارَى الْكَلْبُ لِصَاحِبِهِ، لَا يَبْقَى مِنْهُ عِرْقٌ وَلَا مَفْصَلٌ إِلَّا دَخَلَهُ.»

«Менинг умматимдан бир қавмлар чиқадики, хавойи нафс уларга худди қутуриш касали ҳеч бир томирни ва на бўғинларни қўймай киргандек киради», деганлар.

Ушбу зиёдада мазкур фирқаларнинг умумий сифатлари келтирилмоқда. Уларнинг барчаси ўз кибр-ҳавоси касалига учрайдилар. Худди ит тишлаб, қутуриб қолган одам ҳолига кирадилар. Тафриқачилик руҳи томир-томирларигача сингиб кетади. Мўмин-мусулмонларни кофир қилишдан бошқа нарса кўзларига кўринмай қолади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳукми қандай бўлишини ҳадиси шарифнинг охирида айтмоқдалар:

**«Етмиш иккитаси дўзахда, биттаси жаннатда. У жамоатдир».**

Яъни Ислом умматида пайдо бўлган етмиш учта эътиқодий фирқадан етмиш иккитаси дўзахга, биттаси жаннатга тушади. Ўша жаннатга тушадиган фирқа жамоат фирқасидир. Яъни мусулмонларнинг асосий оммасини жамлаб, Китоб ва суннатга амал қилувчи тоифадир. Бу саодатли тоифа «Аҳли сунна вал жамоа» номини олган. Яъни эътиқод бобида суннатга мувофиқ иш кўрувчи ва мусулмонларнинг оммавий жамоасини бирлаштирувчи мазҳаб.

Алҳамдулиллаҳ, бизнинг юртимиз мусулмонлари доимо шу мазҳабда бўлиб келганлар ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоқ лозим.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Яҳудийларнинг етмиш бир ёки етмиш икки фирқага бўлингани.
2. Насороларнинг етмиш бир ёки етмиш икки фирқага бўлингани.
3. Мусулмонларнинг етмиш уч фирқага бўлиниши.
4. Жамоатни ўзига жамлаган фирқа жаннатга тушиши.
5. Қолган етмиш икки фирқа дўзахга тушиши.
6. Аҳли сунна вал жамоа мазҳабини маҳкам ушлаши кераклиги.

Кейинги пайтларда залолатга кетган турли фирқалар Ислом номидан одамларнинг бошини айлантириб, ўз залолатларини тарқатмоқдалар. Қодёния, Баҳоия, Аҳмадия, Ҳабаш ва бошқалар шу жумласидандир. Мусулмонлар кўзларини очиб, Аҳли сунна вал жамоадан бошқа ҳеч

бир фиркага эргашмасликлари керак. Муслмонларнинг тўқсон фоизидан ортиғи Аҳли сунна вал жамоадирлар. Тўрт мўътабар фикхий мазҳаб имомлари ҳам, уларнинг атбоълари ҳам Аҳли сунна вал жамоададирлар. Ким Аҳли сунна вал жамоадан бошқа фиркага эргашса, ушбу ҳадисда зикр қилинган балога гирифтор бўлади. («Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 2-жузидан) **Валлоху аълам.**

### 5-САВОЛ

**Васила нима? Кимларни васила қилса бўлади?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва киши ўзи қилган солиҳ амалини васила қилса бўлади. Васила – восита демақдир, яъни бирор нарсанинг ҳаққи-хурмати-дан бирор нарсани сўраш.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَمَا ثَلَاثَةٌ نَفَرٍ يَمْشُونَ أَحْذَهُمُ الْمَطَرُ، فَأَوْوُوا إِلَى غَارٍ فِي جَبَلٍ، فَانْحَطَّتْ عَلَى فَمِّ غَارِهِمْ صَخْرَةٌ مِنَ الْجَبَلِ فَانْطَبَقَتْ عَلَيْهِمْ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ: انظُرُوا أَعْمَالًا عَمَلْتُمُوهَا صَالِحَةٌ لِلَّهِ فَادْعُوا اللَّهَ بِهَا لَعَلَّهُ يُفَرِّجُهَا عَنْكُمْ. قَالَ أَحَدُهُمْ: اللَّهُمَّ إِنَّهُ كَانَ لِي وَالِدَانِ شَيْخَانِ كَبِيرَانِ، وَبِي صَبِيَّةٌ صَغَارٌ، كُنْتُ أَرْعَى عَلَيْهِمْ فَإِذَا رُحْتُ عَلَيْهِمْ حَلَبْتُ فَبَدَأْتُ بِوَالِدَيَّ أَسْقِيهِمَا قَبْلَ بَنِي، وَإِنِّي اسْتَأْخَرْتُ ذَاتَ يَوْمٍ فَلَمْ آتِ حَتَّى أَمْسَيْتُ، فَوَجَدْتُهُمَا نَائِمَيْنِ، فَحَلَبْتُ كَمَا كُنْتُ أَحْلُبُ فَقُمْتُ عِنْدَ رُءُوسِهِمَا أَكْرَهُ أَنْ أُوقِظَهُمَا وَأَكْرَهُ أَنْ أُسْقِيَ الصَّبِيَّةَ

وَالصَّبِيَّةُ يَتَضَاعُونَ عِنْدَ رَجُلِي حَتَّى طَلَعَ الْفَجْرُ، فَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ  
 أَنِّي فَعَلْتُهُ ابْتِغَاءً وَجْهَكَ فَافْرُجْ لَنَا فُرْجَةً نَرَى مِنْهَا السَّمَاءَ، فَفَرَجَ  
 اللَّهُ فَرَأَوْا السَّمَاءَ. وَقَالَ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ إِنَّهَا كَانَتْ لِي بِنْتُ عَمِّ  
 أَحْبَبْتُهَا كَأَشَدِّ مَا يُحِبُّ الرَّجَالُ النِّسَاءَ، وَطَلَبْتُ مِنْهَا فَأَبَتْ حَتَّى  
 آتَيْهَا بِمِائَةِ دِينَارٍ، فَبَغَيْتُ حَتَّى جَمَعْتُهَا، فَلَمَّا وَقَعْتُ بَيْنَ رَجُلَيْهَا  
 قَالَتْ: يَا عَبْدَ اللَّهِ، اتَّقِ اللَّهَ وَلَا تَفْتَحِ الْخَاتَمَ إِلَّا بِحَقِّهِ، فَقُمْتُ فَإِنْ  
 كُنْتَ تَعْلَمُ أَنِّي فَعَلْتُهُ ابْتِغَاءً وَجْهَكَ فَافْرُجْ عَنَّا فُرْجَةً فَفَرَجَ. وَقَالَ  
 الثَّلَاثُ: اللَّهُمَّ إِنِّي اسْتَأْجَرْتُ أَجِيرًا بَفَرَقِ أَرْزٍ، فَلَمَّا قَضَى عَمَلَهُ  
 قَالَ: أَعْطِنِي حَقِّي، فَعَرَضْتُ عَلَيْهِ فَرَغِبَ عَنْهُ، فَلَمْ أَرْزِ أَرْعُهُ  
 حَتَّى جَمَعْتُ مِنْهُ بَقْرًا وَرِعَاتَهَا، فَجَاءَنِي فَقَالَ: اتَّقِ اللَّهَ، فَقُلْتُ:  
 اذْهَبْ إِلَى تِلْكَ الْبَقْرِ وَرِعَاتِهَا فَخُذْ، فَقَالَ: اتَّقِ اللَّهَ وَلَا تَسْتَهْزِئْ  
 بِي، فَقُلْتُ: إِنِّي لَا أَسْتَهْزِئُ بِكَ فَخُذْ، فَأَخَذَهُ، فَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ  
 أَنِّي فَعَلْتُ ذَلِكَ ابْتِغَاءً وَجْهَكَ فَافْرُجْ مَا بَقِيَ، فَفَرَجَ اللَّهُ». وَفِي  
 رِوَايَةٍ: «فَخَرَجُوا يَمْسُونَ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

*Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Уч киши пиёда йўлга чикди. Кейин ёмғирда қо-  
 либ, тоғдаги бир ғорга кириб олишди. Бирдан олди-  
 ларига (ғор оғзига) бир харсанг тушди. Шунда улар  
 бир-бирларига:

«Аллоҳга ўзингиз қилган энг афзал амал ила дуо қилинглар», дейишди. Улардан бири:

«Аллоҳим! Менинг ёши улуғ, кекса ота-онам бор эди. Мен чиқиб, қўй боқар эдим, кейин келиб, сут соғар ва уни ота-онамга олиб келар эдим. Уни улар ичишарди, сўнгра гўдақларим ва аҳлу аёлимга ичирар эдим. Бир кеча ушланиб қолдим. Келсам, икковлари ҳам ухлаб қолишибди. Уларни уйғотгим келмади. Болалар эса оёғим остида изиллаб йиғлашар эди. Мен ҳам, ота-онам ҳам тонг отгунча шу ҳолда бўлдик. Аллоҳим, агар мени шу ишни Сенинг розилигингни истаб қилган, деб билган бўлсанг, бизга бир тирқиш очгин, ундан осмонни кўрайлик», деди. Шунда уларга тирқиш очилди. Бошқаси эса:

«Аллоҳим, Ўзинг биласанки, мен амакимнинг кизларидан бирини эркак кишининг аёлларни энг қаттиқ севишидек севар эдим. (Қиз) «Юз динор бермагунигча бунга етиша олмайсан», деди. Мен шунга (пулга) уриниб юриб, ниҳоят уни тўпладим. Кейин унинг икки оёғи орасига чўккалаганимда, у: «Аллоҳдан кўрк! Ҳақини бермай туриб муҳрни очма!» деди. Шунда мен ўрнимдан туриб кетдим ва уни тарк этдим. Агар мени шу ишни Сенинг розилигингни истаб қилган, деб билган бўлсанг, бизга бир тирқиш очгин», деди. Шунда уларга учдан икки қисм очилди. Кейингиси:

«Аллоҳим! Ўзинг биласанки, мен бир фарақ<sup>1</sup> маккажўхори эвазига мардикор ёллаган эдим. Кейин унга шуни берган эдим, олишдан бош тортди.

<sup>1</sup> Фарақ – ўн олти ратл (олти ярим литрдан кўпроқ) сув сиғадиган мис идиш. У Ҳижозда шу ном билан юритилган.



Мен ўша бир фарақни атайлаб экиб, шунинг орқасидан сигирлар ва уларнинг молбоқарини ҳам сотиб олдим. Кейинроқ у келиб: «Эй Аллоҳнинг бандаси, ҳақимни бер», деди. Мен: «Анави сигир ва унинг молбоқарига бор, улар сеники», дедим. У: «Мени масхара қиляпсанми?» деди. Мен: «Сени масхара қилаётганим йўқ, улар сеники», дедим. Аллоҳим, агар мени шу ишни Сенинг розилигингни истаб қилган, деб билган бўлсанг, бизни қутқаргин», деди. Шунда уларга (йўл) очилди».

*Икки шайх ва Насайй ривоят қилган.*

**Шарх:** Қисқа услубда баён этилган бу гўзал ҳадисда ихлос билан қилинган яхши амал нафақат охиратда, балки бу дунёда ҳам фойда бериши ҳақида сўз кетмоқда. Мўмин-мусулмон банданинг солиҳ амали бу дунёдаёқ унинг бошидан баъзи мушкулларни кўтариб, кучшойиш бериши мумкинлиги билдирилмоқда.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом таълимотларини кишиларга ана шундай – улар тушуниши осон бир тарзда баён қилишга ҳаракат этар эдилар. Кези келганда ғоятда балоғатли ва фасоҳатли ваъз сўзлаб, ҳаммани йиғлатар, қалбларни ларзага солар эдилар. Кези келганда ўтган умматлардан мисоллар келтирар эдилар. Ушбу биз ўрганаётган ҳадисимизда эса баён қилиш лозим бўлган маъно баъзи кишиларнинг бошидан ўтган қисса шаклида тақдим этилмоқда. Албатта, бу услубнинг ўзига яраша таъсири бор. Бу шаклда баён этилган маънони кишилар тушунишлари осонроқ, ундан таъсирланишлари кучлироқ бўлади.

Уч киши йўлда кетаётиб, ёмғирда қолишибди. Ёмғирдан қочиб, тоғдаги бир ғорга киришибди. Тоғдан

бир катта харсанг тош думалаб тушиб, улар ўтирган ғорнинг оғзини тўсиб қолибди. Уч мусофир жуда кийин ахволда қолишибди. Ҳеч ким йўқ, тоғдаги ғорнинг ичидалар. Бировни ёрдамга чақириш ҳам мумкин эмас. Улкан тош тушиб, ғорнинг оғзини беркитиб қўйган. Уни думалатиш ёки суришга қандай қурблари етсин!? Аллоҳга ёлворишдан бошқа ҳеч қандай иложлари йўқ. Аммо Аллоҳга ёлвориш ҳам турлича бўлади. Банданинг қайси бир ёлворишини Аллоҳ таоло тезроқ қабул қилади? Улар ўз ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келишибди.

«Улар бир-бирларига: «Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларингизга бир назар солиб, уларни васила этиб, Аллоҳга дуо қилинглар, шоядки, сизларга кушойиш берса», деган маънода гапирибди.

Улар Аллоҳ таолога қурукдан-қурук ёлворишни ўзларига эп кўрмадилар. Умрларида Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларини васила эта туриб, Аллоҳдан омонлик сўрашни маъқул топдилар.

Биринчилари ўзининг қариб қолган ота-онасига Аллоҳ учун чин ихлос билан қилган ҳурмат-эҳтироми ва хизматини васила этишга қарор қилибди. У кишининг қари ота-онаси билан бирга ёш болалари ҳам бор экан. Ҳар куни кундалик ишидан қайтиб келиб, қўйларини соққач, ота-онасининг ҳурматини қилиб, сутни олдин уларга, сўнгра болаларига берар экан. Демак, уларнинг бошқа таомга имконлари йўқ экан. Бир куни у ишидан кеч қайтибди. Қараса, ота-онаси ухлаб қолишибди. Одатдагидек, сут соғибди. Соғилган сутни кўтариб, ухлаб ётган ота-онасининг бошларига келибди. Уларга озор бермаслик учун уйғотишни ўзига эп кўрмаб-

ди. Уйғониб қолсалар, қоринлари оч ҳолда мени излаб қолишмасин деб, жойидан жилмай тураверибди. Ўзи куни билан ишлаб, чарчаб келган бўлса-да, ухламабди. Болалари очликдан оёғи остида йиғлаб туришса ҳам, ота-онам уйғониб, сутсиз қолишмасин, деб сутни болаларига бермабди. Тонг отгунча шу ҳолатда, ота-онасининг бошида тик туриб чиқибди.

Ана шу банда Аллоҳ розилиги учун ота-онасига ихлос билан қилган хизматларини васила қилиб, бошига тушган мушкулни аритишни сидқидилдан сўрабди. Аллоҳ таоло у одамнинг илтижосини қабул қилиб, мазкур солиҳ амали эвазига ғор оғзининг учдан бирини очибди.

Демак, ота-онага иззат-эҳтиром кўрсатиб, уларга ихлос билан Аллоҳнинг розилигини истаб, хизмат қилиш фарзандга нафақат охиратда, балки бу дунёда ҳам яхшиликлар етишига сабаб бўлар экан. Ҳатто бошига тушган мусибатнинг кўтарилишига ҳам васила бўлар экан.

Энди иккинчи йўловчининг навбати келди. У ҳам ўз умрида Аллоҳнинг розилигини истаб, чин ихлос билан қилган бир солиҳ амалини васила этишга ўтди. У ўз амалисининг қизини яхши кўрар экан. Яхши кўрганда ҳам, юрак-юракдан, чидаб бўлмайдиган тарзда яхши кўрар экан. Бир куни қизни овлоқ жойда учратиб, ундан жинсий яқинликни талаб қилибди. Қиз «Юз динор берманг, рози бўлмайман», деб бош тортибди. Йигит пулни тўплаб, қизга берибди. Унинг учун зино қилишга ҳеч қандай тўсиқ қолмаган бир пайтда қиз унга Аллоҳни эслатиб: «Эй Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳдан кўрк!» дебди.

Маҳримни бериб, мени шаръий хотин қилиб олмагунингча менга тегма, дебди. Аллоҳнинг номини эшитган йигит дарҳол ўзига келибди. Аллоҳдан кўрқиб, шайтонга

хай берибди. Охират азобидан кўрқиб, оний лаззатидан воз кечибди. Аллоҳнинг розилигини истаб, қизга тегмабди. Бу банда ўша ғордаги мусибатли кунда Аллоҳнинг розилигини истаб, ихлос билан қилган солиҳ амалини ёдга олибди. Ўшани васила қилиб, Аллоҳдан кушойиш сўрабди. Аллоҳ таоло унинг илтижосини қабул қилиб, мазкур солиҳ амали эвазига ғор оғзининг яна бир қисмини очибди.

Гуноҳ ишни қилишга қодир бўлиб турганда Аллоҳдан кўрқиб, У Зотнинг розилигини истаб, ўша ишни тарк этиш ҳам солиҳ амал ҳисобланар экан. Аллоҳдан кўрқиб, қилмоқчи бўлиб турган гуноҳ ишдан қайтган банда нафақат охират савобига, балки бу дунёнинг яхшиликларига ҳам эришар экан. Банданинг ихлос билан ёмонликни тарк қилиши унинг бошидан мусибатнинг кўтарилишига сабаб бўлар экан.

Учинчи йўловчига навбат келди. У ҳам ўзининг икки ҳамсафари каби, чин ихлос билан, Аллоҳнинг розилигини истаб қилган солиҳ амалларидан бирини васила этишга тушди.

У бир фарақ (Мадинаи Мунаввара ўлчови билан ўн олти қадоқ) оғирликдаги гуруч эвазига бир мардикор ёллаган экан. Мардикор келишилган ишни тугатгач, ҳақини талаб қилибди. Иш эгаси келишилган гуручни берса, аччиқ қилиб олмай кетибди. Гуруч шоли ҳолида экан. Учинчи йўловчи мардикорнинг ҳақиға хиёнат бўлмасин, деб уни мавсум келганда экибди. Шолисини йиғиштириб олиб, сотибди. Тушган даромадга сигир олибди. Вақт ўтиши билан иш ҳақи қилиб берилиши лозим бўлган ўша шоли кўпайиб, бир пода сигирларга айланибди. Уларни боқувчи молбоқарлари ҳам бор экан. Йиллар ўтиб, мардикор қайтиб келиб, яна ҳақини талаб қилибди. Шунда иш берган киши унга:

«Анави сигирлар молбоқарлари билан сеники, олавер», дебди.

Мардикор бу гапга ишонмабди. Бу одам мени масхара қиляпти деб ўйлаб, унга:

«Аллоҳдан кўрк! Мени масхара қилма!» дебди.

У киши эса жиддийлик билан:

«Сени масхара қилаётганим йўқ, олавер», дебди.

Мардикор сигирлар ва чўпонларни олибди.

Ҳалиги банда ғорга қамалиб қолганида Аллоҳнинг розилигини истаб, ихлос билан қилган ўша солиҳ амалини эслабди. Уни васила қилиб, Аллоҳдан мадад сўрабди. Аллоҳ таоло унинг илтижосини қабул этиб, солиҳ амали эвазига ғор оғзининг қолган қисмини ҳам очиб юборибди. Улар ғордан чиқиб, йўлларига равона бўлибдилар.

Аллоҳ таолонинг розилигини истаб, бировнинг ҳақини емаслик, зое қилмаслик, балки авайлаб-асраб сақлаш, кўпайтириш қанчалик яхши нарса! Бундай иш нафақат охират саодатига, балки бу дунё саодатига ҳам эриштирар экан. Банданинг бошига тушган мусибатни аритишга сабаб бўлар экан. (*«Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 3-жузидан*) **Валлоҳу аълам.**



## 6-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Киши Рамазон ойида рўза тутиб, лекин кунига беш вақт намозга қоим бўлмаса, ушбу масалага қандай қарайсиз?*

*Жавоб учун олдиндан раҳмат, ҳурмат билан Рус-там.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Рўза алоҳида ибодат, намоз алоҳида ибодат. «Бирини қилса-ю, бирини қилмаса, икки-си ҳам қабул бўлмайди», деган гап йўқ, ҳар бир ибодат учун алоҳида ҳисоб-китоб бор. «Ушбу масалага қандай қарайсиз?» эмас, «Шариатда бу масалага қандай қаралади?» десангиз, тўғри бўлади. Динда ҳар қандай масалага бирор инсоннинг нуқтаи назаридан эмас, шариат қонун-қоидалари асосида жавоб берилади. *Валлоҳу аълам.*

## 7-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин. Бу савол мени анчадан бери қийнаб келади. 7 ота(Занги ота, Анбар она, Шай Хованд Тохур ота, Шайх Зайниддин ота, Чимир ота, Жонбой ота)ни зиёрат қилиш, қабрларига оқлик ёпиш ва оталар орқали одамларга шифо сўраш ҳақида нималарни биласиз? Сиздан илтимос, менга шу ҳақда маълумот берсангиз. Олдиндан катта раҳмат. Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳар қандай қабрни, шу жумладан, сиз санаб ўтган зиёратгоҳларни ҳам ўтганларнинг ҳақиқага дуо қилиш ва ўлимни эслаш учунгина зиёрат қи-

линади. Шифо ҳам, бошқа ҳожатлар ҳам фақат Аллоҳ таолодан сўралади. Бирор амал ёки шахсни васила қилиш мумкин, аммо бунинг ўзига яраша шартлари бор. *Валлоҳу аълам.*

### 8-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Шайх раҳимахуллоҳнинг «Сунний ақийдалар» китобларида «Улул азм пайгамбарлар бешта: Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳимуссалом», деб ёзган эканлар. «Мўминнинг меърожи» китобларида шу пайгамбарлар ҳисобига Одам алайҳиссаломни қўшиб кетибдилар. Шунинг сабабини тушунтириб берсангиз, илтимос. Олдиндан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Сунний ақийдалар»да бир ривоят, «Мўминнинг меърожи»да бошқа ривоят келтирилган. Иккисининг ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Ҳатто баъзи уламолар барча расулларнинг улулазм бўлганларини айтиб ўтишган. *Валлоҳу аълам.*

### 9-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Берган саволларимга вақт ажратиб жавоб бераётганингиз учун раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Психиатрия фанидан дарс берувчи домламиздан эшитгандим: эпилепсия касаллиги билан Наполеон Бонапарт, Пётр-1 ва Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам касалланган эканлар. Эпилептик хуруж олдидан беморларда аура бўлади. Аура – бу хуруж бўлишининг белгисидир. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал-*

*ламда ҳам аура бўлган, дейишди. Мен ваҳий келаётгандаги ҳолатни шунақа талқин қилишяптими, деб ўйладим. Бу ҳақда ҳадисларда келтирилганми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ таоло пайғамбар ва расулларини хилқат ва хулқ жиҳатидан мукаммал қилиб яратган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу борада энг мукаммали бўлганлар. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам хулқда тенги йўқ бўлганлари каби, гўзалликда ҳам, соғломликда ҳам тенгсиз бўлганлар. Пайғамбарларда ҳам бошқа одамлардаги каби оч қолиш, чанқаш, бемор бўлиш каби инсонларга хос ҳолатлар бўлган. Лекин инсониятда нуқсон ҳисобланадиган сиз айтган каби касаллик умуман бўлган эмас. Юқоридаги ўқитувчининг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақларида айтган гапи ҳам ҳеч қандай ҳужжати йўқ, тўқима ва тухмат гапдир. Ваҳий келган пайтдаги ҳолатларининг ўзгаришига келсак, бу ҳақда Шайх ҳазратларининг қаламларига мансуб «Қуръон илмлари» китобида батафсил маълумот берилган. **Валлоҳу аълам.**

## ҚУРЪОН

### 10-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга Қуръон хатмини бағишлашни ихтилофли деб эшитдим. Илтимос, ойдинлик киритсангиз.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ҳақиқатда, ушбу масала ихтилофли бўлиб, у ҳақда уламолар турли фикрларни айтганлар. Қуйида баъзи иқтибосларни мисол тариқасида келтирамиз:

«Ад-Дуррул мухтор»да бу мавзуда қуйидагиларни ўқиймиз: «Ибн Ҳажар Маккийдан «Биров қабристон аҳлига Фотиҳа сурасини ўқиса, савоб уларнинг ўртасида тақсимланадими ёки ҳар бирига унинг савобича тўлиқ бериладими?» деб сўралганда, у: «Бир жамоа уламолар иккинчисига фатво берган ва Аллоҳнинг фазлига шуниси лойикрок», деб жавоб берган. Ибн Ҳажар ўзининг фикҳий фатволарида айтишича, Ҳофиз Ибн Таймия Набий соллаллоху алайҳи васалламга қироат савобини бағишлашни ман қилиб: «Чунки у зотнинг юксак кадрларига салавот айтиш, васила сўраш каби ўзлари изн берган нарсалардагина журъат қилинади», деб айтган экан. Субкий ва бошқалар у кишига қаттиқ раддия бериб: «Бунақа ишларда махсус изнга эҳтиёж йўқ. Кўрмайсанми, Ибн Умар розияллоху анхумо у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан сўнг ҳеч қандай васиятсиз у зотнинг номларидан умралар қилар эди. Жунайд табақасидаги Ибн Муваффақ у зот алайҳиссаломнинг номларидан етмиш марта ҳаж қил-

ган. Ибн Сирож у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларидан ўн минг марта хатм ва шунча қурбонлик қилган», дейишган... Ҳанбалийлардан Ибн Ақил: «У зотга тиловат савобини бағишлаш мустаҳаб», деган. Уламоларимизнинг гапи шуки, кишининг ўз амалини бошқага ҳадя қилиши мумкин экан, бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кирадилар, чунки у зот бунга энг ҳақлидирлар. Зеро, у зот бизни залолатдан қутқарганлар. Бунда бир нав шукр ва у зот алайҳиссаломга гўзал тортиқ қилиш бор». *Валлоҳу аълам.*

### 11-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Саволим шуки, мен Қуръон хатмини бошлаб қўйдим-у, лекин ҳеч тугата олмаяпман. Уй юмушлари, бола-чақа, оила дегандек. Озгина қолди, Аллоҳ насиб қилса, тугатаман. Хатми Қуръон қилишни билмайман. Охирида нима қилиш керак? Ёнимда одамлар бўлиши керакми? Қайси суралар ўқилиши ва нима деб дуо қилиниши керак? Қуръон хатмини бошлагандан кейин қанча муддат ичида тугатиш керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Уламолар Қуръонни бир ойда бир марта хатм қилишни тавсия этадилар. Хатм тугаганидан кейин одамларни йиғиб дуо қилиш шарт эмас, аммо бўлса, фазилят устига фазилят бўлади. Одатда мусхафларнинг (Қуръон китобларининг) охириги саҳифаларида хатм дуоси ёзилган, бўлмаса, Интернетдан ҳам топишингиз мумкин. Аллоҳ таолога кўнгилдан дуо қилиб, ушбу амалингиз мақбул бўлишини, хато-камчиликларини Ўзи афв этишини сўрайсиз. Муродларин-



гиз бўлса, уларни ҳам сўрасангиз бўлади, чунки хатми Қуръон сўнгида қилинган дуо қабул бўлиши ҳадиси шарифларда айтилган. Қуръони Карим хатм қилинган, дарҳол янги хатм бошлаб қўйиш ҳам суннат. Бунда Фотиҳа сурасини ва Бақара сурасининг 1-5 оятларини ўқиб қўйиш назарда тутилади. **Валлоху аълам.**

## 12-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Менинг фарзандим 11 ойлик бўлди. Фарзандимга «тр3»дан Қуръон сураларидан қўйиб берардим. Кейин бир маърузада: «Мисрда болаларга оналари Қуръон сураларини қўйиб беришади, бир кунда 10 пора эшитишади, улар қори бўлмай, ким қори бўлсин?! Энг бебош юргани 15 ёшида қори бўлишади», деган гапларни эшитдим. Шу гапни эшитганимдан бери ўғлим энг тези 6 кунда эшитиб, хатм қилади. Саволим шундан иборатки, эшитиб Қуръон хатм қилиш ўқиб хатми Қуръон қилиш ўрнига ўтадимми? Ўтганларга бағишласа бўладими? Яна битта савол: ҳозир мактабларда инглиз тили 1-синфдан ўқитиляпти экан. Мен инглиз тилини озгина биламан, ўғлимга инглизча гапирсам, тили чиққандан бошлаб инглизчани билиб олса, кейин ўрганиши осон бўладими, дегандим. Лекин баъзи-баъзида гапирсам, тушунмай, ҳайрон қолади. Менга маслаҳат беринг. Жавобларингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Тиловат қилганга ҳам, уни эшитганга ҳам савоб бор. Аммо эшитган тиловат қилган ўрнига ўтмайди, уни бағишлаб бўлмайди, айниқса,

«тр3»дан эшитганда. 11 ойлик бола инглиз тили у ёқда турсин, ўз тилини ҳам англаши қийин. Ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани маъкул. *Валлоҳу аълам.*

### 13-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Жунублик ҳолатида ёки ҳайз пайтида Қуръонни ушламасдан, шунчаки айтиб юрса бўладими? Тингласа-чи? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шунчаки «айтиб юрса» бўлмайди, тингласа бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 14-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Одина она, Аллоҳ сиздан ва оила аъзоларингиздан рози бўлсин. Саволим такрорий бўлса, узр. Одамлардан «фалончи 14 ёшда қори бўлибди, бошиқаси 7 ёшда қори бўлибди» деган гапларни кўп эшитаман. Неча пора ёдласа, қори ёки қория бўлади? Мураттаб қори ва қориялар кимлар? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз. Аллоҳнинг энг суйган бандалари қаторида бўлиб юринг. Омин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қуръони Каримнинг ҳаммасини бир марта ёдлаб чиқса, қори бўлади. Ёдланганларни пишиқлаб, қайси сураю, қайси оятдан бўлса ҳам ёддан ўқиб кетаверадиган даражага етишса, мураттаб қори ёки ҳофиз Қуръон бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## ТАФСИР

## 15-САВОЛ

*Ассалому алайкум, саволим такрор бўлса, олдиндан узр сўрайман. Шарҳ сурасининг охириги оятларида «Бас, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам), қачонки намоздан фориғ бўлсангиз, ўрнингиздан туринг ва Роббингиз сари рағбат билан дуо қилинг», дейилган экан. Биз эса намоздан сўнг доим ўтириб дуо қиламиз, бу билан гуноҳкор бўлиб қолмаяпмизми? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Сиз оятларнинг маъносини бир оз бошқача талқин қилгансиз. Шундан тушунмовчилик келиб чиққан. Авваламбор, икки оятни бир-бирига қўшиб юборгансиз, аслида иккиси орасида фосила (ажратиш) бўлиши керак. Мазкур суранинг 7-оятида:

﴿فَإِذَا فَرَغْتَ فَانصَبْ﴾

**«Фориғ бўлсанг, (ибодатга) урингин».**

Яъни «Халқни динга даъват қилишдан бўш вақтингда ибодатга қаттиқ ҳаракат қилгин», дейилган. 8-оятида эса:

﴿وَالِى رَيْكَ فَارْغَبْ﴾

**«Ва фақат Роббингга рағбат қилгин».**

Роббингдан бошқага рағбат қилишда ҳеч қандай яхшилик йўқдир. Фақат Аллоҳ таолога рағбат қилиш, яъни Унинг розилигини истаб ҳаракат қилиш билангина муродга етилади, дейилган.

Мана энди маъно тушунарли бўлгандир, деб умид қиламан. Ундан чиқариладиган хулоса ҳам тўғри бўлади, иншааллоҳ. **Валлоҳу аълам.**

## СУННАТ

### 16-САВОЛ

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳ умрингизни баракотли қилсин. Устозимиз Ҳазратнинг жаннатдаги мақомларини Аллоҳ юқори қилиб берсин. Савол: «Толаъал бадру ъалайна» салавати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида айтилганми? Бу салавот қаерда айтилган?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Байҳақий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилишича, ушбу нашидни ансорий аёллар ва уларнинг болалари айтишган. Бу нашид Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага муҳожир бўлиб киришлари, ансорлар ҳузурига келишлари ва уларнинг орасидан манзил тутиб яшашлари муносабати билан айтилган. Бу гап сийрат уламолари орасида машҳурдир. **Валлоҳу аълам.**

## ИЛМ

## 17-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи ҳақларида тўлиқ маълумотни қайси китобдан ёки сайтдан олсам бўлади? Шайх ҳазратларининг бу инсон ҳақида маърузалари борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи ҳақларида «Кифоя» китобининг биринчи жузида маълумот бор. Батафсил маълумотни «[fiqh.uz](http://fiqh.uz)» саҳифасида ҳам топишингиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## 18-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳурматли Одинахон опа, билимингиз бундан-да зиёда бўлсин ва бизга ҳам сиздек илмли бўлишни насиб айласин. Ҳар бир жавоб охирида «валлоҳу аълам» жумласи қўшилган бўлади. Бу жумланинг маъноси нима? Қайси вақтларда қўшиб айтилади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Валлоҳу аълам»нинг маъноси «Аллоҳ билувчироқ» деганидир. Шариатга, фикҳга, умуман, динга оид саволларга жавоб берилганда ушбу ибора ишлатилади. Бу эътиқод жиҳатидан зарур ҳамда жавоб беришнинг одобидир. *Валлоҳу аълам.*

## 19-САВОЛ

*Мен коллежда таҳсил оламан. Мустақил тарзда Қуръони Карим тиловатини ўрганишим учун қайси китоблар ёки манбаларга мурожаат қилсам бўлади? Умуман, Қуръон каримни мустақил рившида ўқишни ўрганиш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аслида Қуръон ўқишни устоздан ўрганиш керак. Лекин ҳозирги кунда Аҳмад Ҳодий Мақсудийнинг «Муаллими Соний» қўлланмаси диски билан нашр қилинган. Сизга шуни тавсия қилган бўлардим. Шунингдек, Интернетда ҳам бундай дарслар бор, масалан, «quran.uz» саҳифасида. *Валлоҳу аълам.*

## 20-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Одина она, Аллоҳ сиздан ва оила аъзоларингиздан рози бўлсин. Саволим қуйидагича: Мен араб тилини билмайман. Шунга қарамасдан, Аллоҳ қодир қилганича Қуръон ўқийман. Кичик сураларнинг маъносини ўрганиб олганман. Лекин катта сураларнинг маъносини билмайман. Шундай бўлса ҳам, таржимасини ўқиб қўяман. Таржимасини билмасам ҳам ўқисам, ажр-савоб борми? Янги ўрганаётган сураларимда кўп жойида хатоларим бор. Интернетда Қуръон ўргатувчи дастур борми? Хато ўқиб, гуноҳга ботишдан қўрқиб, янги сураларни бошлай олмаяман. Илтимос, маслаҳат беринг. Кимдан ўргансам бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қуръони Карим тиловати ибодатдир. Маъносини билиш шарт қилинмаган. Лекин имкон қадар маъноларини билиб, тадаббур қилинса, янада савоби кўп бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ، وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا، لَا أَقُولُ ﴿الذَّكَاةَ﴾ حَرْفٌ وَلَكِنْ أَلِفٌ حَرْفٌ، وَلَا مٌ حَرْفٌ، وَمِيمٌ حَرْفٌ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Абдуллох розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бунинг учун бир савоб бўлур. Ҳар бир савоб эса ўн мисли(га кўпайтирилур). «Алиф. Лаам. Мийм – бир ҳарф» демайман. Балки «алиф» бир ҳарф, «лаам» бир ҳарф, «мийм» бир ҳарф», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳидан куйидагилар ривоят қилинадик, у киши тушларида Аллоҳ таолони бир неча марта кўрган эканлар. Бир марта «Агар яна Роббимни тушимда кўрсам, бандани Роббига муқарраб қиладиган нарсани сўрайман», дебдилар. Бас, у киши тушларида Аллоҳ таолони кўриб:

«Эй Роббим, банда Сенга нима ила муқарраб бўлади?» деб сўрабдилар.

«Каломимни тиловат қилиш билан, эй Аҳмад!» дебди.

«Маъносини тушунсами ёки тушунмаса ҳамми?» деб сўрабдилар.

«Маъносини тушунса ҳам, тушунмаса ҳам», дебди Аллоҳ таоло.

Қуръони Карим таълими дастурлари бор. Мисол учун, «quran.uz» сайтидан топсангиз бўлади. *Валлоху аълам.*

## 21-САВОЛ

*Тақдир экан, жуда кўп яқинларимдан айрилдим. Шунда бир инсон «Аллоҳдан сабр эмас, офият сўранг», деб айтди. «Офият» сўзининг маъноси нима?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Офият саломатлик дегани. Яъни барча нарсада – динда, жонда, яшашда ва бошқаларда саломатлик, тинчлик, хотиржамлик, эсон-омонлик, бардамлик ва яхши кайфият демақдир. *Валлоҳу аълам.*

## 22-САВОЛ

*Ҳурматли Одинахон! Сиздан дуо умидидаман. Сиз Аллоҳнинг муборак каломини қалбида жсам қилган инсонсиз. Сиз ёд олиш тартибини мукамал биласиз деб ўйлайман. Мен Аллоҳнинг мўътабар исмларини ёд олмоқчиман. Бу осон бўлиши учун уларни алфавит тартибида ёдласам бўладими ёки ҳадисларда келтирилган тартибда ёд олиш шарт қилинганми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ҳадисда келган тартиб бўйича ёд олиш керак. *Валлоҳу аълам.*



## ИБОДАТЛАР

### ПОКЛИК

#### 23-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Менинг узрли сабабим бор ва ҳар намоз пайтида 1-2 марта топилади, аммо баъзан 10 дақиқа давомида пок бўлиб фарз намозни ўқий оламан ва баъзан намоз пайтида ҳам узрим келиб қолади, лекин тинмасдан узрим келиб, 10 дақиқа ҳам пок ҳолда тура олмайдиганмасман. Мен қандай йўл тутай? Ҳар намоз вақти киргандан сўнг янги таҳорат олиб намоз, Куръон тиловати ва бошқа ибодатларни кейинги намоз вақтигача қилавераманми ёки текшириб, узрим келишига қараб таҳоратимни янгилайвераманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Узрли нарса чиқадиған жойга уни ташқарига чиқмайдиган қилиб нарса қўйиб олиб, таҳорат қилиб, намозингизни ўқийверасиз. То тўсиқдан намлик сизиб ўтмагунча, таҳоратли ҳисобланасиз. *Валлоҳу аълам.*

#### 24-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг намоз ўқиш учун алоҳида жойнамозим йўқ. Шунинг учун катта, тоза ҳаммом сочигимни солиб ўқийман. Ўтган куни аммамлар келиб, намоз ўқиш учун жойнамоз сўраган эдилар, бера олмадим. Шу тоза сочигимни намоз ўқишга ишлатсам бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Махсус жойнамоз бўлгани яхши, албатта. Бўлмаса, тоза ва яроқли мато, сизнинг ҳолатингизда тоза сочиқ устида ҳам ўқиса бўлади. Намоз қабул бўлишига тоза, нажосат тегмаган жой шарт қилинган. *Валлоҳу аълам.*

**25-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин. Агар одамга ит яқинлашса, таҳорати бузиладими? Жавобингиз учун ташаккур.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Одамга итнинг яқинлашиши таҳоратни бузувчи омиллардан эмас. *Валлоҳу аълам.*

**26-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Мен Туркменистоннинг Дашоғуз шаҳриданман. Грипп касали билан оғриганим сабабли бурнимдан сув томчилаб келиб туради. Бу ҳол намоз ўқиётганимда ҳам давом этади. 2-4 рақъатли намозларни ўқиб яқунламасимдан бурнимдан сув оқишни бошлайди, яхши бўлиб кетишим учун менга кўп вақт керак. Намозларим қазо бўлиб кетмасин дейман. Маслаҳат беринг. Бурнимдан оққан сув сабабли намозим бузиладими? Бузадиган бўлса... қайта таҳорат олиб, бурнимдан сув оққунча намоз ўқисам бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Бурундан сув оқиши намозни бузмайди. Намозларингизни бемалол ўқийверинг. Аллоҳ шифо берсин. *Валлоҳу аълам.*

## 27-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Ҳайз пайтида яқинлик қилиш жоиз эмаслиги хусусида Қуръон ва суннатда аниқ далиллар борми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ҳайз пайтита яқинлик қилишдан қайтариқ Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам келган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ ﴿٢٢٢﴾

«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Пок бўлмагунларича уларга яқинлашманглар. Қачонки пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севадир ва покланувчиларни севадир», деб айт» (Бақара сураси, 222-оят).

عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ الْيَهُودَ كَانُوا إِذَا حَاضَتِ الْمَرْأَةُ مِنْهُمْ لَمْ يُؤَاكِلُوهُنَّ وَلَمْ يُجَامِعُوهُنَّ فِي الْبُيُوتِ، فَسَأَلَ أَصْحَابُ النَّبِيِّ ﷺ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ ﴿وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ﴾ حَتَّى فَرَّغَ مِنَ الْآيَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ اصْنَعُوا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا التَّكَاحَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

*Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:*

**«Яҳудийлар уларнинг аёллари ҳайз кўрса, бирга овқатланмай ва бирга ётмай қўйишарди. Саҳобалар Набий алайҳиссаломдан бу ҳақда сўрадилар. Ва Аллоҳ таоло «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар» оятини нозил қилди. Шундан кейин Набий алайҳиссалом: «Жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилсангиз бўлади», дедилар».**

Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳайзни бундай таърифлайдилар: Тўққиз ёшдан эллик беш ёшгача бўлган, касал ёки ҳомиладор бўлмаган аёл жинсига мансуб инсоннинг раҳмидан чиқадиган қондир. Ҳайзнинг энг оз муддати уч кечаю уч кундуз, энг купи ўн кечаю ўн кундузидир. Ҳайзнинг энг оз муддатидан оз, энг кўп муддатидан кўп ёки аёл кишининг одатидан ортиқ келадиган қон истиҳоза дейилади.

Демак, одамлар ҳайз ҳақида сўрашди. Жавоб оятда қуйидагича келди:

**«У кўнгилсиз нарсадир»**

Яъни ҳайз нопок, кўнгилга ёқмайдиган, озор берадиган нарсадир. Шунинг учун

**«Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг»**

Яъни уларга жинсий яқинлик қилманг.

Ҳайзи тўхтаган аёл ғусл қилгандан кейин пок бўлади. Агар ғуслга узрли бўлса, таяммум қилади. Шундан кейин унга жинсий яқинлик қилса бўлади. Ҳанафий мазҳабида ўн кунлик ҳайз курган аёлга ҳайзи тўхташи билан яқинлик қилса бўлади. Ўн кундан оз муддат ҳайз кўрган аёлга эса ҳайзи тўхтаб, ғусл қилганидан кейин ёки агар ғусл қилмаса, бир намознинг вақти ўтгандан кейин яқинлашишга рухсат берилган.

**«Қачонки пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг»**

Бу олд тарафдан яқинлик қилинг, орқадан эмас, деганидир.

**«Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севадир ва покланувчиларни севадир».**

Яъни бу ҳукми билмаган чоғларида мазкур йўл-йўриққа хилоф иш қилган бўлса, тавба этсин, бундан кейин доимо покликка, айниқса ҳайз масаласида алоҳида эътибор берсин, деганидир. (*«Тафсири Ҳилол»дан.*)  
**Валлоҳу аълам.**

### 28-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Дугонамда климакс бошланган. Яъни қондан қолиш ҳолати. Шифокордан сўраса, ҳали йиллар давомида бу ҳолат давом этаркан. Яъни ҳайз куни баъзи ойларда кўп бўлиб, (12 кун ва ундан ҳам ортиқ), баъзида эса икки ойлаб умуман ҳайз кўрмайди. Ҳайз 10 кундан ортиқ келиши касаллик, дейилган. Лекин климаксда шундай одат қони бир кўп келиб, бир келмай, бора-бора, йиллар ўтиб, тугаркан. Савол: 10 кундан ортиқ қон келганда нима қилсин? Намоз ўқиши керакми, ҳар намозда таҳорат олиб ўқиш керакми ёки то ҳайз тугагунча намоз ўқиши мумкин эмасми? Жавобингизни кутиб қоламиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳайзнинг энг кўпи ўн кун. Ўн кундан кейингиси истиҳожа қони ҳисобланади, кам бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, ҳар намозга алоҳида таҳорат қилиб, намоз ўқиладиганди. **Валлоҳу аълам.**

## 29-САВОЛ

Ассалому алайкум, *Одина она!* Бир саволим бор эди. «Савол-жавоб» қисмидан топа олмадим. «*islom.uz*»да савол-жавоб қисмида баъзи жавобларда менинг ҳолатимни узрли дейилган бўлса, «*Кифоя*» китобида менинг ҳолатим узрли эмас, деб ёзилган. Ёки мен нотўғри тушундим. Ҳолатимни ойдинлаштириб берсангиз, илтимос. Саволимда хато бўлса, олдиндан узр сўрайман. Аёлларда ўзига хос «*выделение*» деган нарса бор. Менда ҳам шу касаллик бор. Ҳозиргача ўзимни узрли ҳисоблаб, ҳар бир намозга янги таҳорат қилиб ўқирдим. Лекин «*Кифоя*» китобида «*Агар 10 дақиқа таҳоратда тура олса, у киши узрли эмас*», деб ёзилибди. Мен баъзида 10 дақиқа ёки ундан кўпроқ таҳорат билан юра оламан. Лекин ҳар бир намоз вақтида камида бир марта суюқлик келиб қолади. Масалан, кеча хуфтон намозининг фарзини ўқиб бўлиб, қараганимда келиб қолган экан. Илтимос, айтсангиз, менинг ҳолатим узрлими ёки йўқми?

Агар узрли ҳисобланмасам, нафл намозлари ўқишда ва Қуръон ўқишда ҳар доим ўзимни текшириб кўриб, керак бўлса, таҳорат қилишим керакми? Мисол учун, Қуръон ўқиётганимда келиб қолса, келгани билинмайди, шунда гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Ҳолатимни қисқа баён эта олмадим. Хатоларим учун узр.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Фикҳий китобларда бундай ҳолатда таҳорат олиб бўлгач, ўша ажралма чиқадиган жойга тўсиқ қўйиб олиш жоизлиги айтилган. То ажралма тўсиқ-

дан сизиб ўтмагунича таҳорат синмайди. Сиз ҳар намозга янги таҳорат олиб, ҳар гал шу тўсиқни қўйишингиз мумкин. Мана шу таҳорат билан фарз намозидан бошқа ибодатларингизни ҳам бажараверасиз. *Валлоҳу аълам.*

### 30-САВОЛ

*Ассалому алайкум, муслима она! Мен намозга таҳорат олганимдан кейин таҳорат сақлашим жуда қийин бўляпти. Шунинг учун баъзи ҳолларда, яъни пешин намозининг вақти 13:30 дан, аср вақти 16:45 да бўлса, таҳорат сақлай олмаганим учун пешин намозини 16:00 да, асрни 16:50 да ўқиб оляпман. Бу вақт ичида ҳам таҳоратимни сақлашга қаттиқ уринаман. Шом ва хуфтонда ҳам шундай. Намоз вақтини кечиктириб, хуфтонга яқин ўқийман. Беш маҳал таҳорат олишга вақтим бор, аммо ҳозирги ҳолатимда ҳомиладорликка тайёрланяпман. Шунинг учун шамоллаш... Жавоб учун аввалдан каттакон раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Намозни ўз вақтида ўқисангиз бўлди. Албатта, мукамал таҳорат билан. Аммо ҳар намозга алоҳида таҳорат олган яхши. Кўнгил хотиржам, савоби улуғ бўлади. Таҳорат ҳам ибодат. Таҳорат қилиш аслида саломатликка сабаб бўлади, касалликка эмас. *Валлоҳу аълам.*

## 31-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон она! Алоҳ таоло ишларингизга ривож берсин, бизнинг саволларимизга жавоб бераётганингиз учун катта раҳмат. Мен эрим, болларим билан Японияда яшайман. Хусусий мактабда дарс бераман, иш вақтим иккига бўлинган. Иш вақтимнинг иккинчи қисми аср ва шом намозларининг вақтига тўғри келади. Ҳозир ўқитувчилар учун ажратилган алоҳида ҳожатхона вақтинча ишламаяпти. Шунинг учун мен соат 15:00 лар атрофида таҳорат олиб, жинсий аъзойимга салфеткани сал ичкарироқ қилиб қўйиб оламан, чунки намоз пайтида янги таҳорат олишга имконият йўқ. Шу билан аср ва шом намозларимни ўқиб оламан. Бу қилган ишим тўғрими? Бундай қилишимга сабаб, қандайдир сувга ўхшаган нарса келиши мумкин. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Таҳоратни мукамал олиб, ажралма келадиган ерга тўсиқ қўйсангиз, то тўсиқдан ажралма сизиб чикмагунича таҳоратингиз кетмайди. Аммо эҳтиёт юзасидан ҳар намоз учун таҳоратни янгилаган маъкул. *Валлоҳу аълам.*

## 32-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон она! Барча ишларингизга омад тилаб, олдиндан жавоб учун раҳмат айтиб, саволимни бермоқчиман. Аёлларда жинсий аъзолар ажралмаси бўлган (выделение) ҳақида сўрамоқчиман. Кўпчилик аёлларда доимий келиб турадиган бу*



*оқ-сарик ажралма таҳоратни бузадими, кийимлари-  
мизга теккани нажосат ҳисобланадими? Менда ҳам  
бу ажралма доимий бўлади. Аллоҳга шукр, намоз ўқий-  
ман. Шундай ҳолатда нима маслаҳат берасиз? Аллоҳ  
илмингизни янада зиёда қилсин, саломат бўлинг!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳа, бу нарса таҳоратни бузади.  
У келганида таҳоратни янгилаш, кийимга тегса, кийим-  
ни ювиш керак. *Валлоху аълам.*

### 33-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Мен яқинда ҳо-  
миламни аборт қилдирдим, чунки бир ой олдин юраги  
уришдан тўхтаган экан. Ҳозир мен нифосли аёл ҳи-  
собланаманми? Ҳозирча қон келиб турибди, 5-10 кун-  
да тўхтаса, тўхтаган кунидан бошлаб гусл қилиб,  
намозларимни бошлайманми? Маслаҳат берсангиз,  
илтимос. Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қилсин.  
Аввалдан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Фикҳий китобларда «Агар бо-  
ланинг баъзи аъзолари, мисол учун, оёқ, қўл ва бармоқ  
кабилар зоҳир бўлса, абортдан ёки ҳомиланинг тушиб  
қолишидан кейинги қон нифос бўлади. Агар зоҳир бўл-  
маса, истиҳоза», дейилган. Шунга қараб билиб оласиз.  
Нифоснинг энг кўпи 40 кун, ундан ортгани истиҳоза  
ҳисобланади. *Валлоху аълам.*

## 34-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Сочи узун аёл яқинликдан кейин ғусл қилаётганда сочини қай ҳолда ювиши керак? Яқинлик пайтида қай ҳолатда бўлиши керак? Бир ҳадисда айтилишича, йигилган бўлса, маълум бир қисми ювилар экан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳадиси шарифда «маълум бир қисми ювилади», дейилмаган. Жунубликдан аввал соч қандай ҳолатда бўлган бўлса ҳам, ғусл пайтида соч тагига сув етказилади. Соч майда қилиб мустаҳкам ўрилган аёлларга энгиллик учун сочни ёзмай ғусл қилишга рухсат бор. Шунда ҳам сочнинг тагига сув тегиши шарт. Агар яқинлик пайтида сочлар майда ўрилмай, ёзилган ёки битта қилиб ўриб олинган бўлса, сочнинг бирор толасини ҳам қолдирмай ювиш шарт. *Валлоҳу аълам*

## 35-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Бачадонда ҳомилани ман қилувчи восита бўлса, ҳайзнинг 10-кундан кейин намозимни ўқисам бўладими? Мен «Ҳомилани ман қилувчи восита бўлса, 10-кундан кейин ҳам ҳайз ҳисобланади», деб ўқиган эдим. Тўғри тушунганманми, аниқ билмадим, баъзида менда 12-13 кун ҳам бўлади. Аввалдан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳайзнинг энг кўпи ўн кун. Ҳайз ҳеч қачон ўн кундан ортиқ келмайди. Ўн кундан ортиғи истиҳоза ҳисобланади. Ҳомилани ман қилувчи восита сабабли ҳайз кунлари кўпайса, бу кунлар ҳам ҳайз ҳук-

мига киради, аммо шунда ҳам ўн кундан ортгани исти-  
ҳоза бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 36-САВОЛ

*Тишларимнинг ораси очиқлиги сабабли сим торттирган эдим. Тишларимга сим қўйилишидан олдин ғусл қилиб, кейин бордим. Аммо кейинчалик бир муаммо жуда мени ўйлантириб қўйди. Мен тишларимдаги симларни торттириш учун ҳар ҳафта бораман. Ҳайзли ҳолатимда ҳам борганман. Агар тишларимнинг ораси нопок ҳолимда ёпилиб қолса, нима бўлади? Пок бўлганимдан кейинги ғуслим қабул бўладими? Симни олдиришимга тўғри келмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Тишингизнинг орасига ғусл ва таҳоратда оғиз чай-  
ганда кирган сув покланишга кифоя. Бунинг учун даво-  
ланиш олдидан ғусл шарт эмас. *Валлоҳу аълам.*

### 37-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Чақалоқнинг пешоби қўлга тегса, таҳорат бузиладими? Ёки қўлни ювиб, намоз ўқиса бўлаверадими? Жавобингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бирор аъзога нажосат тегса,  
таҳорат бузилмайди. Ўша аъзони ювиб ташлаб, намоз  
ўқилаверади. *Валлоҳу аълам.*

## 38-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Хурматли устоз, Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қилсин. Мисвокни таҳорат олишдан олдин қилиш керакми ёки таҳорат олаётгандами? Агар таҳорат олаётганда бўлса, мен доим тишимни ювганимда милким қонайди.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мисвок қилиш суннат амал бўлиб, усиз ҳам таҳорат ўтаверади. Таҳорат қилаётганда мисвок ишлатиш – суннат. Мисвок бўлмаса, таҳоратда бармоқ ишлатилади. Мисвокни бошқа пайтларда ҳам ишлатиш суннатда келган. Ҳозирги кундаги тиш тозалаш воситалари ҳам мисвок ўрнига ўтади, аммо мисвок афзал. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мисвок милкларни даволайди. *Валлоҳу аълам.*

## 39-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли устоз. Сиздан пешоб ҳақида савол сўрамоқчи эдим. Баъзан «Кийимга пешоб тегдими ё йўқми», деб қийналаман ва кўнглимда шубҳа пайдо бўлади:*

*1. Кийимларга пешоб теккан бўлса, уч маротаба ювиш керак, деб эшитганман. Уч маротаба ювиш қандай бўлади? Битта идишга сув олиб, уч бор ишқаласам бўладими? Ёки идишнинг сувини уч марта алмаштириб, қайта ювиш керакми? Ва битта сувда бошқа нарсаларни ҳам: пешоб текканми ё бошқами, ювса бўладими ё ҳар битта нарсани алоҳида сувда ювиш керакми?*

*2. Қизим 3 ёшга боряпти, баъзан иштончасига бавл қилиб қўяди, билмасдан қизимни кўтариб ола-*

*ман, шунда пешоб менга текканми ёки йўқми, агар теккан бўлса ҳам, намлиги текканми, билмайман. Шу кийимимга қизимнинг иштончасининг пешоби қай даражада теккан бўлса, ювиш лозим бўлади? Яъни ювиш возжиб бўлиши учун кийимим қай даражада ҳўл бўлиши керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

1. Уч марта ювиш уч марта нажосат устидан сув қуйиб ювиш билан бўлади. Пешоб теккан кийимни бошқа кийимларга қўшмай ювилади.

2. Кийимингизга болангизнинг кийимидан сиқса, сув силқийдиган даражада ҳўл теккан бўлса, уни ювиш лозим бўлади. *Валлоҳу аълам.*

#### 40-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли устозимиз Одинахон она! Сизга дин йўлида қилаётган хайрли ишларингизда Аллоҳ барака ато этсин! Саволим қуйидагича: «пробник» атир сотиб олгандим. Кейин таркибини ўқиб кўрсам, табиий бўлмаган спирт қўшилган экан. Ўша атирни сепсам, намозимда ёки ибодатларимда хатоликларга йўл қўймайманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Тиббий ёки техник мақсадда тайёрланган спиртларни атир, дори тайёрлашда ва шунга ўхшаш бошқа соҳаларда ишлатиш жоиз, чунки уларга қўшиладиган баъзи бир моддалар фақат ана шу спирт билангина эриши мумкин. Шу боис уламолар сиз айтган атирлар сепилган кийим билан намоз ўқишга рухсат берганлар. *Валлоҳу аълам.*

## НАМОЗ

## 41-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Азонни балогатга етмаган болалар айтиши мумкинми ёки балогатга етган бўлиши керакми? Ёки тўғри ўқиса, ёшнинг аҳамияти йўқми? Қайси бири тўғри?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мумаййиз, яъни ажратиш ёшига етмаган (ақли бўлмаган) боланинг азони дуруст бўлмаслигига, жоиз эмаслигига уламолар иттифоқ қилишган. Чунки у ўзи нима қилаётганини идрок қила олмайди. Азоннинг тўғри бўлиш шартлари: Ислом, ақл ва эркакликдир.

«Бадоиъ ас-саноиъ» китобида: «Ақли бўлмаган боланинг азони жоиз бўлмайди. Айтган азони қайта айтилади. Ақлсиздан содир бўлган нарса қушларнинг овози каби, ҳисобга олинмайди», дейилган.

Тамйиз – ажратиш ёшига етган боланинг азони жоизлигини Ато, Шаъбий, Ибн Абу Лайло, Абу Савр ва Ибн Мунзирлар айтишган. Улар бу гапга хужжат қилиб Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Анаснинг «Амакиларим менга азон айтишни буюришар эди. Мен эса балогатга етмаган бола эдим. Анас ибн Молик шоҳид эди, буни инкор қилмаган», деган ривоятини олишган. *Валлоҳу аълам.*

## 42-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Янги туғилган чақалоққа ўз отаси азон чақирса бўладими? Унинг тартиблари қандай? Жавоб учун аввалдан катта раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Албатта, ота янги туғилган гўдагининг қулоғига азон айтиши жоиз. Қиблага юзланиб, боланинг ўнг қулоғига баландроқ овозда азон айтади. Сўнгра чап қулоғини ўзига тўғрилаб, пастроқ овозда такбир айтади.

عَنْ أَبِي رَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ أَدْنَانَ بِالصَّلَاةِ فِي أُذُنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ حِينَ وُلِدَتْهُ فَاطِمَةُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

*Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима (розияллоҳу анҳо)нинг туққан боласи Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумонинг қулоғига азон айтаётганларини кўрдим».

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Термизий саҳиҳ, деган.*

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, янги туғилган фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтиш мандубдир. Янги туғилган боланинг қулоғига кирган биринчи нарса Аллоҳнинг зикри бўлиши ниҳоятда яхши ишдир. Албатта, бу улуғ нарсанинг ўзига яраша баракаси бўлади.

Ривоятлардан бирида:

«Кимнинг боласи туғилса-ю, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтса, унга Умму Сибён зарар етказа олмас», дейилган.

Умму Сибён – болаларга зиён етказадиган жин тоифасидир. **Валлоҳу аълам.**

## 43-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли устоз! Хуфтон намозини ўқимай ухлаб қолса, кечанинг қайси вақтида ўқиса бўлади? Бомдоддан бир соат олдин ҳам ўқиса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бомдод намозининг вақти киргунча ўқисангиз бўлади.

Жавобни шайх ҳазратларининг «Кифоя» номли китобларидан тўлдиришга ижозат бергайсиз:

**«Хуфтон ва ундан кейин витр – иккиси ҳам мазкур вақтдан то фажргачадир».**

«Мазкур вақтдан» дегани «шом намозининг вақти тугагандан кейиндан бошлаб», деганидир.

Жаброил алайҳиссаломнинг Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга намознинг вақтларини кўрсатгани ҳақидаги ҳадисда «Сўнгра хуфтонни шафақ ғойиб бўлганда ўқиди», дейилган.

Бунда хуфтоннинг аввалги вақтида ўқилгани ҳақида сўз бормоқда. Охирги вақти эса бомдоднинг вақти киргунча давом этаверади. Бунда хуфтон билан витр намозининг вақти бир хил». **Валлоҳу аълам.**

## 44-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Намозни ўтириб ўқийдиган ёши улуг кишилар жамоатда сафнинг ўртасида ўтириши мумкинми ёки сафнинг четида ўтиргани маъқулми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, намозхонларга халал бермайдиган ҳолда ўтирганлари маъқул. **Валлоҳу аълам.**



## 45-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Мен давлат ташиклотида ишлайман. Иш вақти эрталаб 8:00 дан бошланади. Аллоҳга шуқр, бомдод намозидан сўнг Аллоҳнинг зикри ила ўтириб, сўнг Шуруқ намозини ўқийман. Аллоҳнинг раҳмати илинжида чошгоҳ (зуҳро) намозини ўқиМОҚЧИМАН. Ҳозирги кеча-кундузда бу намоз вақти соат нечаларга тўғри келади? Ҳадиси шарифларда «...теваларни (оёқни) куйдирадиган даражада қиздирганда...» дейилган. Жавобингиз учун ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Чошгоҳ намозининг вақти куёш найза бўйи кўтарилганидан бошлаб тиккага келгунича. Афзал пайти – соат 10-11лар атрофи. *Валлоху аълам.*

## 46-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Намоз ўқиётган вақтимда ёш болам думалаб олдимга келиб, жойнамоз устига ётиб олади. Ёки катта болам келиб, қучоғимга ўтириб олади. Шунда намозим бузиладими? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Намоз бузилмайди. *Валлоху аълам.*

## 47-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Бугун бирга ишлайдиган амакимиз намозни вақтида ўқиганимга танбеҳ бердилар. «Аёл киши вақтида эмас, эркак кишидан ўн дақиқа чамаси кечиктириброқ ўқиши керак», деб айтдилар. Шу тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Амакингиз айтган гап асоссиз. Аксинча, намозни илк вақтида ўқиган афзал.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الْوَقْتُ الْأَوَّلُ مِنَ الصَّلَاةِ رِضْوَانُ اللَّهِ، وَالْوَقْتُ الْآخِرُ عَفْوُ اللَّهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالدَّارَقُطْنِيُّ

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан санадини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказиб ривоят қилинади:*

**«Намознинг аввалги вақти Аллоҳнинг ризоси (ризосини топадиган вақт), охирги вақти Аллоҳнинг афв қилиш вақти».**

*Термизий ва Дорақутнийлар ривоят қилган.*

*Валлоҳу аълам.*

48-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Устоз! Чет элда яшаганимиз учун намозни дадам масжиддан олиб келган рўйхатга қараб ўқиймиз. Масжид узоқда бўлгани учун дадам ҳам бомдод намозини уйда ўқийди. Бугун бомдод намозининг охирги пайтидан 20 дақиқа аввал уйғондим, лекин мендан бошқа ҳамма ухлаётган эди. Шошилиб таҳорат олдим-да, сўнгра хаёлимдан: «Нега ота-онамни аввал уйғотмасдан, ўзим намоз бошлаяпман? Ахир улар ўқиса, мен учун шуниси яхши эмасми?» деган гап ўтди. Сўнгра синглимни уйғотдим-у, намозга турдим. Салом бериб, намозни тугатар эканман, хаёлимдан: «Қиёматда ҳатто она-бола бир-биридан қочади» деган жумла ўтди. Ахир авваллари бу гапларни эшитганимда «Худо хоҳласа, барча савобларимни ота-онамга бераман», дер эдим. Энди ўйлаб қарасам,*

*бу дунёнинг ўзида ўзимнинг фойдам учун ҳаракат қилман. Устоз, илтимос, маслаҳат беринг! Бундай ҳолатларда мен қандай йўл тутай? Жавоб учун олдиндан раҳмат! Аллоҳ сизни Ўз паноҳида асрасин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Бундай ҳолатда дарров ҳамма ни тез уйғотиб, ўзингиз ҳам намозни адо этишга шошилишингиз керак. Овоз бериб уйғотишга ҳеч қанча вақт керак эмас. Аллоҳ барчаларимизга Ўз ибодатида доимо ва вақтида қоим бўлишимизни насиб айласин. Омин. *Валлоху аълам.*

#### 49-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен ҳар кунги 5 вақт намозимга биттадан қазо намозини қўшиб ўқийман. Бомдодга қазо бомдод, пешинга қазо пешин намози, аммо шомда эса хуфтон ва витр намозларининг қазоларини ҳам қўшиб ўқиб оламан. Тартибни бузишимга сабаб эмизикли болам бор, хуфтон ва витрни ўз вақтида ўқигандан кейин чарчаб қоламан. Шунинг учун бу икки намознинг қазосини шомдан кейин ўқийман. Бу тўғримикан ёки тартиб билан ўқийми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Аслида тартибга риоя қилиш яхши. Тартибга риоя қилиш деганда, бомдоддан кейин пешинни, сўнг асрни ва хоказоларни ўқиш тушунилади. Бомдодга турганингизда бир кунлик қазо намозларингизни ўқисангиз ҳам бўлади. Аммо хуфтон пайтида ўқиганда чарчоқ туфайли малолланиб қоладиган бўлсангиз, шомдан кейин ўқисангиз ҳам бўлаверади. Муҳими, қазосини ўқисангиз бўлди. Аллоҳ ибодатларимизни бажаришимизда Ўзи куч-қувват ато этсин. Омин! *Валлоху аълам.*

## 50-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Саволим қуйидагича:*

*Киши намозини билмасдан, Каъбадан 10-15 градус нотўғри тарафга қараб ўқиса, қабул бўладими ёки қайтадан ўқийдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

Билмай ўқиган бўлса, қайта ўқилмайди.

Ким Каъбани кўриб турса, унга Каъбанинг ўзига юзланиши фарз. Каъбани кўра олмайдиган одам у томонга юзланса, кифоя қилади. Намозхон бадани ва назари билан Каъбага юзланади. Уламолар: «Баъзи бир масжидларнинг қибласи 45° гача ўнг ва чап томонга бурилган бўлса, у масжидда намоз ўқиш жоиз. Лекин 45° ёки ундан ортиқ бўлса, жоиз эмас. Чунки бунда намозхон қибла тарафдан бошқа тарафга юзланиб қолган бўлади», деганлар. («Кифоя»дан.) *Валлоху аълам.*

## 51-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа! Ёшим 27 да. Намозни ўқишни яқинда бошладим ва аёл киши намоз ўқишни аслида 9 ёшидан бошлаши кераклигини билдим. Ҳозирда қўлимга қатъий 18 йиллик жадвал чизиб, қазо бўлиб қолган намозларимни ўқишни ният қилдим. Ҳозир ўқиётган «Намоз – энг улуг ибодат» китобида «Узрли сабаб билан вақтида ўқилмаган фарз ва витр намозларининг қазоси ўқилади. Жума, ҳайит (ийд), жаноза, суннат намозларининг қазоси ўқилмайди. Фақат бомдод намозининг суннати ўша куни тушгача фарзи билан бирга ўқилади», деб ёзилган. Бир*

кунлик қазо намозимни ўқиш тартиби қуйидагича бўлади: 1. Бомдод – 2 рақъат фарз. 2. Пешин – 4 рақъат фарз. 3. Аср – 4 рақъат фарз. 4. Шом – 3 рақъат фарз. 5. Хуфтон – 4 рақъат фарз. 6. Витр – 3 рақъат вожиб. Ҳамма суннат намозларини олиб ташладим. Шу тартибда 18 йиллик қазо намозларимни ўқишим тўғри бўладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳа, тўғри, Аллоҳ қазоларни адо этишда Ўзи ёрдамчи бўлсин. Омин.

Шариатда фарзлар зиммага тушадиган балоғат ёши қатъий чекланмаган. Қиз болалар учун 9 ёшдан, ўғил болаларга 12 ёшдан, деган гап бизнинг диёрлардаги аксар ҳолатга кўра айtilган, холос. Қиз болага ҳайз кўрган кунидан, ўғил болага эҳтилом бўлган кунидан намоз фарз бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 52-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Саволларимизга жавоб бераётганингиз учун сизга катта раҳмат. Аллоҳ ишингизга ривож берсин. Менинг ўқилмай қолган 7-8 йиллик намозларим бор. Шу намозларимни кечаси турган пайтда таҳажжуд намозининг ўрнига ўқисам бўладими? Ёки таҳажжудни ҳам ўқиш керакми? Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Работиб суннатлардан бошқа нафлларнинг ўрнига қазо ўқиган афзал. Агар ҳам қазоларни, ҳам таҳажжуд каби суннатда келган нафлларни ўқиб борилса, жоиз. Бироқ нафлларни ўқиб, қазоларни кечга суриб юриш жоиз эмас. Қазо намозларни уч макруҳ пайтдан бошқа ҳар қандай вақтда ўқиса бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

## 53-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Она, ҳозирги кунда аксарият кишилар Қуръони Каримни мусҳафдан эмас, лотин алифбосида ёзилган китоблардан ўрганипти. Аммо араб тили ҳарфлари билан лотин ҳарфларининг таллаффузида фарқ бор. Бу усулда ёдланган сураларни ўқиб адо этган намозларимиз тўғри бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Имконини қилиб, араб тилида ўқишни ўрганиш керак. То ўрганиб олгунингизча намозингиз қабул бўлиб туради. *Валлоҳу аълам.*

## 54-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Менинг сочим жуда узун. Сочимни турмаклар юраман. Энди эшитдимки, намозда сочимни тушириб ўқиш керак экан. Баъзилар «Кесиб ташла», дейишди. Мен кесишни хоҳламайман. Қандай йўл тутишим керак? Жавобингиз учун катта раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Сочни кесиш шарт эмас. Намоз ўқиганда битта узун қилиб ташлаб олиш керак, йиғиб ташлайсизми, ўриб ташлайсизми, ўзингизнинг хоҳишингиз. Катта рўмол ўрайсиз ёки сочни кўйлак ичига киргизиб оласиз. *Валлоҳу аълам.*

## 55-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Бир ёшга кирган фарзандим бор. Намоз ўқиётган вақтимда олдимда, гоҳида жой-намоз устида тик турганимда саждагоҳга ўтириб ёки ётиб олади. Мен сажда қилмоқчи бўлганимда, уни олиб қўйиб, кейин сажда қиламан. Бу амал билан намозим бузилмайдими? Баъзида шу ҳолат ҳар ракъатда бўлади. Раҳмат, Аллоҳ Ўзи рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бола кўтариб намоз ўқиганлари ривоят қилинган. Иншааллоҳ, намозингиз бузилмайди. Аммо бу ҳаракат кўпайиб кетмаслиги керак.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ النَّاسِ وَأَمَامَهُ بِنْتُ أَبِي الْعَاصِ وَهِيَ ابْنَةُ زَيْنَبَ بِنْتِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى عَاتِقِهِ، فَإِذَا رَكَعَ وَضَعَهَا وَإِذَا رَفَعَ مِنَ السُّجُودِ أَعَادَهَا. وَفِي رِوَايَةٍ: فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَهَا وَإِذَا قَامَ حَمَلَهَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одамларга имом бўлиб намоз ўқиётганларини кўрдим. Умома бинт Абу Осс (у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнабнинг қизларидир), елкаларида эди. Рукуъ қилсалар, уни ерга қўяр ва саждадан турсалар, қайтариб олар эдилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Сажда қилсалар, уни кўяр ва турсалар, кўтариб олар эдилар», дейилган.**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган. Валлоху аълам.*

### 56-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳурматли устоз, мен гоҳида намозда «сураларни ўқидимми, йўқми» ёки «Субҳана Робиял азийм»ни уч марта айтдимми, йўқми?» деб ўйланиб қоламан. Шундай ҳолатда нима қилишим керак бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бундай ҳолатда гумоннинг ғолиб тарафи олинади. Агар зам сура қилмаганингиз кўпроқ гумон қилинса, саҳв саждаси қиласиз. Агар гумон кўп такрорланса, демак, васваса бўлади. Бундай ҳолатда унга эътибор берилмайди. Бу вазиятдан чиқиш, намозни тўқис адо этиш ҳамда намозда хушуъни ҳосил қилиш учун аввало, таҳоратни ҳамма рукнларини ўрнига қўйиб, ихлос билан қилиш, намозга қалбни ҳозирлаш, Аллоҳга боғланиш, Ўзидан мадад сўраш лозим. Намоз ўқиётганингизда хотиржам бўлишга урининг ва диққат қилинг. Шунингдек, истиғфорни кўп айтиш ҳамда гуноҳ ҳамда беҳуда ишу сўзлардан тийилиш ҳам намозда хушуъ ва ҳузур ҳосил қилишга ёрдам беради. Саҳв саждаси қайси ҳолатларда қандай қилиниши ҳақидаги маълумотларни намоз китобларидан топишингиз мумкин. *Валлоху аълам.*



## 57-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Мен намозни бошлаганимга унча кўп бўлмади. Аллоҳга шуқр, рўза тутишни бошладим. Қуръон ўқишни билмайман. Кечалари таровеҳ намозини ўқимоқчи эдим. Илтимос, йўл кўрсатинг, намозни қандай ўқисам бўлади? Жавобингизни кутиб қоламан. Олдиндан катта раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Таровеҳ намози 20 рақъат ўқилади. 20 рақъат ўқишга қийналганлар қудрати етганича ўқийверади. Уни хуфтон намозидан кейин, витрдан олдин ўқийсиз. Таровеҳ намози икки ёки тўрт рақъатдан ўқилади, ҳар рақъатига зам сура қўшилади. Ҳар тўрт рақъатдан кейин ўтириб, тасбеҳ айтилади. Таровеҳ ўқиш аёллар учун ҳам суннати муаккададир.

Куйида «Кифоя» китобидан иқтибос келтирамиз:

## ТАРОВЕҲ НАМОЗИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Рамазонда бедор бўлиб ўқиладиган намоз «таровеҳ» деб номланиши ҳаммага маълум. «Таровеҳ» роҳат-истироҳат маъносидадир. Чунки мазкур намоз истироҳат ҳисобланади, ҳар тўрт рақъатни ўқиб бўлгандан кейин истироҳат олинади.

«Мухтасари Викоя»да бу намоз ҳақида куйидагилар келган:

**Таровеҳ витрдан олдин ёки кейин суннатдир. Ҳар тўрт рақъатдан кейин унинг миқдорича ўтирилади. Бир марта хатм қилиш суннатдир. Уни қавмнинг дангасалиги туфайли тарк қилинмайди. Рамазондан ташқарида витрни жамоат билан ўқилмайди.**

Бунинг энг кучли далили Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг амалларидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُرَغَّبُ فِي قِيَامِ رَمَضَانَ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَأْمُرَهُمْ بِعَزْمَةٍ وَيَقُولُ: «مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Рамазон кечаларини ибодат ила бедор ўтказишга тарғиб қилар, аммо қатъий буйруқ бермас эдилар. Бас, у зот: «Ким Рамазонда иймон ва ихлос билан қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур», дер эдилар».

*Бешовлари ривоят қилган.*

عَنْ عَائِشَةَ رضي الله عنها قَالَتْ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لَيْلَةً مِنْ جَوْفِ اللَّيْلِ فَصَلَّى فِي الْمَسْجِدِ وَصَلَّى رِجَالٌ بِصَلَاتِهِ، فَأَصْبَحَ النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا، فَاجْتَمَعَ أَكْثَرُ مِنْهُمْ فَصَلُّوا مَعَهُ، فَأَصْبَحَ النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا، فَكَثُرَ أَهْلُ الْمَسْجِدِ مِنَ اللَّيْلَةِ الثَّلَاثَةِ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَصَلَّى فَصَلُّوا بِصَلَاتِهِ، فَلَمَّا كَانَتِ اللَّيْلَةُ الرَّابِعَةَ عَجَزَ الْمَسْجِدُ عَنْ أَهْلِهِ حَتَّى خَرَجَ لِصَلَاةِ الصُّبْحِ، فَلَمَّا قَضَى الْفَجْرَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَتَشَهَّدَ، ثُمَّ قَالَ: أَمَّا بَعْدُ، فَإِنَّهُ لَمْ يَخْفَ عَلَيَّ مَكَانُكُمْ وَلَكِنِّي خَشِيتُ أَنْ تُفْتَرَضَ عَلَيْكُمْ فَتَعْجِزُوا عَنْهَا، فَتُوِّفِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَالْأَمْرُ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси чиқиб, масжидда намоз ўқидилар. Одамлар ҳам у кишига иқтидо қилдилар. Тонг отгандан сўнг одамлар (бу ҳақда) гапирдилар. Кейин улардан ҳам кўп тўпланишди ва у зот билан намоз ўқишди. Одамлар (бу ҳақда ҳам) гапирдилар. Учинчи кечада масжид аҳли кўпайиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб, намоз ўқидилар. Улар у зотга иқтидо қилдилар. Тўртинчи кеча бўлганида масжид одамларни сиғдиришга ожизлик қилиб қолди. У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Бомдод намозига чиқдилар. Намозни ўқиб бўлганларидан кейин одамларга юзландилар ва:

«Сизнинг ҳолингиз менга махфий бўлгани йўқ. Лекин мен (намоз) сизга фарз бўлиб, сўнг унинг адо-сида ожиз қолишингиздан кўрқдим», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида иш ана шу ҳолда эди».

*Учовлари ривоят қилганлар.*

Саҳобаи киромлар ва барча Ислом уммати бу намознинг шаръийлигига ижмоъ қилганлар.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدِ الْقَارِيِّ قَالَ: خَرَجْتُ مَعَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ لَيْلَةَ فِي رَمَضَانَ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَإِذَا النَّاسُ أَوْزَاعٌ مُتَفَرِّقُونَ، يُصَلِّي الرَّجُلُ لِنَفْسِهِ، وَيُصَلِّي الرَّجُلُ فَيُصَلِّي بِصَلَاتِهِ الرَّهْطُ، فَقَالَ عُمَرُ: إِنِّي أَرَى لَوْ جَمَعْتُ هَؤُلَاءِ عَلَى قَارِيٍّ وَاحِدٍ لَكَانَ أَمْثَلًا، ثُمَّ عَزَمَ فَجَمَعَهُمْ عَلَى أَبِي بِنِ كَعْبٍ، ثُمَّ خَرَجْتُ مَعَهُ

لَيْلَةَ أُخْرَى وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ بِصَلَاةِ قَارِئِهِمْ، قَالَ عُمَرُ: نَعِمَ الْبِدْعَةُ هَذِهِ، وَالَّتِي يَنَامُونَ عَنْهَا أَفْضَلُ مِنَ الَّتِي يَقُومُونَ. يُرِيدُ آخِرَ اللَّيْلِ وَكَانَ النَّاسُ يَقُومُونَ أَوَّلَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Абдурахмон ибн Абд ал-Қорийдан ривоят қилинади:*

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан Рамазон кечаларининг бирида масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, тарқоқ ҳолларида, кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқимоқда. Кимдир намоз ўқиса, бир неча киши унга иқтидо қилмоқда. Шунда Умар:

«Менимча, анавиларни бир қори (орти)га жамласам, яхши бўлади», деди. Сўнгра уларни Убай ибн Каъбнинг ортидан жамлади. Кейин бошқа бир кечада мен яна у билан чиққанимда одамлар қориларига иқтидо қилиб, намоз ўқишар эди.

Умар:

«Бу қандай яхши бидъат. Бу вақтда ухлаб ётганларидан кўра қоим бўлганлари афзал», деди. («Кечанинг охирида», демоқчи.) Одамлар кечанинг аввалида қоим бўлишар эди».

*Бухорий ривоят қилган.*

Ҳазрати Умарнинг бу ишларига саҳобалардан ва мусулмон умматидан бирор киши ҳам қарши чиқмаган.

عَنْ الْعَرَبِاضِ بْنِ سَارِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الْمَهْدِيِّينَ الرَّاشِدِينَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Ирбоз ибн Сария розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам:

**«Менинг суннатимни ва мендан кейин мухтадий рошид халифаларнинг суннатини лозим тутинг», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.*

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳидан ҳазрати Умарнинг қилган бу ишлари ҳақида сўралганда:

«Таровеҳ – суннати муаккададир. Уни Умар ўзидан чиқарган эмас. У бу ишда бидъатчи эмас. Унинг асли бор бўлгани учун амр қилган. Бу ҳақда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан аҳд бўлган», деганлар.

Таровеҳ намози Рамазонда, хуфтон намозидан кейин, витр намозидан олдин ўқилади. У йигирма рақъатдан иборатдир. **Валлоҳу аълам.**

#### 58-САВОЛ

**Имом махфий намозда Фотиҳа сурасини ўқишни бошлаганида «Алҳам», деб овоз чиқариб юборди ва махфий намозлиги эсига тушиб, шу заҳоти овозини пастлатди. Бу ҳолатда саждаи саҳв қилиш керакми? Имомга айтсам, имом: «Бирон сўзни тўлиқ ҳолда овоз чиқариб айтсагина, саждаи саҳв қилинади. Масалан, «Алҳамдулиллаҳ!» демоқчи бўлиб, лекин «Алҳам», дегандан кейин овозни пастлатишга улгурса, саждаи саҳв қилинмайди», деди. Шу тўғрими?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

«Кифоя» китобида саждаи саҳвга сабаб бўладиган нарсалар ҳақида ушбулар айтилган:

«Жаҳрий ёки сиррий кироат қилиш қондасига хилоф қилиш: пешин ва аср намозларида намоз дуруст бўладиган миқдор, яъни узун бир оят ёки қисқа уч оятни овоз чиқариб, бошқа намозларда овоз чиқармай кироат қилиш. Бу, албатта, имом учун.

Демак, икковинглар ҳам хато қилгансизлар. Сиз айтгандек, саждаи сахв ҳам қилинмайди. Имом айтганидек, саждаи сахв бирон сўзни тўлиқ ёки чала айтишга эмас, бир узун оят ёки уч қисқа оятнинг тўла ўқилиши ёки ўқилмаслигига қараб бўлади. **Валлоҳу аълам.**

### 59-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Опа! Аллоҳ хайрли ишларингиздан рози бўлсин. Сиздан намоз ҳақида сўрамоқчи эдим. Саволим шуки, аср намозига 5 дақиқа қолса-ю, пешин намозининг 4 ракъат суннатини ўқишга улгурса ва аср намози бошланиб қолса, пешиннинг қолган ракъатларини ва шундан сўнг аср намозини ўқиш жоизми? Эътибор ва жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ Ўзи рози бўлсин. Сиз ҳам рози бўлинг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аср намозига беш дақиқа қолган бўлса, пешин намозининг суннатини қолдириб, фарзинигина ўқиб олиш керак эди. Агар суннатини ўқиб бўлгунча вақт чиқиб, аср вақти кирганидан кейин пешин намозининг фарзи ўқилган бўлса, уни қазо қилиб ўқилган бўлади. Ундан кейин аср намозини ҳам ўқийверасиз. **Валлоҳу аълам.**

### 60-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Менинг эмизикли болам бор. Яқинда 2 ойлик бўлади. Баъзан намоз ўқийётган пайтимда йиглаб қолади, шундай пайтда намозимни тўхтатиб (бузиб), боламга қарасам бўладими ё намозимни ўқишда давом этишим керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Агар ўқийтган намозингиз фарз намози бўлса ва бола хатарда бўлмаса, намозни бузмай-сиз. Нафл намози бўлса, намозни тўхтатиб, болага қарасангиз бўлади. Лекин ўша тўхтатилган намозни қайта ўқиб қўясиз. Бола учун намозни енгилроқ қилиб ўқиш мумкин.

### 61-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳали турмушга чиқмаган қиз ўз акасига иқтидо қилиб, ортида туриб, фарз намозларини бирга ўқиши жоизми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Иқтидо қилувчида турмушга чиққан-чиқмаганлигига қаралмайди. Аммо ёлғиз эркакнинг номаҳрам аёлларга имом бўлиши макруҳ. *Валлоҳу аълам.*

### 62-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли сайт аъзолари. Мен иш билан банд бўлганим сабабли баъзан фақат бомдод намозини ўқийман. Иш вақтим соат 4 да тугайди. Шундай ҳолатларда фақат бомдод намозини ўқисам бўладими ёки пешин ва аср намозини қазо қилиб ўқишим керакми? Раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳар бир намозни ўз вақтида ўқиш керак. Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилиб:

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا﴾

«Намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир»,

дейди (103-оят). Ҳар бир ракъат намоз учун банда ҳисоб-китоб қилинади. Шу боис қазо намозларингизни ҳам ўқиб боринг. *Валлоҳу аълам.*

### 63-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Одинахон опа, намоз ўқишдан олдин таҳорат пайтида сочга масҳ тортаётганда фарқ очиш керак, деб эшитдим. Очиқ бўлмаса ҳам намоз ўқиса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Таҳорат қилганда масҳнинг масҳ бўлиши учун сочда фарқ очиш шарт қилинмаган. Сочда фарқ очилмагани намозни бузади ҳам дейилмаган. *Валлоҳу аълам.*



**ЖАНОЗА****64-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Совет иттифоқи пайтида Хоразмда уйланиш учун қалинга катта пул талаб қилинар эди. Шунинг учун кўпчилик совет иттифоқининг бошқа республикаларида армияда хизмат қилиб, ўша ердан уйланиб келишарди. Айримлари гайридинларга уйланган. Совет иттифоқи пайтида динга қаттиқ тазйиқ бўлгани учун кўпчилик бунга эътибор қилмаган. Энди ана шу аёллардан умр бўйи тавҳид калимасини келтирмай яшаб ўтганлари ҳам бор. Лекин қайнота ва қайнонасига, эрларига мусулмонча маъракалар бергани, маҳаллада тўй-маъракаларда қатнашгани, давлат томонидан мусулмон эри билан ЗАГСдан ўтгани, мусулмонлар билан маҳаллада ўсгани сабабли тавҳид калимасини (яъни «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни) айтмаган бўлса ҳам, фарзандларининг талаби ва амали билан унга, яъни маййитга жаноза намози ўқиса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу эътиқодга тааллуқли бўлгани учун жуда нозик масаладир. Ушбу ҳолатда ўтган кишининг ҳаётига диққат билан назар солиш керак. Чунки агар у ғайридин бўлса, унга адашиб мусулмоннинг муомаласини қилиб қўйиш эҳтимоли, агар мусулмон бўлган бўлса, ўз ҳаққи бўлган жанозадан маҳрум қилиб қўйиш эҳтимоли бор. Шунинг учун унинг ҳаёт тарзига қараш керак. Тавҳид калимасини айтган-айтмаганлиги аниқ бўлмаса, эътиқодга тегишли нима қилган, чўқинганми ё мусулмонларнинг эътиқодга тааллуқли ишларини қилганми?

Ана шунда масала ойдинлашади ва шунга қараб иш тутилади. Аммо талаб қилинганда тавҳид калимасини айтмаган бўлса, мусулмон ҳисобланмайди. **Валлоҳу аълам.**

## РЎЗА

### 65-САВОЛ

**Ассалому алайкум! Рўзадор одам маний оқишига сабаб бўлувчи нарсани ўйласа ёки кўриб, манийси оқса, рўзаси бузиладими? Қулоққа сув кирса-чи?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом.

Агар рўзадор одам беихтиёр қайт қилиб юборса, рўзаси эсидан чиқиб, оғзини очиб юборса ёки эҳтилом бўлса, шаҳват билан қарагани учун манийси тўкилса, томоғига чанг, тутун ёки пашша кирса, рўзаси бузилмайди, қазосини тутмайди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «ثَلَاثٌ لَا يُفْطِرُنَ الصَّائِمَ: الْحِجَامَةُ، وَالْقَيْءُ، وَالْإِحْتِلَامُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса рўзани очмайди: қон олдириш, қайт қилиш ва эҳтилом бўлиш», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Бошқа жинсдаги шахсга шаҳват назари билан қараб туриб манийси тўкилган кишининг рўзаси очилмаслиги бу ишда жинсий яқинликнинг сурати ҳам, маъноси ҳам йўқлиги учундир. («Мўминнинг қалқони» китобидан.)

Қулоққа сув кириши ҳам рўзани очмайди. **Валлоҳу аълам.**

## 66-САВОЛ

*Ассалому алайкум, азиз мусулмонлар! Аллоҳга шуқр, 6-7 йилдан бери рўза тутиб келяпман. Уйда йўлдош антенна бор, у орқали Арабистоннинг Saudi – Sunna каналини кўраман. Saudi – Sunna телеканали мусулмонлар кўп яшайдиган мамлакатлар учун намоз вақтларини ёзади (экраннинг пастиди ёзув ўтиб туради), ҳисоблашни «Umm Al Qura» Университети бажарар экан. Тошкент учун кўрсатиладиган бомдод вақти бизнинг мусулмонлар идораси берадиган вақтдан 30-40 дақиқага фарқ қилади. Нима учун бунчалик катта фарқ бўляпти? Ахир адашмасам, бу нарса кун ботиши ва кўёш чиқишига қараб астрономия орқали ҳисобланади... Астрономия эса аниқ фан. Қайси пайтга қараб оғиз ёпишни билмай, рўзам қабул бўлсин деб, эртароқ ёпяпман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Дунёда намоз вақтларини фалакий ҳисоб асосида ўрганган илмий даргоҳлар талайгина. Уларнинг ҳисоблари орасида фарқлар мавжуд. Умуман куро университети ҳам ўшаларнинг биридир. Бу ҳам бир нав ижтиҳод. Сизга эса Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тақвимга амал қилишни тавсия қиламиз. *Валлоҳу аълам.*

## 67-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Саҳарликдан ярим соатлар ўтгандан сўнг бурнимдан қон оқди. Тўхтагач, қайта ният қилиб олдим. Рўзам қабул бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бурун қонаши рўзани бузмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 68-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Рамазон рўзасининг қазосини зулҳижжа ойида ҳам нафлга, ҳам қазага ният қилиб, бир вақтда тутса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Фарз амалда бошқа ният сиғмайди. Қазо – фарз, нафл эса бошқа ибодат. Аммо қазоларингизни зулҳижжага ўхшаш фазилатли кунларда тутсангиз, шу каби улуғ айёмларда рўзадор бўлганлигингиз учун савоб олаверасиз, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## 69-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Уйқудан кечроқ уйғонибмиз, оғиз ёпишга 5 дақиқа қолган экан. Тезда саҳарлик қилиб, ёпиб олавердик. Аммо 15 дақиқалар кечроқ ёпибмиз. Оғиз кечроқ ёпилса, рўза қабул бўлмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Белгиланган вақтдан ўтказиб бўлмайди. Қасддан ўтказиб, оғиз ёпиладиган вақтдан кейин эса ёки ичса, ўша куннинг қазосини ва унга кўшиб олтмиш кун каффорот рўзасини тутати. Билмай ўтказиб, нарса еб юборган ёки ичиб юборган киши кейин ўша кун ўрнига бир кун қазо тутиб беради. *Валлоҳу аълам.*

## 70-САВОЛ

*Дори ичса, рўза бузиладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ғизо ёки унинг маъносидаги нарсани шаръий узрсиз ейиш рўзани бузади.

Одатда озуқа сифатида тановул қилинадиган барча нарсалар ғизога киради. Дори, папирос, афюн, наша ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам ғизо маъносидаги нарсаларга киради.

Орқасидан, бурнидан, томоғидан ва аёл кишининг олдидан ичига сув ёки дори киритилса ҳам. (*«Кифоя»-дан*) **Валлоҳу аълам.**

### 71-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин! Саволим қуйидагича: рўзадор таом тайёрлаётганда таомнинг мазасини (тузини) билиш учун татиб кўрса бўладими? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Бирор нарсанинг мазасини татиб кўриш ёки чайнаш макруҳдир. Фақатгина ёш болага овқат чайнаб бериш зарурат юзасидан бундан мустасно. Бу ҳолатда ўша нарса ичкарига кетиб қолиб, рўзани бузиши хавфи бор. Қолаверса, бошқалар кўрса, рўза тутмаган экан, деган тухматга қолиш ҳам мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, тухмат ўринларига яқинлашмасин»**, деганлар. **Валлоҳу аълам.**

### 72-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Рамазон ойи ҳаммамизга муборак бўлсин! Саволим: Рамазон ойида рўзадор одам бассейнларда чўмилиши мумкинми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом.

Киши салқинлаш мақсадида сувга шўнғиса, рўза очилмаслигига учала имом ҳам иттифоқ қилганлар.

وَقَالَ أَنَسٌ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: إِنَّ لِي أَبْزَنَ أَتَقَحُّمُ فِيهِ وَأَنَا صَائِمٌ.

«Анас розияллоху анху: «Менинг бир абзаним<sup>1</sup> бор, унга рўзадор ҳолимда кириб тураман», деган» («*Олтин силсила*» китобидан. «*Саҳиҳул Бухорий*»).

Аммо сувга шўнғиб чўмилиувчилар кўп ҳолларда сув ютиб юборишларини эътиборга олиб, уламолар рўзаси очилиб кетмаслиги учун сувга шўнғишни ман қиладилар. Бунга қуйидаги ҳадисни далил қиладилар.

عن لَقِيْطِ بْنِ صَبْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخْبِرْنِي عَنِ الْوُضُوءِ، قَالَ: «أَسْبِغِ الْوُضُوءَ، وَخَلِّلْ بَيْنَ الْأَصَابِعِ، وَبَالَغْ فِي الْأَسْتِنْشَاقِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ صَائِمًا»

*Лақийт ибн Сабура розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга таҳорат ҳақида хабар беринг», дедим. У зот: «**Таҳоратни мукамал қилгин, бармоқларинг орасига ҳилл қил, бурнингга сув тортишда муболаға қил, лекин рўзадор бўлсанг, ундай қилмагин**», дедилар».

*Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можалар ривоят қилган.*

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ бу ишларни макруҳ санаганлар. Лекин макруҳлиги рўзани бузишга олиб бориши эътиборидан эмас, балки ибодатни адо қилишда сабрсизликни изҳор қилганлигидандир.

<sup>1</sup> Абзан – тошдан ўйиб ишланган сувидашга ўхшаш нарса.

Жумладан, Устозимиз Шайх ҳазратлари раҳимахуллоҳ ҳам жуда кўп одамларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, рўзадор одамнинг устидан сув куйиб ғусл қилишига ижозат берар ва сувга шўнғиб чўмилишдан қайтарар эдилар.

وَقَالَ بَعْضُ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ: لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ بِالْعَرَجِ يَصُبُّ عَلَى رَأْسِهِ الْمَاءَ وَهُوَ صَائِمٌ مِنَ الْحَرِّ أَوْ الْعَطَشِ.  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

**«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бири:**

**«Багаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Аржда рўзадор ҳолларида иссиқ ёки чанқоқликдан бошларидан сув қуяётганларини кўрдим», деди».**

*Абу Довуд, Насаий ва Аҳмад ривоят қилган.*

**Шарҳ:** «Арж» – Мадинаи мунавварадан бир неча кунлик йўл узоқликда жойлашган бир қишлоқнинг номи. Ушбу ривоятдан «Рўзадор инсон устидан сув куйиб чўмилса бўлади», деган ҳукм чиқади. Агар ўша ғуслнинг сабаби чанқоқлик ёки куннинг иссиқлиги бўлса ҳам.

Уламоларимиз: «Кўп сувга кўмилиб чўмилишга руҳсат йўқ», дейдилар. Чунки у ҳолда сув ютиб юбориш, баъзан ичга сув кириб кетиши эҳтимоли бор.

**Рўзадор учун макруҳ бўлмаган ишлар:**

1. Мўйлабга хушбўй нарса суртиш.
2. Сурма қўйиш.
3. Заифлаштирмаса, қон олдириш.
4. Эрталаб мисвок қилиш.
5. Оғиз ва бурунни чайиш.
6. Ғусл қилиш.

7. Салқинлаш учун ҳўл латгага ўраниш. («*Ҳадис ва Ҳаёт*» китобидан).

وَقَدْ كَرِهَ الْحَسَنُ وَالشَّعْبِيُّ أَنْ يَنْغَمَسَ فِي الْمَاءِ خَوْفًا أَنْ يَدْخُلَ فِي مَسَامِعِهِ.

«Ҳасан Басрий ва Шаббий раҳматуллоҳи алайҳимо ҳам рўзадорнинг оғиз ва бурун каби жойларидан ичкарига сув кириб кетиш хавфи бўлгани учун сувга шўнғишни қариқ кўрар эдилар». (*Муғний. Ибн Қудома*).

Шунингдек, имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ ҳам рўзадорнинг сувга шўнғишини қариқ кўрганлар. *Валлоҳу аълам.*

### 73-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Рўзадор ҳолатимда тишимни даволатсам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мумкин. Фақат муолажа пайтида томоқдан қорин йўлига дори кетиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. *Валлоҳу аълам.*

### 74-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Сизга қуйидаги савол билан муурожаат қилмоқчиман:*

*Ёзда ҳар хил ҳидларнинг олдини олиш учун баданга дезодарант сепса, рўза бузиладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

Рўзадор мушқ, атир каби хушбўйликларни ҳидлаши макруҳ эмас, рўзани ҳам очмайди (исириқ, тутунларни ичига ютиш билан рўза очилади). *Валлоҳу аълам.*



## 75-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одина она, Аллоҳ сиздан ва оила аъзоларингиздан рози бўлсин. Саволим қуйидагича: менинг бир ойлик ҳомилам бор. Рамазон рўзасини тутмоқчиман. Иккита фарзандимда ҳам токсикоз оғир кечганди. Алҳамдулиллаҳ, ҳозир яхшиман, рўза тутушига, иншааллоҳ, кучим етади. Фақат мени ўйлантираётган нарса энди ривожланиб ўсаётган ҳомиламга зулм қилиб қўймайманми? «Рамазон рўзасини тўлиқ ва қазосиз тутушини насиб қилсин», деб дуо қилардим. Қазо қилгим келмаяпти. Балки, Аллоҳ шунинг учун ҳам менга шу неъматни бергандир. Аллоҳ билгучи. Маслаҳатингизга муҳтожман.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Рўзани тутаверинг. Ҳозир Интернетда ҳомиладор оналарнинг рўзаси ҳақида маълумотлар кўп. Режа қилиб, ифторликдан сахаргача ўзингиз ва ҳомилангиз учун керакли озуқаларни истеъмол қилиб улгурасиз. Қийналсангиз, кун ора тутсангиз ҳам бўлади. Ҳолатингизга қаранг. Ўттиз кунни қазо қилсангиз, ҳали уни тутиб бериш ҳам бор. *Валлоҳу аълам.*

## 76-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она. Менинг 11 ойлик ўғлим бор. Ўғлимни кўпроқ эмизаман, баъзида печенье бераман. Ҳар эмизганимда қорним жудаям очиб кетади. Нонушта қилсам, тушликкача зўрга етиб бораман. Бу йил Рамазон ойида рўза тутмоқчиман. Ўғлимни кундузи умуман эмизмай, фақат кечаси эмизиб рўза тутмоқчи эдим. Қайнопам: «Болани қийнаб қўясиз, эмиш унинг сиздаги ҳаққи», деб қолди. Менга*

*маслаҳат беринг, илтимос. Қандай йўл тутай? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Рамазон ойи келишидан аввалроқ болани қўшимча овқатга ўргатиб, тайёрланиб туриш керак эди. Энди таваккал қилиб тутиб кўрасиз, болага қийинчилик етса, сиз кабиларга очишга руҳсат бор. *Валлоҳу аълам.*

### 77-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа! Саволим: бир танишим эрталаб саҳарлик қилмасдан ухлаб қолса, кун давомида оч юриш орқали рўза тутарди. Шу тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Рўзани ният қилган одам саҳарлик қилмай ухлаб қолган бўлса, ҳеч нарса емасдан рўзасини тутишга мажбур. Чунки Рамазон ойида ҳам, умуман, бошқа нафл рўзаларида ҳам саҳардан то шомгача ейиш-ичиш мумкин эмас. Рўза тутадиган кишига саҳарлик қилиб олиш тавсияси суннатда келган. *Валлоҳу аълам.*

### 78-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Рўзадор юз креми ва варикозда ишлатиладиган малҳамларни суртиши, ҳамда суппозиториялар (свечкалар) ишлатиши жоизми? Аллоҳ сиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Рўзадор хушбўй, яъни хидли нарсаларни суртиши жоиз. Свечкаларни ишлатиб бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 79-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Қилаётган хайр-ли ишларингиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин. Саволим қазо рўзалари хақида. Мен бир китобда «қазо рўзалари бор одам нафл рўза тутиши макруҳ», деб ўқигандим. Кейин қайси китобда, қаерида ўқиганимни топа олмадим. Мен Рамазон рўзасининг фазилатларини тўлиқ тушуниб, тутишни бошладим. Қазо рўзаларимни ҳам тутиб олмоқчиман, 9 ёшимдан ҳисоблайманми ёки биринчи ҳайз кўрилган ёшдан ҳисоблайманми, шуни билмаяпман. Агар биринчи ҳайздан ҳисобланса, мен неча ёшимда ҳайз кўрганимни эслолмайман. Қазо рўзани тутишда қандай ният қиламан? Ва яна бир саволим шуки, мен тушгача дарсда бўламан, уйга келгунимча менга овқат олиб қўйишади, масалан, мен қазо рўзаларимни тутиб юрганимни билдирмаслик учун ҳамда уйдагиларим «оч юрибди», деб хавотирланмасликлари учун «Овқат еб ол», дейишганда «Ўқишда еб келдим», десам бўладими? Чунки онам жудаям хавотирчан аёл, шунақа десам, улар тинч ўтиришади. Ёки бу ҳам ёлгонга кирадими? Уйдагиларим нотўғри тушуниб қолишмасин деб ҳам кўрқяпман...*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Қазо рўзалари бор одам нафл рўза тутиши макруҳ», дейилгани нафлдан кўра аввал фарз рўзани муқаддам қилиш кераклиги юзасидандир. Бунда киши закот бермай туриб, ихтиёрий садақа чиқаргандек бўлади. Аввал зиммасидаги фарзларини адо этиб, кейин ихтиёрий савоб амалларни қилиш керак.

Балоғат ёшига етгандан кейин рўза тутиш фарз бўлади. Балоғатга етишнинг энг катта аломати қиз бола-

лар учун ҳайз кўришдир. Сиз яхшилаб эслашга ҳаракат қилинг. Одатда ҳар бир аёл қачон илк бор ҳайз кўрганини эсида тутати. Бўлмаса, тахминан ҳисоблаб, қарз рўзаларингизни тутиб бораверасиз.

Қазо рўзани «Фарз бўлган, Рамазонда тугилмаган рўзамнинг қазосини тутяпман», деб ният қилинади.

Уйдагиларга бу ҳолатни тўғри тушунтириш, ёлғон гапириш керак эмас. *Валлоҳу аълам.*

### 80-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Инсон тугулмай қолган рўзаларини қандай адо этишини айтиб берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Каффорат рўзаси бўлса, кетма-кет олтиш кун тутати. Қазо рўза бўлса, имконини топганда тутиб бераверади, кетма-кет ёки орасини очиб тутишда фарқ йўқ. Тезроқ тутиб бергани афзал. *Валлоҳу аълам.*

### 81-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опагон! Мен ҳайзим тугаши билан зусл қилиб, рўзамни давом эттирган эдим. Аммо саҳарлик қилгандан кейин жуда кам миқдорда оч пушти рангда келганини кўрдим. Аммо пешинда топмадим, яна зусл қилиб олдим. Аммо рўзамни очмадим. Ушбу рўзам қазо бўлиб қолмадимми? Аллоҳ сизни ва аҳлингизни Ўз паноҳида асрасин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Иншааллоҳ, қазосини тутмайсиз. Аммо танга миқдоридан кўп бўлса, оқдан бошқа рангдагиси ҳайз бўлади ва ўша кунги рўза қазо қилинади. *Валлоҳу аълам.*

## 82-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Саволим учун айбга буюрмайсиз деб умид қиламан. Қизимнинг бавосил(ге-моррой)и бор. Ҳар ҳоҷатга борганида чиқиб кетади, уни мазъ суртиб ёки ҳеч бўлмаса нам салфетка билан киритиш керак. Бунда албатта нимадир суртилмаса, кирмайди. Рўзам очилмасин деб, қўлқопнинг ўзи билан киргизиб кўрди, бўлмади, чунки намланиши керак. Неча соатдир чиқиб тургани учун қийналганидан кейин, «Маздан кўра моддалари кам ва кирса ҳам, камроқ нарса киради» деб, нам салфетка ёрдамида итариб киргизди. Орқадан бирон нарса кирса, рўза бузилишини биламан. Бу ҳолатимизда қандай қилсак экан, деб қолдим. Чунки мазъ ёки салфетка ишлатилмаса, қайта-қайта киргизилса ҳам, фойдаси йўқ. Киритилмаса, оғриқ кучли бўлади ва иситма бериши мумкин. Кейин кунни билан, ифторлик вақти киргунча кундалик ишларини қилолмай, фақат ётиши керак бўлади.*

*Нима қилсак экан, Одинахон? Шифокорга борганмиз. Шунақа мазлар ёзган. Бу мазларнинг давоси фақат ҳоҷатга боргунча бўляпти. Фойдаси қисқа ва тўлиқ эмас. Мазъ ҳам, салфетка ҳам ишлатмаймиз деб, синаб кўрдик, бўлмади.*

*Минг бор узр. Лекин сўрашдан бошқа илож тополмадик. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ шифо берсин. Бу ҳолат бўшанишдан кейин бўлаётган бўлса, ҳоҷатга ифтордан кейин боришни одат қилиш керак. Имкони бўлмаса, жуда азият чекадиган бўлсалар, кейинроқ Рамазон

рўзасининг қазосини тутиб берадилар. Чунки орқадан кирган намлик сабабли ўз-ўзидан рўза очилиб кетади. Аввал даволаниб, кейин тутиб берадилар. Узрли кишига гуноҳ йўқ. *Валлоху аълам.*

### 83-САВОЛ

*Рўзадор тупугини ютиши мумкинми ва бу ҳолат рўзанинг бузилишига олиб келадими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Тупукни ютиш рўзанинг бузилишига сабаб бўлмайди. *Валлоху аълам.*

### 84-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Келаётган Рамазон ойи сизга улуг ажр ва мукофотлар олиб келсин! Бу йил менинг сафарим Рамазон ойига тўғри келиб қолар экан. Мен жойлашган минтақада ифторлик вақти Киев вақти билан соат 21:00 га тўғри келади, менинг самолётим эса 19:30 да. Сўнг Москва вақти билан 21:05 да Москвага қўнаман. Лекин Москвада ифтор вақти соат нечада эканини билмайман. Ўша куни рўзамни қандай очай? Кейин Москвада иккинчи самолётимни кутиб, 3 соат ўтираман ва Ўзбекистон вақти билан 8.30 да Ўзбекистонга қўнаман. Самолётда эканимда саҳарлик қилиб олсам бўладими ёки Москвада кутиш залида ўтирганимда саҳарлик қилайми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қайси юртда бўлсангиз, ўша юртнинг саҳарлик ва ифторлик вақтини аниқланг, ҳозир бундай имкониятлар Интернет хизматида мавжуд. Саҳарлик вақти кутиш вақтингизга тўғри келса, ўша вақтда саҳарлик қилиб оласиз. Чунки қайси юртда бўлсангиз

ҳам, саҳарлик вақти келганида рўза тутиш керак бўлади. Мусофирлар рўза тутишга қийналса, рўзани кейин қазо қилиб тутиб берса ҳам бўлади. **Валлоҳу аълам.**

### 85-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Саволим шуки, агар аёл 2 йил Рамазон рўзасини (фарзандли ва эмизикли бўлгани сабаб) қолдирган бўлса, шариятимизда бу қазо рўзасини тутиб беришнинг ҳукми қандай? Яъни қазо қилгани учун нафл рўза каби эридан рухсат олиб тутадими? Ёки фарз рўза кабилими? Албатта, сизнинг қимматли вақтингизни олгим келмайди, аммо узоқда яшаётганим ва баъзи воқеалар сабаб сизнинг вақтингизни олишга мажбур бўламан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Билганимизга жавоб бериш бизнинг вазифамиз. Рамазон рўзасининг қазоси ҳам фарз рўза ҳисобланади. Шунинг учун унинг қазосини тутиш учун эрнинг рухсати шарт эмас. **Валлоҳу аълам.**

### ЗАКОТ

### 86-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бизда маълум миқдорда пул бор. Ҳар Рамазон ойида закотини берамиз. Бу йил Рамазон ойидан бир ҳафтадан сўнг тўй қиляпмиз. Пул тўйга сарфланади. Биз пулнинг закотини беришимиз керакми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, бу пулнинг закотини беришингиз керак, чунки бир йил ўтди ва ҳали пулни сарфлаганингиз йўқ. **Валлоҳу аълам.**

## 87-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Закот берилиши учун мол кўпайиб туриши керак, деб эшитгандим. Мен машина олди-сотдиси билан шуғулланаман. Олти ой илгари сотиш учун янги машина олганман, уни ҳозир минмаймиз. Шу машинадан ҳам закот бераманми? Унинг қиймати кўпаймайди. Олдиндан жавобингиз учун катта раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Машина сотиш ниятида олингани учун тижорат моли ҳисобланади. Тижорат молининг қиймати кўтарилса ҳам, тушиб кетса ҳам фарқи йўқ. Ундан закот бериш вожиб бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 88-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Тилла, машина ва бошқа шунга ўхшаш нарсалардан қанча закот бериш керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Закот – йилда бир марта нисобга етган молнинг қирқдан бирини ажратиб, ҳақдорларга беришдир. Машинадан ўз ишингиз учун фойдалансангиз, уни ўзингиз қўллайдиган бўлсангиз, закот бермасиз. Аммо тижорат учун бўлса, закот берасиз. Машинанинг ўзини ижарга қўйган бўлсангиз, ундан келган даромаднинг қўлингизда турганидан закот берасиз.

Тилла ҳожат эмас, зийнат, шунинг учун нисобга етганида, яъни 84 граммдан ошганда ундан ҳам закот берасиз. *Валлоҳу аълам.*



## 89-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эридан ажрашган аёл фарзанди бўлса, мусофирликда ишласа, ўзи учун закот бериши ёки қурбонлик қилиши керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Закот инсоннинг оилавий шароитига қараб бериб ёки берилмай қолмайди. Моли нисобга етган ҳар қандай болиғ мусулмон закот бериши фарз. *Валлоху аълам.*

## 90-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг динимизга оид саволим бор эди. Саволим шуки, мен чет элда ҳалол ишлаб, Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бир ярим йил ичида янги машина олдим. Хаёлимга закот бериш фикри келиб қолди. Шу машинадан ҳамда шу йил мобайнида ишлаб топган пулимдан закот беришим керакми? Кимга, неча пул беришим керак? Пулни долларда берсам бўладими? У қай тартибда берилади? Менинг бир холам борлар, у кишининг умр йўлдошлари йўқ. Битта ўғиллари бор, ўзлари ногиронлар, тикувчилик қилиб, пенсия олиб, оилани ўзлари юритадилар. Лекин яшашлари яхши, ҳамма нарсалари бор. Фақат юқорида айтиб ўтганларим – камчилик томонлари. Шунинг учун закотни ўша холамга берсам бўладими? Илтимос, Аллоҳ рози бўлсин сизлардан, саволимга тўлиқ жавоб берсангиз, хурсанд бўлардим, билмаганим сабабли жуда қийналиб кетдим. Закот бераман деб, хато қилиб қўймай, деган мақсадда сизларга муурожаат қилдим. Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ҳожатингизга ишлатаётган машинангиздан закот бермайсиз. Топган ва тўплаган пулларингиз нисобга етса, қирқдан бирини закот қилиб берасиз. Нисобнинг миқдори ҳар йили ўзгариб туради. Уни масжидларда эълон қилишади. Қайси пул бирлигида беришингизнинг аҳамияти йўқ. Холангиз закотга қодир бўлмаса, закотни у кишига берсангиз, нур устига нур бўлади. *Валлоҳу аълам.*

**ҲАЖ****91-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Дадам чет давлатда яшайди. У киши ота-оналари учун ҳаж бадал қилмоқчи эдилар. Дадалари оламдан ўтган, оналарининг кўзи ожиз. Биринчи қайси бирлари учун ҳаж бадал қилишлари керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Оналарининг ҳажга бориши имконсиз бўлса, улардан бошлаганлари афзал. *Валлоҳу аълам.*

## ҚУРБОНЛИК, САДАҚА

### 92-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Намоз ўқимайдиган, рўза тутмайдиган одамга садақа бериш мумкинми? Ҳозирда кимга садақа беришни билмай қоламиз. Лўлиларга берсак, «Уларга берманглар, уларнинг бир нечта-лаб машинаси бор, уларни жаноза қилмасдан кўмишадди», дейишади. Оддий одамларга бераман десак, «бизни камбағал деди, наст кўрди», деб хафа бўлишади. Кимга берган афзал?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Садақа икки қисмга бўлинади: вожиб ҳамда нафл.

Вожиб садақани бошқа дин вакилларига ҳамда мусулмон бўлса-да, закот ёки қурбонлик нисобига қодир бўлган кишиларга бериш жоиз эмас. Улар закот, назр, каффоротлардан иборат. Намоз ўқимаса ҳам, рўза тутмаса ҳам, мусулмон одамга садақа берса бўлади. Бирок яхши ва солиҳ инсонларга бериш тавсия қилинади.

Нафл садақани эса мусулмон бўлмаганларга ҳам бериш жоиз.

Гулободий раҳматуллоҳи алайҳ «Баҳрул фаваид» номли китобларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «**Таомларингизни аброрларга едиринглар**» деган ҳадисларини келтирганлар. Аброр деб эзгу, солиҳ кишиларга айтилади. *Валлоҳу аълам.*

## 93-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Мен «Агар ойлигим фалон сўмдан ошса, масжидга пул бераман», деб ичимда маълум миқдорни айтиб ният қилган эдим. Биз турган шаҳарда масжид йўқ. Биз Япония давлатида яшаймиз. Каттароқ шаҳарда кичкина битта масжид бор. Шу масжидда янги масжид қурилиши учун эҳсон қутиси бор. «Пулимни шу масжидга бераман» десам, эрим: «Ундан кўра Ўзбекистондаги масжидларга берганинг яхши. Бу давлат бой давлат, одамлари ҳам бой. Агар хоҳлашса, янгисини қуриш буларга муаммо эмас», деб айтиб қолдилар. Шундан кейин ўйланиб қолдим. Қайси бирига берганим афзал?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ният қилганингизда маълум бир масжидни ният қилмаган бўлсангиз, умр йўлдошингиз айтганидек қилсангиз бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 94-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Барча қилаётган ишларингиздан Аллоҳ рози бўлсин! Фитр садақа ва фидяни кимларга бериш энг маъқули? Китобларда «мискин» дейилган, ҳозирги кунимизда кимлар мискин ҳисобланади? Эри қамоқда ёки қарздор бўлган оилалар ҳам шунга кирадимми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳанафий мазҳаби таърифида мискин ҳеч нарсаси йўқ, фақир эса баъзи нарсалари бор-у, лекин моли шаръий нисобга етмаган одамлардир. Фитр садақасини мискинга ҳам, фақирга ҳам бериш мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## РУҲИЙ ТАРБИЯ

### 95-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен яқинда энг севган, эъзозлаган, ҳаётимнинг мазмуни, қуёшим, бахтим – бир ёш-у икки ойлик ўғлимни йўқотдим. Ундан бошқа ўғлим ҳам бор. Лекин мен уни жонимдан ортиқ яхши кўрардим, тўсатдан шамоллаб, шифохонада жонлантириш бўлимида вафот этди. Мана, орадан 1 ой вақт ўтди, лекин ҳали ҳам соғинаман, ҳар қуни кўзимда ёш билан хаёл суриб, ўйланиб юраман. Ҳеч қаердан фарзанд доғи ва фарзанд ўтгандан кейинги дилга таскин берувчи маърузаларни топа олмадим. Балки, сизлардан нажот топарман, деган мақсадда мурожаат қилдим. Ёрдам ва маслаҳатингиз учун аввалдан раҳмат! Ҳурмат ва эҳтиром ила фарзанд доғида қуяётган ота!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

Биргина мисол келтирайлик:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ ابْنُ أَبِي طَلْحَةَ يَشْتَكِي، فَخَرَجَ أَبُو طَلْحَةَ، فَقَبِضَ الصَّبِيَّ، فَلَمَّا رَجَعَ أَبُو طَلْحَةَ قَالَ: مَا فَعَلَ ابْنِي؟ قَالَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ: هُوَ أَسْكَنُ مَا كَانَ. فَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ الْعِشَاءَ فَتَعَشَى، ثُمَّ أَصَابَ مِنْهَا، فَلَمَّا فَرَغَ قَالَتْ: وَارِ الصَّبِيَّ. فَلَمَّا أَصْبَحَ أَبُو طَلْحَةَ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَأَخْبَرَهُ، فَقَالَ: «أَعْرَسْتُمُ اللَّيْلَةَ؟» قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: «اللَّهُمَّ بَارِكْ لَهُمَا». فَوَلَدَتْ غُلَامًا، قَالَ لِي أَبُو

طَلْحَةَ: أَحْفَظْهُ حَتَّى تَأْتِيَ بِهِ النَّبِيَّ ﷺ. فَأَتَى بِهِ النَّبِيَّ ﷺ وَأَرْسَلَتْ مَعَهُ بِتَمْرَاتٍ، فَأَخَذَهُ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: «أَمَعَهُ شَيْءٌ؟» قَالُوا: نَعَمْ، تَمْرَاتٌ. فَأَخَذَهَا النَّبِيُّ ﷺ فَمَضَغَهَا، ثُمَّ أَخَذَ مِنْ فِيهِ فَجَعَلَهَا فِي فِي الصَّبِيِّ، وَحَنَكُهُ بِهِ، وَسَمَّاهُ عَبْدَ اللَّهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Абу Талҳанинг бир бемор ўғли бор эди. Абу Талҳа (бир иш билан) чиққан эди, бола қабзи руҳ қилинди. Абу Талҳа (уйга) қайтгач, «Ўғлим қалай?» деди. Умму Сулайм: «Аввалгидан сокинроқ (бўлиб қолди)», деди. Кейин (аёли) унга кечки таомни келтирган эди, у кечки таомни еди. Сўнгра унга яқинлик қилди. Фориғ бўлгач, аёл: «Болани дафн қил», деди. Тонг отгач, Абу Талҳа Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бор гапни айтиб берди. Шунда у зот: «Кечаси қовушдингларми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Аллоҳим, уларга баракот бер», дедилар. (Аёл) ўғил туғди. Абу Талҳа менга: «Уни эҳтиёт қилиб Набий соллalloҳу алайҳи васалламга олиб бор», деди. Уни Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. (Умму Сулайм) у билан бирга бир қанча хурмо бериб юборди. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам уни олдилар ва: «Унинг бирор нарчаси борми?» дедилар. «Ҳа, озгина хурмо бор», дейишди. Шунда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам уни олиб, чайнадилар. Кейин уни оғизларидан олиб, боланинг оғзига солдилар ва шу билан танглайини кўтардилар. Унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги зотлар ўзларининг мустаҳкам иймонлари билан ана шундай даражаларга эришганлар. Биз ҳам қўлимиздан келганича улардан ўрнак олишга, бошимизга мусибат келганда Аллоҳ таолонинг розилиги учун гўзал сабр қилишга интилишимиз керак. Зеро, мушкул пайтдаги сабр У Зотнинг тақдирига рози бўлиш, муҳаббатига сазовор бўлишдир. Иншааллоҳ, Аллоҳнинг розилиги учун қилинган сабр бандани охиратда улкан ажрларга мушарраф қилади. **Валлоҳу аълам**

96-САВОЛ

*Ассалому алайкум. «Деди-деди» ҳақида биронта ҳадис ёки Қуръондан оят борми? Олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: إِنَّ مُحَمَّدًا ﷺ قَالَ: «أَلَا أَنْبِئُكُمْ مَا الْعِضَّةُ؟ هِيَ النَّيْمَةُ الْقَالَةُ بَيْنَ النَّاسِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Парчалаш нималигини айтиб берайми? Одамлар орасида деди-дедилаб, чақимчилик қилишдир», дедилар».

*Муслим ривоят қилган. Валлоҳу аълам.*

## 97-САВОЛ

*Ассалому алайкум.*

*Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин! Менинг иродам суст, намоз ўқиётган вақтимда шайтон хаёлимни бузади, лекин аҳамият бермасдан давом эттираман. Намоз ўқишни жуда кеч бошладим, лекин 1-2 ой ўқиб, тўхтатиб қўйяпман, намозларни тўлиқ адо этишни хоҳлайман. Тўлиқ ўрганишимга ёрдам керак. Қандай йўл тутсам бўлади?.. Намоз вақтида хаёлим жинсий тарафлама бузилади. Бу иллатдан қутулмоқчиман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Хаёлингиз бузилишига аҳамият бермай тўғри қиласиз. Лекин намоз ўқишни тўхтатманг. Чунки беш вақт намоз фарздир ва хаёлингиз бузилиши уни тўхтатишингизга сабаб бўла олмайди. Намоз ўқишдан аввал яхшилаб таҳорат олинг ва Аллоҳ сизни кўриб турганини ҳис қилишга урининг. Мана шу амал намоздаги хушўга сабаб бўлади. Ҳар намозни ўз вақтида ўқишда бардавом бўлинг. Хаёл бузилишидан Аллоҳдан паноҳ сўранг, яъни истиъозани – «Аъузу биллааҳи минаш-шайтонир-рожийм»ни айтишни қанда қилманг. Истиғфор ва тавбани кўпайтиринг, Аллоҳдан дуо қилиб сўранг. Бу ҳолат, иншааллоҳ, ўтиб кетади. Шунингдек, намоздан бошқа вақтларда ҳам маъсият ва беҳуда нарсаларни тарк қилиш бу дарддан халос бўлишингизда ёрдам беради. Ушбу ҳолатга эркак киши йўлиқаётган бўлса, унга намозларни имкон қадар жамоат билан ўқиш тавсия қилинади.

Бунинг ҳам ҳикмати бор. Исломнинг асосий устуни бўлмиш ушбу ибодатда синовга учраш бандани намозни қойилмақом қилиб ўқимоқдаман деб, қалбига ужб, риё ва



бошқа иллатлар оралашидан сақлайди. Банданинг ўзини кусурли ва гуноҳкор ҳис қилиб, Аллоҳ таолога янада хокисор бўлишига ёрдам беради. Намозни тўлиқ ўрганиш учун биладиган одамга кўрсатиб бериб, тасдиқлаб олиш, билмаганларини сўраб ўрганиш керак. **Валлоҳу аълам.**

### **Қилинаётган сажда фақат Аллоҳ учун**

XX асрнинг тарикат машойихларидан доктор Абдулхай раҳимахуллоҳнинг хузурига бир киши келиб: «Мен жуда ёмон тушкунликка тушиб қолдим. Қачон бошимни саждага қўйсам, миямга шаҳвоний ва нафсоний хаёллар ҳужум қилмоқда. Қилган саждам нима бўлар экан, деган хаёлга боряпман. Бундан қандай қутулишим мумкин?» деди. Абдулхай раҳимахуллоҳ: «Сен бу саждангни қандай сажда деб ўйлаяпсан?» деди. У киши: «Менинг қилган саждам шаҳвоний хаёллар туфайли нопок сажда бўлса керак», деди. Шунда Ҳазрат: «Аллоҳ таоло улуғ ва пок Зот. Унинг учун аъло даражадаги сажда қилиниши керак бўлса, нопок саждангни мен учун қилган бўлармидинг?» деди. Шунда у киши: «Тавба, тавба, мен ҳаргиз сиз учун сажда қилмайман», деди. Ҳазрат: «Шундай экан, сен қилаётган сажда Аллоҳ таоло учун қилинаётган сажда экан, ундаги беихтиёр шаҳвоний ва нафсоний хаёлларга парво қилмагин. Сен бу қилинаётган сажда Аллоҳ таоло учун қилинаётганига қарагин», дедилар.

## 98-САВОЛ

*Ассалому алайкум, устоз. Аввало, бу саволни сизга беришим тўғрими-йўқми, билмадим. Психологга берган эдим, жавоб бермадилар. Нима қилишни билмаяпман, балки сиз маслаҳат берарсиз? Жудаям жиззакиман, сал нарсага кайфиятим бузилиб, жаҳлим чиқиб кетаверади. Ўзим хоҳламасам-да, нуқул ҳаммани хафа қилиб юраман. Сал нарсага йиғлашга тушаман, худди ҳамма мени ёмон кўрадигандек туюлади. Хотирам жудаям суест, турмуш ўртоғим билан ҳар куни сал нарсага уруш қиламан. Бир хил пайт ўзимни ўлдиргиларим келади, шундай қилсам, кейин орқамдан ҳамма пушаймон бўлиб йиғласа, деб ўйлаб қоламан. Кейин бунинг гуноҳ иш эканлигини ўйлаб, яна ўзимни босиб оламан. Дангасаманми-ей, характеримга ўзим ҳам тушунмайман. Худди ичимдагиларни ҳеч кимга айтолмайётгандек бўламан. Бировни хафа қилишга қиламан-у, кечирим сўролмайман, ич-ичимдан хоҳлайман, лекин гапира олмайман. Озгина бўлса ҳам маслаҳат берсангиз, жуда хурсанд бўлар эдим.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Бу ҳолат албатта ўтиб кетади. Ибодатларингизни ўрнида қилинг. Зикр ва истиффорларни кўпайтиринг. Тонгда ва кечаси ётишдан олдин ўзингизга дам солинг, салавот айтинг. Дами ўткир кишига дам солдирсангиз бўлади. Қуръон, маърузаларни тингланг. Албатта, шифокорга мурожаат қилишни ҳам унутманг. Бундай ҳолатда бепарво бўлмаслик керак. Бирор яқин кишингизга ичингизни тез-тез ёзиб туринг. Ўзингиздан кўра ночор ҳолатдагиларга кўп назар солиб, тафаккур қилинг, бу ўз ҳолингизга шукр қилишингиз-

га ёрдам беради. Бировдан кечирим сўрай олмасангиз, бир-икки бор ўзингизни шу ишга қаттиқ мажбурланг, кейинги галлар ўша иш осон амалга ошади. Ўзингизда қай бир хислат камчилик бўлиб кўринаётган бўлса, ўшанинг аксини қилиб, ўзингизни тарбияланг.

Ўзингизни ўзингиз ўлдириш ҳақидаги ҳаёлни бутунлай унутинг. Инсоннинг ҳаётини фақат Аллоҳ таологина олишга ҳақли. Ҳаёт деган неъмат берилган шахс ўз ҳаётига ўзи суиқасд қила олмайди. Исломда бировни ўлдириш қанчалик ёмон олинса, ўзини ўзи ўлдириш ҳам шунчалик ёмон олинади. Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿٢٩﴾ وَمَنْ  
يَفْعَلْ ذَلِكَ عَدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصَلِّيهِ نَارًا وَكَانَ  
ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

«Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизга раҳмдилдир. Ким буни душманлик ва зулм йўли ила қилса, албатта, уни дўзахга киргизурмиз. Ва бундай қилиш Аллоҳ учун осондир», дейди (29-30-оятлар).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلی الله علیه و آله قَالَ: «مَنْ تَرَدَّى مِنْ جَبَلٍ  
فَقَتَلَ نَفْسَهُ، فَهُوَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ، يَتَرَدَّى فِيهِ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا،  
وَمَنْ تَحَسَّى سَمًّا فَقَتَلَ نَفْسَهُ، فَسَمُّهُ فِي يَدِهِ، يَتَحَسَّاهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ  
خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا، وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِحَدِيدَةٍ، فَحَدِيدَتُهُ فِي يَدِهِ،  
يَجُأُ بِهَا فِي بَطْنِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Кимки ўзини тоғдан ташлаб ўлса, жаҳаннам ўтидадир, унда мангу қолган ҳолида абадул-абад ўзини ташлайверади. Ким заҳар ичиб, ўзини ўлдирса, жаҳаннам ўтида мангу қолган ҳолида абадул-абад ўша қўлидаги заҳарини ичаверади. Ким бирор тиг билан ўзини ўлдирса, жаҳаннам ўтида мангу қолган ҳолида абадул-абад ўша қўлидаги тигини қорнига тикаверади».

*Бухорий ривоят қилган.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини ўзи ўлдирган одамга жаноза намозини ўқимаганлар. Аллоҳ берган улуғ неъмат – ҳаёт неъматига, буюк инсоний ҳуқуқлардан бўлган ҳаёт ҳаққига ношукр бўлган, уни оёқости қилган нобакор шахснинг жазоси шундай бўлади.

Исломда нафақат ўзини ўзи ўлдириш, балки ўзига ўзи ўлим тилаш ҳам ман қилинган.

عَنْ أُمِّ الْفَضْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا امْرَأَةِ الْعَبَّاسِ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ دَخَلَ عَلَى الْعَبَّاسِ وَهُوَ شَاكٍ، فَتَمَنَّى الْعَبَّاسُ الْمَوْتَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَا عَمُّ، لَا تَتَمَنَّي الْمَوْتَ، فَإِنَّكَ إِنْ كُنْتَ مُحْسِنًا فَإِنْ تُؤَخَّرُ تَرَدَّدَ إِحْسَانًا إِلَى إِحْسَانِكَ، وَإِنْ كُنْتَ مُسِيئًا فَإِنْ تُؤَخَّرُ تَسْتَعْتَبُ مِنْ إِسَاءَتِكَ خَيْرٌ لَكَ، فَلَا تَتَمَنَّي الْمَوْتَ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Аббоснинг аёли Умму Фазл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аббоснинг олдига кирдилар. У хасталаниб ётган эди. Аббос (ўзига) ўлим тилади. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй амаки, ўлим тилама, агар сен яхши бўлсанг, ўлиминг орқага сурилиб, яхшилигингга яхшилик зиёда бўлгани сен учун яхшидир. Агар ёмон бўлсанг, ўлиминг орқага сурилиб, ёмонлигингдан қайтсанг, сен учун яхшидир. Бас, ўлимни тилама», дедилар».

*Табароний ривоят қилган.*

Ҳаққингизга дуодамиз. Иншааллоҳ, яхши бўлиб кетасиз. **Валлоху аълам.**

### 99-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Сиздан бир маслаҳат сўрамоқчи эдим. Мен шариятимизда бомдоддан сўнг кўёш чиққунча ухلامасдан, тиловат, зикр, дуода бўлишни афзал ва лозим ҳолат деб биламан. Аммо мен ёз кунлари ушбу ибодатларни қила олмайман. Чунки кечаси эрта ухломмайман, хуфтон вақти ҳам биз яшаётган давлатда сал кечроқ киради ва менда ҳолсизлик, толиқиш, уйқуга мойиллик бўлади. 6-8 соат ухلامасам, уйқум очилиб кетиши жуда қийин (яъни хуфтон билан бомдод орасида 3-4 соат ухлаган бўлсам). Шифокорга текширттирдик, қонда шу ҳолатга сабаб бўлаётган модда кам чиқди, ҳозир даволаняпман, аммо шифокор: «Фойдаси секин билинади», деди. Қиш кунлари бошқача, тетик тураман ва бомдоддан сўнг ухламай юра оламан, ёз кунларида эса нафсимга бўйсунавераманми, деб курашиб, ухламай ўтириб, зикр қилмоқчи бўлсам, ўтирган ҳолатимда ҳам ухлаб қолишим мумкин. Яна қандай чора кўрай? Бу ҳолатдан чиқишни хоҳлайман. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Авваламбор, Аллоҳдан сўраш керак. Астойдил дуо қилиб, Ўзининг муборак соатла-

рида дуо, зикр ва тиловатларга муваффақ бўлишда ёрдам сўраш лозим. Кейин кечаси эртароқ ётишга ҳаракат қилиш керак. Бирданига икки-уч соат аввал ётиб ухлаб қололмайсиз, албатта. Лекин ўрганиб олгунча эрталаб эртароқ туриш, биров қайлула қилиб олиш керак. Шунингдек, ҳар куни уйку вақтини беш дақиқадан олдинга суриб бориш лозим. Шундай қилинса, кўникиш осонлашади. Эрталаб бомдодга турганда суннатга мувофиқ, кўзни ишқаланг. Юзни совуқ сувда ювинг. Истиъоза айтинг. Юриб, ўтириб, туриб, ҳаракат қилинг. Уч-тўрт кун бомдоддан кейин ётиб олмасликка ўзингизни мажбурласангиз, ўрганиб кетасиз, иншааллоҳ. *Валлоху аълам.*

## ЗИКРЛАР, ДУОЛАР

### 100-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Айтишларича, Қуръонда ўғил кўрмоқчи бўлганлар ўқийдиган дуо келтирилган экан. Шу ростми? Агар рост бўлса, у қайси сура ва қайси оятда бор? Илтимос, айтиб юборинг. Раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қуръони Каримда ундай махсус дуо йўқ. Фақат баъзи анбиёлар тилидан зурриёт сўраб қилинган дуолар келтирилган.

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ. قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ

«Шу чоғда Закариё Роббига дуо қилиб: «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт ҳадыя эт. Ал-

батга, Сен дуони эшитувчисан», деди» (Оли Имрон сураси, 38-оят).

Ушбу дуо Закариё алайҳиссаломнинг тилларидандир. Бу доудан кейин Аллоҳ таоло у зотга Яҳё алайҳиссаломни ато этди.

رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٠﴾

«Роббим, менга солихлардан ато эт», деди» (Соф-фаат сураси, 100-оят).

Бу дуони эса Иброҳим алайҳиссалом солих зурриёт сўраб қилганлар. Дуолари истижобат бўлиб, Аллоҳ таоло у зотга Исмоил алайҳиссаломни ато этган. *Валлоҳу аълам.*

### 101-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! «Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳил алийил аъзим» тасбеҳи ҳар бир айтилганида жаннатда бир дарахт экилар экан. Жаннатда уй бино бўлиши учун ва сиддиқ, обид одамларга жаннатда кўшни бўлиш учун қайси сурани кўп ўқиш ва қайси тасбеҳни кўп айтиш керак? Сиз Ҳазратдан қолган нур ва қоронғиликда биз учун чи-роқсиз. Гарчи кўрмаган бўлсак ҳам, Сизни ва Онангизни жуда яхши кўрамыз. Иншааллоҳ, Сизни кўриш насиб этсин. Жавобингиз учун аввалдан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا

مَنْ عَبْدٌ مُسْلِمٌ يُصَلِّيَ لِلَّهِ كُلَّ يَوْمٍ ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رُكْعَةً تَطَوُّعًا غَيْرَ فَرِيضَةٍ إِلَّا بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ». قَالَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ: فَمَا بَرِحْتُ أُصَلِّيَهُنَّ بَعْدُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ: «أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا، وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرَبِ، وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ، وَرُكْعَتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الْفَجْرِ».

*Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Қайси бир мусулмон банда ҳар куни фарздан ташқари ўн икки рақъат ихтиёрий намоз ўқиса, албатта Аллоҳ унга жаннатда уй қуриб беради», дедилар.

Умму Ҳабиба: «Шундан кейин уларни доимо ўқиб келмоқдаман», дедилар».

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Термизий «Пешиндан олдин тўрт ва кейин икки рақъат, шомдан кейин икки рақъат, хуфтондан кейин икки рақъат, бомдоддан олдин икки рақъат»ни қўшимча қилган».

Ҳанафий мазҳаби мазкур ривоятни маҳкам ушлаб, ҳаётга яхшилаб татбиқ қилган мазҳабдир. Ушбу ҳадисда фарз намозларига тобе бўлган суннатларни қолдирмай ўқиб боришга қаттиқ тарғиб ва улкан ваъда бордир.

Солиҳларга қўшни бўлишга сабаб бўладиган маълум бир сура ёки тасбеҳлар йўқ. Аммо Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш билан бунга эришиш мумкин.

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ



رَفِيقًا ٦٩ ذَٰلِكَ الْفَضْلُ مِنَ اللَّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ عَلِيمًا ٧٠

«Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва уларнинг рафиқлари қандай ҳам яхши! Бу – Аллоҳдан бўлган фазлдир ва билгувчиликда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур» (*Нисо сураси, 69-70-оятлар*).

Ушбу оятни ўқиган ҳар бир кишининг қалбида Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш истаги туғилиши ва кучайиши турган гап. Чунки ўзини билган, ақли-ҳуши жойида ҳар бир одам учун набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва омма мусулмонлар ичидан етишиб чиққан солиҳлар (яхши ишлари ила машҳур бўлган кишилар) билан бирга бўлишдан ортиқ бахт йўқ! Бу бирлик, албатта, жаннатда бўлади. Жаннатдаги мақомлар ичида эса мазкур бахтиёр тоифаларнинг мақоми энг юксак мақомлардандир. Бу дунёда баъзи бир солиҳлар билан бир марта кўришиб кўйган, бирорта мажлисда бирга бўлган кишилар умр бўйи эслаб, фахрланиб юрадилар. Бу оятда зикр қилинаётган биргалик эса у дунёда бир эмас, барча набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва аҳли солиҳлар билан абадий бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 102-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ётганда, турганда, кўча-кўйда юрганда ва ҳамма вақт Аллоҳни махфий тарзда зикр қилиб, истиғфор ва дуо қилиш жсоизми? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, жоиз. Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 191-оятида марҳамат қилиб:

الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ  
وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا  
بَطْلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١٩١﴾

«Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни дўзах азобидан сақлагин», дейдилар», деган.

Нақшбандия тариқатидаги уч йўлдан бири ҳам зикрда бардавом бўлишдир. Ушбу тариқатнинг ўн бир асосли дастурида ҳам, хусусан, «хилват дар анжуман» ва «ёд дошт» асосларида, умуман, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг зикрида давомли бўлишга ундаш бор.

Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Вақтингни истиғфор қилгин», деганлар. Бу эса «Вақтиннинг кўп қисмида истиғфор айт, истиғфор шу даражада кўп бўлсин», деганларидир. Бунчалик кўп истиғфор айтишни эса ҳар вақт ва ҳар ҳолатда лозим тутиш керак.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 55-оятида:

ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾

«Роббингизга тазарру ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас», дейди. Валлоҳу аълам.

## 103-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли мусулмонлар! Келаётган ҳайит байрами муборак бўлсин! Мен Тошкентнинг «Эски шаҳар»ида ўсганман, болалик пайтимизда қабристоннинг ёнидан ўтганда у ерда ётганларга дуо ўқишни ўргатишган. Фақат «Бу шом намозидан кейин қилинмайди», деб айтишган. Лекин нимага шомдан кейин мумкин эмаслигига ўзим мантиқий жавоб топа олмаяман ва ҳеч қаерда мумкин эмас, деган нарсани ўқимадим (ўзим кўп ўқийман). Бу нарса бизга бошқа мазҳаблардан келганми ёки бидъатми? Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳақиқатда, «Шом намозидан кейин қабр аҳлига дуо қилинмайди» деган гап асоссиз ва мантиқсиздир. *Валлоҳу аълам.*

## 104-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Динда қоим бўлиш, эътиқодни кучайтириш мақсадида ўқиладиган суралар қайсилар? Ҳам диний, ҳам дунёвий ташвишларнинг, муаммоларнинг ечимини топиш жуда қийин кечяпти. Бизнинг ҳаққимизга ҳам дуо қилинг. Олдиндан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳар куни адо этиладиган беш маҳал намозларингизда қайта-қайта ўқиладиган Фотиҳа сурасида сиз айтган маънолар бор. Уни ана шу маъноларини ҳис қилган ҳолда ўқиш керак. Эрталаб ва кечкурун ўқиладиган суннат дуолар бор, уларни ўзингизга лозим тутинг. Ҳар шанба куни ҳожат намозини ўқинг. Ишларимизни Аллоҳ таолога топширдик, Ўзига таваккул қилдик, Ўзи тавфиқ берсин! Омин! *Валлоҳу аълам.*

## 105-САВОЛ

*Ёшим 25 да. Кўпчиликни унчалик ёқтирмайман. Ойижоним «Атрофингдаги одамларнинг оғирлигини, юкени тортиб оласан», дейдилар. Ўзимга дам солиб юраман. Шунда ҳам жиянимни ўйнатсам, инжиқ бўлиб қолади. Нима қилишим керак? Динда бу борада нима дейилган? Фолбинларга бормайман, ишонмайман. Сехр, зиён бор нарса. Маслаҳат беринг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Кўпчиликни ёқтирмаслик тўғри иш эмас. Зарар бериш ҳам, фойда бериш ҳам Аллоҳдан. Эрталаб, кечқурун ўқиб юриладиган зикр-дуоларни ўқиб юринг, айтганингиздек, ўзингизга дам солинг, Қуръон тиловатини кўпроқ эшитинг. *Валлоҳу аълам.*

## 106-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Намоз сўнгида ташаҳҳудда савобдан сўнг ҳадисда зикр қилинган дуоларни ўқиса бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 107-САВОЛ

*Ассалому аллайкум, она. Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин. Саволим шуки, турмуш қурганимга 2 йилдан ошди. Аллоҳнинг хоҳиши экан, битта фарзандим 3 ойлигида нобуд бўлди. «Ичингда ривожланмаган», дейишди. Бу воқеага ҳам 1 йилдан ошди. Кўп даволандик, «Ҳаммаси жойида, ҳеч қандай касаллик йўқ, фа-*

қат қутиш керак», дейишди. 2-3 ой олдин қандайдир бир сайтда бир қизиқ маълумотни учратдим. Яқинда ушбу сайтни топдим-у, аниқ ё ноаниқлигини шу ердан сўрайман, деб қувониб кетдим. Маълумот шуки, бир йигит 3-4 йилдан бери фарзанд кўра олмаётган экан. У улуг Шайхимиз ҳаётлик чоғларида у кишидан: «Фарзанд кўришни хоҳлаб ўқиладиган оятлар, дуолар, қилинадиган амаллар борми?» деб сўраганида, Шайхимиз: «Аёлингиз Куръони Каримнинг 37-сураси Соффаатнинг 100-оятини мунтазам ўқисин», деган эканлар. Қайси сайтда ўқиганимни эслолмаяпман. Илтимос, бирор маслаҳат беринг, мен ҳам шундай қилайми ёки бошқа дуолар, амаллар, Аллоҳимнинг жазжжи тухфасига етиштирадиган дуолар борми? Жавоб учун олдиндан раҳмат, Аллоҳ рози бўлсин.

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Фарзанд талаб қилиб ўқиладиган махсус дуо йўқ. Лекин сизга ҳожат намозини тавсия қилишимиз мумкин. Шунингдек, уламоларимиз фарзанд талаб қилишда истиффор энг самарали зикр эканини таъкидлаганлар. Соффаат сурасининг 100-оятда Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари зикр қилинган. Маъноси: «**Роббим, менга солиҳлардан ҳадя эт**», яъни солиҳ фарзанд бер, дегани. Шунингдек, Закариё алайҳиссаломнинг тилларидан фарзанд талаб қилиб айтилган дуо ҳам тавсия қилинади. Анбиё сурасининг 89-оятда зикр қилинган ушбу дуонинг маъноси қуйидагича: «**Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен ворисларнинг энг яхшисисан!**» Мазкур оятларни ўқиб юриш тажрибада натижа бергани учун уламолар уни тавсия қилишган. Дуода бардавом бўлаверинглар.

*Валлоху аълам*

## 108-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Бир мулланинг айтишича, бизнинг яшайдиган уйимиз ўрнига муслмон бўлмаган одамлар кўмилган бўлиб, уларга жаноза ҳам ўқилмаган экан. Биз у ердан кўчиб кетмасак, у ердаги жинлар зарар етказиши мумкин экан. Оиламиздаги 19 ёшли қиз касал бўлиб, кечалари ҳар хил тилда гапириб, алаҳсирайди. Ўша мулланинг айтишича, жинлар қизнинг қувватини олаётган эмиш. Бу гап тўғрими? Биз қандай йўл тутайлик?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ўлган одамларнинг руҳлари безовта қилади, деган гап йўқ, чунки руҳлар барзаҳда, ўз ҳисоб-китоблари билан банд бўладилар. Аммо жинларнинг олишуви бор. Ўша уйда тинимсиз Куръон ўқиш, тиловат тинглаш керак. Дуоси қабул бўлиши умид қилинадиган, нафаси ўткир, ихлосли аҳли илм кишиларни ҳам чақириб, Куръон ўқитиб (бу борада Ёсин сура-сини қирқ марта ўқиш, айрим руқия оятларини ўқиш тажрибада кўп бора яхши натижа берган), дуоларини олиш лозим. Кейин кимдир ўша ерда туриб, жинларга хитоб қилиб, бу жойдаги одамларга зарар қилмасликларини, бунга жинлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваъда берганларини ва бошқа жой топишларини айтиб, эслатма қилади. Бу ишни уч кун қилинса, иншааллоҳ, фойдасини кўради. *Валлоҳу аълам..*

## 109-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Алҳамдулиллаҳ, намоз ўқийман, Қуръон ўқишни ҳам биламан ва ўқиб турман. Лекин негадир менга тез-тез эсинлар ёпишади деб ўйлайман. Айниқса, ухлаб ётганимда улар келиб, кўрпамни кўтаришади, қўлларим ва оғзимни ўйнашади. Ҳар хил товуш чиқаришади. Мен бу ҳолатни сезиб ётаман, кўрқаман. Нима қилсам бўлади? Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қуръон тиловатини кўпайтиринг, ўзингиз ўқинг, ўзгадан эшитинг ва ўзингизга кўп дам солинг. Оятул курси ва чоркул (Кафирун, Ихлос, Фалақ ва Нас суралари)ни ўқиб, дам солинг. Ёлғиз ётманг. *Валлоҳу аълам.*

## 110-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Деярли ҳаммининг кўлида, ҳаттоки машиналарга безак сифатида илиб қўйилган тасбеҳларни кўраман. Тасбеҳнинг алоҳида вазифалари борми? Нима учун ишлатилади? Маълум бир миқдорда мунчоқлари борлигини биламан. Бирон-бир дуонинг неча марта ўқилишини санаш осон бўлиши учунми? Бир неча саволни бирданига беришим мумкинми ёки алоҳида-алоҳида ёзишим керакми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Тасбеҳ одатда 33 ва 100 талик бўлиб, зикр сўзларини санаш учун ишлатилади. Зотан, «тасбеҳ», «субҳа» сўзлари «Субҳаналлоҳ» сўзидан олинган.

Ҳар бир саволни алоҳида ёзишингиз мақсадга мувофиқ. *Валлоҳу аълам.*

## АХЛОҚ ВА ОДОБ

### ЯХШИЛИК ВА СИЛАИ РАҲМ

#### 111-САВОЛ

*Ассалому алайкум, опажон. Биз эрим билан турмуш қурганимизга 9 йил бўлди. Турмушимизнинг илк ойларидан пойтахтга келиб яшадик. 5-6 ойда, баъзида 3-4 ойда ўзимизнинг шаҳримизга бориб келардик. Ўтган йили март ойининг бошида эримнинг ўқишлари тугайди бошқа юртга келдик. Бу йил ўқишлари тугаб, сентябрь ойида юртимизга қайтишимиз керак эди. Лекин Аллоҳ хўжайинимнинг ишларини ўнглаб, шу ердан иш топдилар. Сентябрь ойидан бошлаб, ишлаб-иш бошлайдилар. Келганимиздан бошлаб мен ҳам ишга тушдим, озми-кўпми, ёрдам бердим. Энди хўжайинимдан уйга, яъни Ўзбекистонга бориб келишимни сўрадим. Чунки кейин қачон боришимиз ноаниқ. Хўжайиним чипта олиб бердилар, лекин сезиб турибман: кўнгилларининг тубида буни хоҳламаяптилар. «Шунча пул сарфлаб бориб келиш шартми, ундан кўра уйингдагиларни чақирсанг, арзон тушади, ҳали қиладиган қанча ишларимиз бор, шунча пулга анча иш қилса бўлади», деб кўп айтяптилар. Менинг кетишимдан асосий мақсадим – онамни кўриб келиш. Онам мени роса соғинганлар. Буни биламан, телефонда гаплашганимизда менга яхши гапириб, кейин соғинганларидан йиғлашларини ҳам биламан. Фарзандлик бурчимни бир кун бўлса ҳам бажармоқчиман. Онамнинг кўнгилларини олмоқчиман. Мени шунчалик вояга етказганлари эвазига нима учун доим соғинтириб яшашим керак?*



*Пул Худо берса топилаверади-ку. Ўзимнинг ҳам иккита фарзандим бор. Онамларни бу ерга чақиртирганим билан, бемалол келиб кета олмайдилар. Қон босимлари ошади, беллари ва оёқлари озғриди, «Куёвнинг олдида қандай ўтираман?» дейдилар. Мен кетиш қароримда қатъий турибман. Шу қилаётган ишим тўғрими ё хўжайинимга итоатсизлик қиляпманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Кўнгил хотиржамлиги учун истихора қилиб кўринг. Онангизни кўриб келишга ҳаққингиз бор. Турмуш ўртоғингизга буни яхши гаплар билан тушунтиринг. Ўзлари ҳам бориб, ота-оналарини зиёрат қилиб келсинлар. Иш тугамайди. Ота-она эса ғанимат ва уларнинг фарзандлари олдидаги ҳақлари буюқдир. *Валлоҳу аълам.*

### 112-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон опа! Қимматли вақтингизни ажратаётганингиз учун олдиндан раҳмат. Аёлларнинг ўз қариндошларининг тўйига боришга ҳаққи борми? Бунга эрининг рухсат бермаслигини қандай тушуниш мумкин? Таниш-билиш, кўни-кўшниларикига-ку, бормаса майли, алам қилмайди. Лекин одамнинг туғишган холаси қиз узатаётган бўлса, эри бунга рухсат бермаса, нима қилиш керак? Ахир ҳар доим ҳам тўйларга бориб юрмайман, фақат шунақа яқин қариндошларимизникига боргим келади. Яна қариндошларимиз Самарқандда яшашади. Тўйлар баҳона кўришиб турмасак, йиллаб кўришмаймиз. Ахир қариндош-қондошларга силаи раҳм қилиш керак эди шекилли? Нотўғри гапирган бўлсам, минг бор узр. Эътиборингиз учун раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Бориладиган маросимлар шаръий қоидаларга мувофиқ бўлса, қариндош ва яқин кишилар мезбон бўлсалар, эр рухсат бериши керак. Чунки мусулмоннинг мусулмонда ҳаққи бор, қариндошнинг қариндошда ҳаққи бор, силаи раҳм қилишга буюрилганмиз. Бундай сафарларга чиқиладиган бўлса, маҳрам бўлишини ва эрнинг моддий имкониятини ҳам ҳисобга олиш керак. Шундай бўлса-да, эрнинг розилиги зарур. *Валлоҳу аълам.*

**113-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Устоз! Сизга саволим шундан иборат: қайнопамнинг турмушлари бўлмай, қайтиб келдилар. Уларнинг олдиларида менинг қандай вазифаларим бор?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Сизнинг зиммангизда яқин қариндошлар орасидаги силаи раҳм бобида таъкидланган вазифалар бор. *Валлоҳу аълам.*

## ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАР

### САЛОМ БЕРИШ ОДОБИ

#### 114-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Саломни ҳамма ҳар хил беради, яъни: «Ассалому алейкум» ёки «Ассалому алайкум», деб. Қайси бири тўғри: «алайкум»ми ёки «aleyкум»ми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Алайкум», дейиш тўғри. Валлоҳу аълам.

### УЙҚУ ОДОБИ

#### 115-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Одина она, Аллоҳ сиздан ва оила аъзоларингиздан рози бўлсин. Саволим такрорий бўлса, узр. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қорин билан ётишдан қайтарган эканлар. Осмонга қараб ётиш ҳам мумкин эмас, деб эшитгандим. Илтимос, шунга ойдинлик киритиб берсангиз. Бир отиндан: «Аёл киши осмонга қараб, эркак киши қорни билан ётиб бўлмайди. Жинлар зино қилиши мумкин», деб эшитгандим. Шу гап тўғрими? Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳнинг энг суйган бандалари қаторида бўлиб юринг, омин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қоринни ерга қилиб ётишдан қайтарилган.

عَنْ ابْنِ طَخْفَةَ الْغَفَارِيِّ، أَنَّ أَبَاهُ أَخْبَرَهُ، أَنَّهُ كَانَ مِنْ أَصْحَابِ الصُّفَّةِ، قَالَ: بَيْنَا أَنَا نَائِمٌ فِي الْمَسْجِدِ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ، أَتَانِي آتٌ، وَأَنَا نَائِمٌ عَلَى بَطْنِي، فَحَرَكَنِي بِرِجْلِهِ، فَقَالَ: «قُمْ، هَذِهِ ضَجْعَةٌ يُبْغِضُهَا اللَّهُ»، فَفَرَعْتُ رَأْسِي، فَإِذَا النَّبِيُّ ﷺ قَائِمٌ عَلَى رَأْسِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ.

*Ибн Тихфа Ғифорийдан ривоят қилинади:*

«Унга отасининг хабар беришича, у асҳоби суффадан бўлган ва куйидагиларни айтган:

«Туннинг охирида масжидда ухлаб ётган эдим, биров олдимга келди. Мен юзтубан ётган эдим. У мени оёғи билан туртиб:

**«Тур, бу – Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган ётиш», деди.**

Бошимни кўтариб қарасам, тепамда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам турган эканлар».

*Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.*

Аммо осмонга қараб ётиш тўғрисида айтган гапларингиз асоссиз.

عَنْ عَبْدِ بْنِ تَمِيمٍ، عَنْ عَمِّهِ - هُوَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ زَيْدِ بْنِ عَاصِمِ الْمَازِنِيِّ - قَالَ: رَأَيْتُهُ - قُلْتُ لِابْنِ عُيَيْنَةَ: النَّبِيُّ ﷺ؟ قَالَ: نَعَمْ - مُسْتَلْقِيًا وَأَضْعًا إِحْدَى رِجْلَيْهِ عَلَى الْأُخْرَى. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ.

*Уббод ибн Тамимдан, у амакиси (Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Мазиний)дан ривоят қилинади:*

«Ул зотни кўрдим», деган эди, мен Уяйнага: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламними?» дедим. У: «Ҳа, чалқанча тушиб, бир оёқларини иккинчисининг устига кўйиб ётганларини», деди».

*Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.*

Ўнг ённи босиб ётиш суннатга мувофиқдир. **Валлоҳу аълам.**

### 116-САВОЛ

**Ассалому алайкум! Юзтубан ухласа бўладими?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مَرَّ بِرَجُلٍ فِي الْمَسْجِدِ مُنْبَطِحًا لَوَجْهِهِ، فَضَرَبَهُ بِرِجْلِهِ، وَقَالَ: «قُمْ، نَوْمَةٌ جَهَنَّمِيَّةٌ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ.

*Абу Умомадан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда юзтубан ухлаб ётган бир кишининг олдидан ўтаётиб, уни оёқлари билан туртиб: «Тур, бу жаҳаннамий ётиш», дедилар».

*Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.*

Бу тарзда ётиш шариатимизда дуруст эмас экан, бунга ўрганиб, одат қилиб қолганлар уни дарҳол тарк қилишлари лозим. **Валлоҳу аълам.**

## ҚАБРИСТОН ОДОБИ

### 117-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Отам билан биргаликда қишлоғимиздаги бир қабристонни обод қилишни (кириш қисмига дарвоза қўйиш, қабристон номини ёзиш ва ҳоказо) анча вақтдан бери ният қилиб келямиз. Сўрамоқчи бўлганим – қабристоннинг номини ёзиш бўйича қандайдир чекловлар, қоидалар ёки амаллар борми? Агар бўлса, қандай?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қабристоннинг номи ёзилса бас, қўшимча нарсалар керак эмас. Ҳадиси шарифда келган қабристонга киргандаги ўқиладиган дуони ёзиб қўйиш мумкин. *Валлоху аълам.*

### 118-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloху алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни ва уни масжидлар қилиб, чироқлар иладиганларни лаънатладилар». Юқоридаги ҳадисга кўра азиз-авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиб бўлмайдими? Олдиндан ташаккур. Мени ва ота-онамни, оиламни дуо қилишингизни кутиб қоламиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Маълумки, Исломи дини янги келган пайтда куфр ва ширк хавфи кучли бўлганидан бир муддат Набий соллalloху алайҳи васаллам кишиларни қабрларни зиёрат қилишдан ман қилиб турган-

лар. Бу – ўша ҳолатда айтилган гап. Иймон қалбларда қарор топганидан сўнг қабр зиёратига изн берилган. Ҳозирда муслималар, мўминалар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қиладилар-ку. Шундан хулоса чиқариб олсангиз бўлмайдими? Аммо қабрларга чироқ ёқиш, латгалар илиш каби амаллар мутлақо жоиз эмас. Аллоҳ таоло сизларга икки дунё саодатини берсин! Омин! **Валлоҳу аълам.**

### САВОЛ-ЖАВОБ ОДОБИ

#### 119-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон она! Нотўғри савол бераётган бўлсам, узр. Сиздан сўрамоқчи бўлганим, сиз баъзи бир саволларга саломимизга алик олиш билан, яъни «Ва алайкум ассалом», деб бошлайсиз. Баъзиларнинг саволларига эса «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»дан бошлайсиз. Бунинг сабаби нимада?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Саволда салом берилган бўлса, жавобда алик оламан. Чунки савол-жавоб икки киши орасидаги мулоқот, салом бериш суннат, саломга алик эса вожибдир. Аммо саволда салом эмас, басмала ёзилган бўлса, мен ҳам жавобни басмала билан бошлайман. **Валлоҳу аълам.**

## МУОМАЛОТ

## ОЛДИ-СОТДИ

## 120-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турли болалар анжоми, косметика анжомлари савдоси билан шуғулланиш учун неча фоиз устама қўйиш ҳалол бўлади? Фойда барча харажатларни, жумладан, йўл ҳақини қўшиб ҳисоблаб, кейин қўйиладими? Олдиндан катта раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариатда сотувчи сотиладиган молни шунчага сотсин ёки сотмасин, деб тайин қилинмаган. Лекин одамларга зулм етадиган даражада ҳаддан зиёд қиммат қилиб, урфдаги нархдан ортиқ баҳога сотиш жоиз эмас.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: غَلَا السَّعْرُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، سَعَرَ لَنَا، فَقَالَ: «إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمُسَعِّرُ، إِنِّي لَأَرْجُو أَنْ أَلْقَى رَبِّي وَلَيْسَ أَحَدٌ مِنْكُمْ يَطْلُبُنِي بِمَظْلَمَةٍ فِي دِينٍ وَلَا دُنْيَا». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида нарх қимматлаб кетиб, одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга нархни белгилаб беринг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нархни белгиловчи Аллоҳдир. Мен дин ва дунё борасида бирор



киши менадан ҳаққини талаб қилмаган ҳолда Аллоҳга йўлиқишни хоҳлайман», дедилар»

*Табароний ривоят қилган.*

Фойда йўл ҳақи каби барча харажатларни кўшиб ҳисоблаб, кейин қўйилади. *Валлоҳу аълам.*

### КАСЪ-ҲУНАР

#### 121-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Тикувчиликни ўрганганман. Баъзида бегоналар ҳам кўйлак тикиб беришимни илтимос қилишади. Тор ва очиқ бўлишини хоҳлашади. Айтганидек қилиб тикиб берсам, мен гуноҳкор бўлиб қолмайманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Сизнинг ишингиз – тикиб бериш. Қаерда, қандай ҳолда кийишга миждозингиз жавобгар. Сиз гуноҳкор бўлмайсиз, иншааллоҳ. Эрининг олдида кийса, савоб олади. Номаҳрамларнинг олдида кийса, гуноҳкор бўлади. *Валлоҳу аълам.*

#### 122-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Мен аввало сизга, оила аъзоларингизга соғлик ва хотиржамлик тилайман. Хўжайиним ва уч қизим билан мусофир юртамиз. Оиламга ёрдам сифатида мен ҳам ишласам бўладими? Ёки аёл учун уй юмушлари кифоями?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аслида эркак киши ишлаб, оилани таъминлаши, аёл киши эса оиласи, фарзандларига

қараши керак. Иш жойи, шароитлари шариатга мувофиқ ҳолатда бўлса, оила танг ҳолатга тушиб қолганда, аёл киши ишлаб, эрига кўмаклашиши мумкин. Шунингдек, аёл кишининг мутахассислигига жамиятнинг эҳтиёжи тушса, ишласа бўлади. Ҳар бир инсон, у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, эзгу ишларни қилишга чорланади, тарғиб қилинади. *Валлоху аълам.*

### ҚАРЗ

#### 123-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Менинг турмуш ўртоғим фоизга машина олиб, анчагина қарз бўлиб қолганлар. Шу қарзни март ойида бериш керак. У киши менинг отамдан қарз сўрабди. Улар беришмади, чунки мен «Берманглар», деб тайинлагандим. «Агар шу қарздан қутулса, яна фоизга аралашиб қолса-чи?» дейишяпти. Эрим биринчи марта фоизга машина олиши эмас. Аввал ҳам бир марта олган. «Бошқа чорам йўқ» деб, ўз жонига қасд қилмоқчи, мен жим қараб туролмаяпман. Отамдан ялиниб-ёлвориб пул сўрасаммикан, деб ўйлаяпман. Эрим нос, папирос чекади, намоз ўқимайди. «Намоз ўқинг», десам, «Судхўрнинг намози қабул бўлмайди», дейди. Агар ўз жонига қасд қилса, мен ҳам гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Отамдан пул сўраб берсам, шу гуноҳнинг олдини олган бўламанми? Илтимос, менга маслаҳат беринг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Эрингизга тавба қилиш шарт билан қарз олиб беринг. Шу охириги мартаси бўлсин. Астойдил тавба қилсин, қайтиб бу ишни қилмасин. Шу билан бирга, барча гуноҳ ишларини тарк қилсин ва ибодатга киришсин. Шуларни шарт қилинг. *Валлоху аълам.*

## 124-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Саволим шундан иборатки, оз-оздан бир нечта қарзларим бор эди. Лекин уларнинг эгасини тополмаяпман. Нима қилсам бўлади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Излашда давом этинг. Ҳеч топа олмайдиган бўлсангиз, ўша қарз миқдорига пулларни садақа қилиб юборинг. Бу садақа сизга қарз берган кишининг номидан бўлади. Агар мабодо кейинчалик қарз эгасини учратиб қоладиган бўлсангиз, уни излаганингизни, топа олмагач, садақа қилиб юборганингизни айтасиз. Қарз эгаси агар истаса, бу ишга рози бўлади, чунки садақа ўзининг номидан бўлган ва савоби ҳам унга етади. Истаса, ҳаққини талаб қилади ва сиз қарзингизни тўлайсиз. У ҳолда садақа сизнинг номингиздан қабул бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## БОЛАНИ ҚАРАМОҒИГА ОЛИШ

## 125-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа. Бир та-нишимнинг айтишига қараганда, асраб олинган фарзанд вояга етганида унга боқиб олган ота-онаси унинг асл ота-онаси эмаслигини маълум қилиши шарт экан. Ахир ҳақиқатни билганидан кейин фарзанднинг дили оғримайдими? Асраб олинган қиз ёки ўғилга уларнинг аслида бошқа одамларнинг боласи эканлигини маълум қилиш шартми ёки сирлигича қолса ҳам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 5-оятда шундай марҳамат қилади:

أَدْعُوهُمْ لِآبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ فَإِنْ لَمْ تَعْلَمُوا  
 آبَاءَهُمْ فَاِخْوَانُكُمْ فِي الدِّينِ وَمَوْلَاكُمْ وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ  
 جُنَاحٌ فِيمَا أَخْطَأْتُم بِهِ، وَلَٰكِن مَّا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْ وَكَانَ  
 اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٥﴾

«Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир. Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир. Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ, бироқ қалбларингиз қасд қилган нарсада (бор). Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Бу оятлар нозил бўлгунича, одамлар бировларнинг боласини ўғил қилиб олиб юришган. Инсонлар жамиятдаги мавжуд тушунча, урф-одатлар ила иш тутишган. Энди эса оят нозил бўлиб, бу одатни ботил қилди. Ўз-ўзидан одамларда «Нима қилиш керак, аввал асраб олинган фарзанд хусусида нима қиламиз?», «Олдинги ишларимиз учун ҳам жавоб берамизми?» каби саволлар пайдо бўлди. Ушбу ояти карима ана шу саволларга жавоб бермоқда.

«Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир».

Яъни «Асраб олинган фарзандларни асраб олган одамнинг номи билан эмас, ўзининг ҳақиқий отаси номи билан чақиринглар».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ زَيْدَ بْنَ حَارِثَةَ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مَا كُنَّا نَدْعُوهُ إِلَّا زَيْدَ ابْنِ مُحَمَّدٍ حَتَّى نَزَلَ الْقُرْآنُ ﴿ادْعُوهُمْ لِآبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ﴾. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан куйидагиларни ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳнинг мавлолари – дўстлари Зайд ибн Ҳорисани фақат «Зайд ибн Муҳаммад», деб чақирар эдик. Куръони Каримнинг «Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир» ояти нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Зайдга: «Сен Зайд ибн Ҳориса ибн Шурҳабийлсан», дедилар».

**«Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир».**

Мабодо асраб олинган боланинг ҳақиқий отаси ким экани маълум бўлмаса, улар сизга Ислом дини бўйича қардош бўладилар. «Дин қардошим», деб мурожаат қилинглр. Ёки мавлоингиз, яъни дўстларингиз бўладилар. «Эй дўстим», деб мурожаат қилинглр. Аммо зинҳор «Ўғлим», «Фарзандим», деб мурожаат қилманглр.

Ушбу оятлар нозил бўлгунга қадар бировнинг боласини, фарзандим, деб, унга ўз сулбидан бўлган фарзандига қилган муомалани қилиб юрганлар бу ҳақдаги илоҳий ҳукмни билмаган эдилар.

**«Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ...»**

Шунинг учун бу оятлар нозил бўлгунча қилган ишларингизни ўйлаб, хижолат бўлманг, энди ҳукми билдингиз, унга амал қилишга ўтинг.

**«...бирок қалбларингиз қасд қилган нарсада (бор)».**

Аммо ўша ишни билмасдан эмас, билиб туриб қилган бўлсангиз, гуноҳга қоласиз. Бировнинг боласини «ўз болам», деб даъво қилиш гуноҳ эканини билиб туриб, шу ишни қилсангиз, гуноҳ бўлади.

**«Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».**

Хатоларни кечиради ва тўғри йўлни Ўзи лутф билан кўрсатади.

Дилингиздан қасд қилган бўлсангиз ҳам, тавба қилсангиз, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир, кечиради, яъни билмасдан қилинган хато учун Аллоҳ сизни гуноҳкор қилмайди. Аммо қасддан қилган гуноҳингиздан ҳам қайтишга йўл бор».

Ушбу ояти кариманинг ҳукмига биноан, биров бегона болани ўз номига ўтказиб олиши, уни «ўз болам», дейиши ҳаромдир. Шунингдек, бировни «отам» деб танлаши ҳам катта гуноҳдир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишлари-ча, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«مَنْ ادَّعَى إِلَى غَيْرِ أَبِيهِ، وَهُوَ يَعْلَمُ فَالْجَنَّةُ عَلَيْهِ حَرَامٌ». (رَوَاهُ الشَّيْخَانِ عَنِ سَعْدٍ).

**«Ким ўзи билиб туриб, отасидан бошқанинг боласиман, деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир»**, деганлар.

Чунки Ислом кўзда тутган олти катта масаладан бири инсон наслини муҳофаза қилишдир. Шунинг учун

ҳам никоҳ, талок, идда ва шунга ўхшаш кўпгина ҳукмлар жорий қилинган. Ҳамма нарса инсон наслининг тоза, пок, очиқ-ойдин бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳаром-ҳалол аралашиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, ака сингисини, сингил акасини танимайдиган бўлиб кетади. Инсоният ҳалокатга учрайди. Насли бегона болани ўз наслидан бўлган болалари қаторига қўшиш билан кўпгина ҳаром-хариш ишлар юзага чиқади. Маҳрамлик-номаҳрамлик қоидалари бузилади. Бир куни келиб, ота ўз қизига ёки ака сингисига уйланиб қолиши мумкин. Мерос масаласида ва бошқа кўпгина масалаларда ҳам ўнглаб бўлмас хатолар вужудга келиши муқаррар. Шунинг учун Исломда бу иш ҳаром қилинган.

Аммо бу дегани етим болани, қийинчиликда қолган оиланинг боласини боқиб олиш, тарбия қилиш мумкинмас, дегани эмас. Аксинча, бундай қилинса, жуда ҳам савоб бўлади. Бу ишларни қилиш керак. Лекин бегона болани ўзининг номига ўтказиб олиш эмас, балки у аслида кимнинг фарзанди бўлса, ўшанинг номида қолдириш керак. Ҳамда шариат ҳукмига мувофиқ боқиш, тарбиялаш лозим. (*«Тафсири Ҳилол»дан.*)

## МЕРОС

## 126-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Мени бир савол анчадан бери қийнайди, тўғриси, нима қилишимни билмасдан, охири сизлардан сўрашга қарор қилдим. Мен 25 ёшдаман, исмим Раъно. Ота-онам мен бир ёшдалигимдаёқ ажрашиб кетишган. Онам мени бир кўзлаб катта қилганлар, отам ҳеч қандай ёрдам бермаганлар, лекин отам билан муносабатим жуда яхши эди. У киши оламдан ўтганлар. Отам онам билан ажрашгач, бошқа оила қурганлар, уларнинг мендан ташқари икки нафар фарзандлари бор. Ҳозир менинг шароитим оғир, моддий ёрдамга муҳтожман. Отамдан қолган ҳовли бор, ҳозир у ҳовлида иккинчи оилалари яшайди. Менинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан бу уйда ҳаққим бор, лекин шаръий жиҳатдан мен уйдан улуш талаб қилсам, гуноҳ эмасми? Отам ўзлари рози бўлиб бермаганлар-ку, лекин муҳтожлигимни билганларида, отам рози бўлармидилар-йўқми, билмайман. Хуллас, мен суд орқали уйдан менга ўз улушимни ажратиб беришларини талаб қилмоқчиман. Лекин бу худди ер талашгандек, гуноҳ ҳисобланмайдими? Сиздан ушбу саволимга жавоб ёзишингизни кутиб қоламан, ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариат нуқтаи назаридан сизнинг меросдан улушингиз бор. Буни Аллоҳ таолонинг Ўзи тайин қилиб берган, бу ҳукмга инсонлардан бирортаси аралаша олмайди, ҳатто мерос қолдирган отангизнинг ҳам розилиги шарт эмас. Сиз бемалол ҳаққингизни талаб қилишингиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*



## 127-САВОЛ

*Ассалому алайкум, мени бир масала ўйлантирди. Она, биз оилада 3 фарзандмиз, яъни мен ва иккита укам. Мен турмушга чиққанман, укаларим ҳали ўйланмаган. Онам вафот этганлар, улардан қолган, яъни укаларимга бериладиган ўйлардан ташқари бир ўй бор. Уларнинг ўзларининг ҳовлилари бор. Ушбу ўйда, яъни бу меросда менинг ҳаққим борми? Шу саволимга жавоб беринг, илтимос. Жавоб учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Онангиздан қолган ўй онангиз тирикликларида ёлғиз у кишига мулк бўлган бўлса, ҳеч кимга берилмаган бўлса, у учта фарзандга мерос бўлиб қолган ҳисобланади ва ҳар бир меросхўрга ўз улуши берилади. Албатта, унда сизнинг ҳам ҳаққингиз бор. *Валлоху аълам.*

## ТАҚИҚ ВА РУХСАТЛАР ТАОМЛАР ВА ИЧИМЛИКЛАР

### 128-САВОЛ

*Ассалому алайкум, менинг саволим шуки, ошқозоним оғриб, яхши овқат ҳазм қилмайди, шунинг учун танишларим: «Бир-икки марта оз-оздан спирт ичволсанг, тузалиб кетади», дейишяпти (бир шифокор ҳам шундай деди). Дорилик учун ичсам бўладими ёки мумкин эмасми? Жавобингиз учун аввалдан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мумкин эмас. Спирт ҳаром қилинган нарса. Ҳаром нарсада шифо бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

### 129-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Саволим шундай: менинг бошим доимий оғрийдди. Анчадан бери даволанаман. Россия каналларидан биридаги кўрсатувда антипаразит, яъни гиёҳдан тайёрланган дори ҳақида эшитиб қолдим. Кўп касалликларга ичимиздаги қуртлар сабаб бўлишини ҳамда бош оғриши ҳам шу туфайли бўлиши мумкинлигини билиб олдим. Мазкур гиёҳни Интернет орқали топиб, сотиб олдим. Эндиликда уни истеъмол қилишга иккиланяпман. Сабаби, гиёҳнинг номи «монастирский чай» эди. Бундай номли дорини ичсам, гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Аммо таркиби фақатгина гиёҳлардан иборат. Илтимос, маслаҳат беринг. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Таркибида ҳаром нарса бўлма-са, ичишингиз мумкин, исми сабабли ҳаром бўлмайди.  
*Валлоҳу аълам.*

## ХУШБҮЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

### 130-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Тўғриси, минг хижолатда яна сизга мурожаат қиляпман, бунинг учун олдиндан узр сўрайман. Мен университетда 2-курсда ўқийман. Интернетдан фойдаланишни билмайман, шунинг учун «muslimaat.uz»даги савол-жавобларга акамнинг ёрдами билан араб тили курси ҳақида савол йўллаган эдим. Лекин негадир саволим кўринмаяпти. Агар саволим етиб борган бўлса, жавоб берсангиз. Анчадан бери яна бир савол мени қийнарди: «Аёл киши учун хушбўйланиб кўчага чиқиб, бу хушбўйи билан номаҳрамларни ўзига жалб қилиши зино билан баробар», деб эшитгандим. Лекин эркаклар-чи? Эркакларда бўлгани каби, биз қизларда ҳам нафс бор-ку. Улар хушбўйланиб кўчага чиқиб, ширин ҳидлари номаҳрам қиз, аёлларга боргани учун гуноҳкор бўлишмайдими? Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир саҳобадан ширин ҳид келганини сезиб: «Уйландингизми?» деб сўраган эканлар. Ёки уларга уйланганларидан кейин мумкинми? Ахир уйланганларидан сўнг ҳам кўчада номаҳрам қиз-аёллар бўлади-ку, уларга ҳидлари боради-ку, бу гуноҳ эмасми? Саволим ноўрин бўлса, минг бор узр. Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Араб тили масаласи бўйича биз билганимиз «Гранд таълим» маркази, холос.

Хушбўйлик масаласига келсак, динда бундан фақат аёллар қайтарилган. Чунки хушбўй нарсадан таъсирланиш борасида аёллар билан эркаклар фарқ қилади.

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир саҳобадан ширин ҳид келганини сезиб: «Уйландингизми?» деб сўраган эканлар», деган гап нотўғри. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳидни эмас, рангни кўриб савол берганлар. Аслида воқеа бундай бўлган:

قَالَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ رضي الله عنه: لَمَّا قَدَمْنَا الْمَدِينَةَ أَخَى رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم بَيْنِي وَبَيْنَ سَعْدِ بْنِ الرَّبِيعِ، فَقَالَ سَعْدُ بْنُ الرَّبِيعِ: إِنِّي أَكْثَرُ الْأَنْصَارِ مَالًا، فَأَقْسِمُ لَكَ نِصْفَ مَالِي، وَأَنْظُرَ أَيَّ زَوْجَتِي هَوَيْتَ نَزَلْتُ لَكَ عَنْهَا، فَإِذَا حَلَّتْ تَزَوَّجْتَهَا. قَالَ: فَقَالَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ: لَا حَاجَةَ لِي فِي ذَلِكَ، هَلْ مِنْ سُوقٍ فِيهِ تِجَارَةٌ؟ قَالَ: سُوقٌ قَيْنُقَاعَ. قَالَ: فَغَدَا إِلَيْهِ عَبْدُ الرَّحْمَنِ، فَأَتَى بِأَقْطِ وَسَمْنٍ - قَالَ - ثُمَّ تَابَعَ الْغُدُوَّ، فَمَا لَبِثَ أَنْ جَاءَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ عَلَيْهِ أَثَرُ صُفْرَةٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: «تَزَوَّجْتَ؟» قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: «وَمَنْ؟» قَالَ: امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ. قَالَ: «كَمْ سُقْتِ؟» قَالَ: زَنَةَ نَوَاةٍ مِنْ ذَهَبٍ أَوْ نَوَاةٍ مِنْ ذَهَبٍ. فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم: «أَوْلَمْ وَلَوْ بِشَاةٍ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Абдулраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу айтади:*

«Мадинага келганимизда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан Саъд ибн Робийъни бир-биримизга биродар қилиб қўйдилар. Саъд ибн Робийъ: «Мен ансорларнинг энг бадавлатиман. Молимнинг яр-

мини сенга бўлиб бераман. Қара, иккита аёлимдан қай бирини хоҳласанг, сен учун ундан кечай, (иддаси тугаб) ҳалол бўлгач, унга уйланиб оласан», деди. Абдуррахмон унга: «Менинг бунга эҳтиёжим йўқ. Тижорат қилинадиган бирон бозор борми?» деди. У: «Қайнуқоъ бозори бор», деди».

(Ровий) айтади: «Абдуррахмон эрталаб у ерга бориб, ақит<sup>1</sup> ва сариеғ олиб келди. Сўнг ҳар куни эрталаб борадиган бўлди. Кўп ўтмай, Абдуррахмон устига сарик доғ<sup>2</sup> теккан ҳолда келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уйландингми?**» дедилар. У: «Ҳа», деди. У зот: «**Кимга?**» дедилар. У: «Ансорлардан бир аёлга», деди. У зот: «**Қанча бердинг?**» дедилар. У: «Данак оғирлигича тилла [ёки данакдек тилла]», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Битта қўй билан бўлса ҳам тўй қил**», дедилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

---

<sup>1</sup> Ақит – қўй ёки эчки сутини қуруқ кукун ҳолига келгунича қайнатиб тайёрланадиган таом. Араблар уни одатда баҳор кунларининг охирида тайёрлаб, қуритиб, ёзгача сақлаб қўйишган. Ёзда эса уни сувда эритиб, бироз ширинлик аралаштириб ичишган. Уни ҳозирги кундаги қуритилган сут ёки қурутга ўхшатиш мумкин.

<sup>2</sup> Ўша пайтдаги бир хушбўйликнинг ранги сариқ бўлган экан. Уни одатда келин-куёвлар ишлатишар экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуррахмон ибн Авфнинг уйланганини кийимидаги ўша доғдан билган эканлар. («Олтин силсила», «Саҳихул Бухорий»дан).

## ЗИКРЛАР, ДУОЛАР ҲАМДА ДАМ СОЛДИРИШ ХУСУСИДАГИ ТАҚИҚЛАР

### 131-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Кимёи саодат дуо-си ҳақида кўп эшитдим. Шу дуо мушкулларнинг осон бўлишига ҳамда ўғил фарзанд кўришни истаганларга ёрдам бўлар экан. «Кимёи саодат» деган кичкина китобча ҳам бор экан. У қандай дуо ва бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Шу дуони тумор қилиб тақса ёки ўқиса, ҳомила ўғил фарзандга айланиши мумкин экан. Бу ҳақда шариатимиз кўрсатмалари қандай? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу асоссиз ва ножоиз нарса. Шайх ҳазратлари худди шу маънодаги саволга жавоб бериб, жумладан, шундай деганлар: «Кейинги пайтларда дуо китобларига ружу қўйиш юқори бир нуктага, чўққига чиқди. Бундай китоблар сон-саноғи йўқ даражада кўпайиб кетди. Бу каби ҳолатлар – кишиларда баъзи бир тилак-истаклар кўпайган пайтда, бой бўлиб кетиш орзуси тарқалган пайтда, бир зумда бошига тушган мушкулликлардан тезда халос бўлиш истаги ҳукмрон бўлиб олган пайтда тарқаладиган одатий нарса. Ушбу китобларнинг кўплари ўйламай-нетмай, қаердандир келиб қолган асоссиз, таг-туғи йўқ китобларни таржима қилиб, шоша-пиша шулардан бирор нарсани жамлаш натижасида тайёрланган китоблардир.

«Кимёи саодат» деб аталган дуонинг араб тилидаги маънолари кирилл ҳарфида узундан-узок ёзилган. Бу дуони ким қилган, қачон қилган, қайси китобда бор,

ким ривоят қилган, бирор оғиз гап ёки ишора йўқ. Шунингдек, бу дуонинг матни ёзиб бўлинганидан сўнг «Кимёи саодат дуосининг хосиятлари» деган ном остида бирин-кетин унинг хосиятлари санаб ўтилган.

Агар ўша хосиятларга қараладиган бўлса, уларга эътибор бериб, ишониладиган бўлса, гўёки бу дунёда ҳар қандай одам мана шу «Кимёи саодат» дуосини ёдлаб олса бас, ҳеч қандай муаммо қолмайдигандек.

Шунингдек, бу китобни бошидан охиригача уйдирма дейиш ниятимиз йўқ. Мисол учун, «Муззаммил» сура-сининг фазилатлари» деб, улар санаб чиқилибди. Бу тўғрида баъзи бир ҳадислар ҳам ворид бўлган, буларнинг ҳаммасини биз «йўқ» дея олмаймиз». *Валлоху аълам.*

### 132-САВОЛ

*Ассалому алайкум, устоз Одинахон опа Муҳаммад Юсуф. Сизга бир долзарб мавзу юзасидан савол бермоқчи эдим. Оиламнинг диндан хабари камроқ. Совет иттифоқи пайтида ўқиб-ўрганишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, баъзида қийинчилик, катта ташвиш ва йўқотишлар бўлганда домлага ўқитишга боришади. Бунинг иссиқ-совуқдан деб, қайтармалар қилдиришади. Мен бу ишдан қанча қайтарсам ҳам, фойдаси бўлмаяпти. Аксинча, мени ҳам ана шундай жойларга олиб боришган. Баъзида черков сувини сепишган, товуқ сўйиб, қонини суртишган, гармдори ёқишган. Кеча расмимни ҳам бир рус иссиқ-совуқчига ўқитишибди. Улар қилаётган бу ишларнинг менга зарари йўқми? Мен ҳам гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Онам бир оз вақт намоз ўқиб юриб, кейин ҳар хил баҳоналар билан ўқимамай қўйдилар. Отам ўқийдилар. Ўзим ибодатдаман. Ҳижобга*

*кираман десам, рухсат беришмайди. «Агар кирсанг, ўқишга ҳам, ишга ҳам қўйишмайди», дейишади. Турмушга чиққанымдан кейин ўрайверар эканман. Мен қандай йўл тутай? Маслаҳат беринг, илтимос.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ қалбингизни очганига шукр. Шундай ҳолатларга сабр қилиб, ибодатларингизда бардавом бўлаётганингиз учун кўп ажр-савоб оласиз, иншааллоҳ. Бунақа ҳолатлар аввалдан бор, доим бўлган. Ҳидоятга йўллаш Аллоҳнинг иши. Биз эса дуо қилиб, Аллоҳдан сўрайверамиз. Ўзидан сўрасангиз, Ўзига суянсангиз, енгиллик бўлади, иншааллоҳ. Сиз айтган турдаги ўқитишлар шаръан ҳаром ишлардир. Уларга қарши муолажа кўп Қуръон ўқиш, ўзига дам солиб, доим таҳоратда ҳамда зикрда юриш билан бўлади. Шунда, иншааллоҳ, сизга зарар қилмайди. Аллоҳ осон қилсин. Биз ҳам дуо қиламиз. *Валлоҳу аълам.*

### 133-САВОЛ

*«Қаҳриқул» дуоси ҳақида маълумот берсангиз. Қаерда ва қачон ўқиш мумкин? Жавобингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бу баъзи жинкаш ва азайимхонлар ўйлаб топган дуо, сеҳрларга қарши кучга эга бўлиш дуоси, дейишади. Уни ўқиш мумкин эмас. *Валлоҳу аълам.*



## 134-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Мен икки фарзанднинг онаси-ман. Бир неча ой мобайнида ўзимни бироз галати ҳис қилдим. Юрагим санчиб, бошим тез-тез оғриб, толиқадиган, қайсар, йиглаб-сиқилиб кетадиган, жуда тез шамоллайдиган бўлиб қолдим. Ўзим ёрдамга муҳтож оилалар билан ишлайман. Уларнинг муаммолари билан ишлаб, бироз толиқдим, деб ўйладим. Сўнг бир дугонам: «Бир домла бор, ўқитсанг, яхши бўлади», деди. Борсам, «Уч кун келинг, мушук ва кучук юнгини куйдириб, сизни иссиқ-совуқ қилиб, йўлларингизни ёпиб ташлашган», деб айтди. Қуръон сураларидан ўқиб, дам солди. Лекин билсам, у аввал милиционер бўлган экан, аждодидида ўқийдиганлар бўлгани учун ўқимаса, оғирлашиб қолар экан. Қўллари билан баданимни силкигач, шубҳа қилиб қолдим. Эртаси куни таксида ишхонадаги қизлар билан кетаётганимда, ёши улуг бир одам: «Кечирасиз, қизим, эскичага ишонасизми?» деди. У ҳам иссиқ-совуқ қилинганимни, қандайдир мушук ҳақида гапирди ва оёқ кийимимга нарсасолинганини айтиб, эснаб, галати овозлар чиқара бошлади, сўнг: «Занги отага зиёратга бор, домлага ўқит», деди. Бордим, зиёрат қилиб, дам солдирдим. Мен ўзим уйда кўпинча Ёсин, Мулк, Фалақ, Нос сураларини ўқиб, ўзимга дам солардим. Ҳалиги киракаш: «Лекин иссиқ-совуқни йўқ қилишга бунинг кучи етмайди», деди. Гуноҳ қилган бўлсам, Аллоҳ Ўзи кечирсин. Ўзим ёлғиз фарзандман, 5 йил олдин онамдан айрилганман. Маслаҳат, ёрдам сўрайдиган яқинларим йўқ. Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Дуо қилиб шифо сўранг, ўзингизга дам солинг. Иссиқ-совуқ учун эмас, шифо учун ша-

риятга мувофиқ дам соладиганлар ҳам бор, ўшаларга дам солдирсангиз бўлади. Ҳамманинг ҳам гапига ишониб, айтганларини қилаверманг. Кўпроқ истиффор айтинг. Имкон қадар доим таҳоратда юринг. *Валлоҳу аълам.*

## АЁЛЛАРНИНГ АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДАШИ ХУСУСИДАГИ ФАТВОЛАР

### 135-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Яхшимисиз, опаҷсон? Мен турмушга чиққанимга, Худо хоҳласа, 6 йил бўлади. Турмуш ўртоғим келин бўлиб тушганимдан буён: «Машина олиб бераман. Фақат йиллар ўтсин, фарзандли бўлиб ол», дердилар. Тўрт ярим йил ичида 3 та фарзандли бўлдик. 3-фарзандимга ҳомиладорлик пайтимда уйда турган ортиқча (ҳеч ким ҳайдамайдиган) автомобилни яхшилаб таъмирлаб бердилар. «Фақат чақалоқ сал катта бўлиб олсин, ҳайдайсан», дегандилар. Энди: «Ҳайдайман» десам, «Исломда мумкин эмас экан. Сен суриштир, мумкин бўлса, бераман», деяптилар. Исломда аёл киши автомобиль ҳайдаши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

«Аёлларнинг машина ҳайдаши ҳақида «Сайрул кабир»нинг шарҳида шундай дейилади: «Муслима аёл эгарга минмайди. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ эгарлардаги фаржлар(аёллар)ни лаънатласин», деган ҳадисларига биноандир. Бундан эгарга кўнгилхушлик учун ёки ўзини эркакларга кўз-кўз қилиш учун миниш ирода қилинган. Аммо унга эҳтиёжи борлигидан минса, зарари йўқдир. Масалан, эри билан ҳажга борганда ўранган ҳолда мингани каби».

Бу сатрлар «Сайрул-кабир» каби қадимги китобларда келган от, туя каби уловларни минишнинг ҳукми. Энди замонавий улов ҳисобланган автомобиль ҳайдаш масаласига келсак, бу тўғрида замонамиз уламоларининг фикрлари қуйидагича:

Сурия уламоларидан устоз доктор Ваҳба Зуҳайлий айтадилар: «Шаръан муқаррарки, аёл шаръан мубоҳ бўлган ишларни қилишдан ман этилмайди. Аёл машинани якка ҳайдаса ҳам, ёнида бошқа киши бўлса ҳам, бу жоиз амалдир. Чунки Исломнинг илк даврларида, турли асрларда аёллар туя, от каби уловлар минишган. Бу шаръан ман этилмаган. Лекин бунда асосий шарт аёл ҳаракатланишда, машинани миниш ва бошқа ишларида шариат доирасида бўлмоғи, унга кўзи тушганларга фитна бўлмайдиган даражада мухташам кийиниши керак.

Европа фатво мажлисининг аъзоси Юсуф Абром айтадилар: «Ҳайдовчилик – мубоҳ иш. Лекин ҳаром этилган ишга олиб борса, унда ҳаром бўлади. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда эркаклар аралашмаган ва аёл эҳтиром қилинадиган таълим жараёнида қатнашса, сўнг машинани ўзи ва оиласи учун фойдали йўлда ишлатса, машина ҳайдашга монъелик йўқ деб биламан».

Ал-Азҳар уламоларидан устоз, доктор Абдулфаттоҳ Ошур айтадилар: «Модомики аёл уйдан Аллоҳнинг шариатига риоя қилган ҳолда чиқар экан, унинг машина ҳайдашининг зарари йўқ. Модомики биз уни эркакнинг шериги деб тан олган эканмиз, таълим олишда, турли вазифаларда ишлашида уни тенг кўрарканмиз, машина ҳайдашида ҳам ҳеч қандай ёмонлик йўқдир. Бунини ман этганлар ҳазир ва эҳтиёт юзасидан қилганлар. Энди аёл турли масалаларда эркак билан тенг мақомда кўрилаётган жорий муҳитда бундай эҳтиёткорликнинг маъноси бироз йўқолган. Биз таъкидлашимиз лозим бўлган нарса шуки,

аёл албатта Ислом одоби билан одоблансин. Машина миниб, шубҳали жойларга ёки ўзини ва шаънини хатарга қўядиган томонларга бормасин. Бундан бошқа ҳолларда ҳеч қандай монелик йўқ. Балки аёл ўзи танимайдиган ёки аёлни танимайдиган бегона киши билан бир машинада юрганидан кўра унинг машина ҳайдаши афзалдир».

Тўғри, саудиялик айрим олимлар машина ҳайдаш аёлни эркаклар назарига тушиши, ҳаёсининг камайиши, уйдан кўп чиқиши, ўзига эрк бериши, эрига бўйсунмаслиги, шаъни хатарда қолиши, шундоғам тирбанд кўчаларнинг янада тикилинч бўлиши, ортиқча ҳаражатларга сабаб бўлиши каби фасодлар сабабидан унга машина ҳайдаш жоиз эмас, дейишади. Лекин бу ҳукм фақат Саудия мамлакатига тегишлидир. Қолган мамлакатлар эса бу ишдан келадиган фойда ва зарарларни ҳисоб-китоб қилиб, ҳукм берадиган ишончли уламоларининг фатволарига қарашади. Жумладан, биз ҳам юқорида фикрлари келтирилган мухтарам уламоларнинг раъйларига мойилмиз. Чунки улардаги ижтимоий ҳолат, аёлнинг жамиятда тутган ўрни бизникига ўхшашдир. Қолаверса, икки зарар тўғри келиб қолганда уларнинг энгилени олиш шариятимиз қоидаларидандир. Аёлнинг машина минишидан келадиган зарар унинг жамоат транспортдан фойдаланиш ёки бегона эркак билан хилватни юзага келтирадиган таксига минишидаги зарардан кўра энгилроқдир.

Аммо аёл кишининг такси ҳайдаб одам ташишига келсак, бу шаръан жоиз эмасдир. Зеро, бунда аёл шаъни муқаррар хатарга қўйилган бўлади. Шунингдек, аёлларнинг машина ҳайдаши одатга кирмаган минтақаларимизда уни тарғиб қилмаган маъкул. Чунки жавобимиз аёлларга машина ҳайдаш рухсатлиги ҳақида бормоқда».

*Мубашшир Аҳмад*

**Валлоҳу аълам.**

## ТАҚИҚ ВА РУҲСАТЛАРГА ОИД БОШҚА МАСАЛАЛАР

### 136-САВОЛ

*Муסיқа тинглаш гуноҳми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Мутлақ ҳукм бериб бўлмайти, муסיқанинг турига қараб ҳукм берилади. *Валлоҳу аълам.*

### 137-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Сизга Аллоҳдан соғлиқ тилаб, қўидаги саволни бермоқчиман: бир неча йиллар олдин мен тилла коронкали тишлар қўйдирганман, садаф тишлар у вақтда ишлатилмасди. Бу ҳақда ҳукм қандай? Жавобингиз учун олдиндан ташаккурлар.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Тилла тиш қўйдириш жоиз.

عَنْ عَرْفَجَةَ بْنِ أَسْعَدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أُصِيبَ أَنْفِي يَوْمَ الْكَلَابِ فِي الْجَاهِلِيَّةِ، فَاتَّخَذْتُ أَنْفًا مِنْ وَرَقٍ فَأَنْتَنَ عَلَيَّ، فَأَمَرَنِي النَّبِيُّ ﷺ أَنْ أَتَّخِذَ أَنْفًا مِنْ ذَهَبٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَاحِبَاهُ.

*Аржафа ибн Асъад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Жоҳилиятда Кулоб воқеаси куни бурним ярадор бўлди. Шунда кумушдан бурун қилиб олган эдим, сасиб кетди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга тилладан бурун қилиб олишни амр қилдилар».

*Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилган.*

Мана шу хадисдан келиб чиқиб, уламоларимиз тилла тишни жоиз деганлар.

Усмон розияллоху анхунинг тилла тиш кўйдирганлари ривоят қилинган. **Валлоху ағлам.**

### 138-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Жияним: «Аёл киши Маҳшар майдонида, Аллоҳ таолонинг хузурида кийими бўлмаганлиги сабаб, танасини узун сочлари билан ёпиб турар экан. Шунинг учун аёл киши сочини кесмаслиги керак», деб айтди. Шу тўғрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Оятда ҳам, хадисда ҳам бундай гап йўқ.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «يُحْشَرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حُفَاةَ عُرَاةٍ غُرْلًا»، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، النَّسَاءُ وَالرِّجَالُ جَمِيعًا يَنْظُرُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ؟ قَالَ ﷺ: «يَا عَائِشَةُ الْأَمْرُ أَشَدُّ مِنْ أَنْ يَنْظُرَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ». وَفِي رِوَايَةٍ: «الْأَمْرُ أَهْمٌ مِنْ أَنْ يَنْظُرَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ»، مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Қиёмат куни одамлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган холда маҳшарга тўпланадилар», деяётганларини эшитдим. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, барча эркагу аёллар бир-бирларига қараб туришадими?» дедим. У зот:

«Эй Оиша! Аҳвол бунга аҳамият берадиган даражадан кўра қаттиқроқ бўлади», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: «Аҳвол улар бир-бирларига қарашларидан кўра муҳимроқ бўлади», дейилган». *Бухорий ва Муслим ривоят қилган. Валлоҳу аълам.*

### 139-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Биз ҳозирги кунда кўпгина косметик воситаларнинг таркибида алкоголь (спирт) борлигини кўрамиз, шундай косметик воситаларни ишлатишимиз жоизми? Мисол учун, менинг юзимнинг териси жуда қуруқ, шунинг учун тез-тез кремдан фойдаланиб тураман. Яқинда крем идишининг орқасига ёпиштирилган коғозда унга спирт қўшилганини ўқиб қолдим. Крем ва ниқоблар юзимни яхшилаб, теримга сингади. Бундай косметик воситаларни қўлламаганим афзалми ёки рухсат борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу кўп сўралган савол. Уламоларимиз ушбу турдаги косметик пардоз воситаларини ишлатиш жоиз, деганлар. *Валлоҳу аълам.*

### 140-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бизнинг Ислом динимизда суррогат оналикка рухсат берилганми? Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Рухсат берилмаган. *Валлоҳу аълам.*

## 141-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳга шукур, Аллоҳнинг буюрган фарзларини бажариб, Рамазон ойида рўза тутяман, кунига беш вақт намозни имкон қадар ўқиб келяман. Кечқурунлари кучим етганича таровеҳ намозига масжидларга бориб келяман. Аммо шу ўринда менда бир савол тугилди: биз аёлим билан алоҳида уйда яшаймиз, аёлим ҳомиладор! Мени қийнайдиган савол ва масала: ёлғиз ҳомиладор аёлимни ярим кечада уйда қолдириб, ўзим таровеҳ намозини ўқишга масжидга чиқиб кетсам бўладими? Ёки қандай йўл тутай?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ қилаётган ибодатларингизни қабул айласин. Рамазон – ғанимат, таровеҳ намозларини қолдирманг. Инсон ўз уйида ёлғиз қолишининг зарари йўқ. Бирор хавотир бўлса, аёлингизга ҳамроҳ топишингиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## 142-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуш ўртоғим қимор ўйнайди ва биз шу пулларни рўзгорга ишлатамиз. Бу тўғрими ва буни сизларга айтганим менга гуноҳ эмасми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳалол пул топиш имкони бўлса, ўшани қилиш керак. Ҳеч имкони бўлмаса, етарли даражада оласиз, яъни кун ўтадиган даражада. Ортиғи жоиз эмас. Бу ҳолатни ислоҳ қилишга уринишингизда ва шу мақсадда буни бошқаларга айтишингизда гуноҳ йўқ. *Валлоҳу аълам.*



## 143-САВОЛ

*Ассалому алайкум, хурматли Одинахон опа! Яқинда танишим уйда боқиш учун мушукча сотиб олди. Лекин 1 ёшли ўгли кичкина бўлгани ва мушукни ги-жимлаб ўйнагани учун «Ўғлим каттароқ бўлиб, эсини танигунича қараб туринг» деб, омонат қилиб менга берди. Вақтинча парваришлаб туриш учун олдим, лекин эътиборсизлигим туфайли очиқ қолган эшикдан кўчага чиқиб кетиб, йўқолиб қолди. Омонатни сақлай олмаганим ва бечора мушукча кўчада қаровсиз қолгани учун йиғладим. Буни кўриб, бир танишим: «Илминг йўқ экан сенинг, бу жонзотларни уйда боқиш мумкинмас. Уйда боқиш учун яратилмаган», деди. Саволим: қандай жонзотларни уйда боқиш мумкин-у, қайсиларини боқиш мумкин эмас? Мумкин бўлмаганларини нима сабабдан уйда боқиш мумкин эмас?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мушукни уйда боқиш мумкин. Валлоҳу аълам.

## ОИЛА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

### 144-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуш ўртоғим Интернетдан уяли алоқа орқали қизлар билан гаплашиб, учрашиш-гача борибди. Авваллари жуда қийналардим, уришардим. Аллоҳдан унга ҳидоят, ўзимга сабр сўрайман. Фарзандларим билан кўнглим кўтарилади. Номаҳрам билан гаплашиш ҳаромлигини билиб туриб, қилаверса нима бўлади? Аллоҳ сабр берса, фарзандларим учун яшайман, иншааллоҳ. Шундай қилсам тўғри бўлади-ми? Аллоҳ Қуръони Каримнинг Нур сурасида «Пок мўминлар пок мўминлар учун», деган. Ёки бу оят бошқа маънода нозил бўлганми? «Агар эр бошқа билан бўлса, хотини унга ҳаром бўлади ёки талоқ тушади», деганини эшитгандим, шу тўғрими? Аллоҳ таоло ажрингизни берсин. Жавоб учун аввалдан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Эракка киши ўз қилмишлари учун ўзи жавоб беради. Аллоҳдан яхшилиқни умид қилиш лозим. Сабр ҳамда дуо қилиш керак. Эрингизга насиҳат қилинг, уни тақвога унданг. «Агар эр бошқа билан бўлса, хотини унга ҳаром бўлади ёки талоқ тушади», деган гап нотўғри. *Валлоҳу аълам.*

## 145-САВОЛ

Ассалому алайкум. Мен бермоқчи бўлган савол анчадан бери мени қийнаб келади, буни сўраш ҳам уят аслида. Лекин менга маслаҳат керак, ҳақ йўлни кўрсатишларингизни истайман. Турмуш қурганимга 9 йил бўлади, 2 та ўғлимиз бор, ўзим ўқитувчиман. Эримнинг феъли жуда оғир, унинг кесатиқларидан юрагим безиллаб қолди, чидолмай, қалтираб кетаман. Сабр қилишга қанчалик уринмай, гаплари эзиб юборяпти. У доим мени «Ишда юриб, ҳаром ишлар қилиб келсан» ва яна шунга ўхшаш ёмон гаплар билан ҳақорат қилади. Яна «Сен менга қаноат қилмайсан, майли, юравер, рухсат», деб нафсониятимга тегади. Бу гапларга чидаш оғир, шунча йилдан бери Аллоҳдан унга инсоф сўраб, сабр қилиб келяпман. Аммо бу гаплар, ишончсизлик, сиқилишлар асабимга қаттиқ таъсир кўрсатиб, касал қилиб қўйди. Мени энг даҳшатга солгани унинг ҳар доим «Сен озодсан, юравер», дейишидир, наҳотки эр ўз жуфти ҳалолига шундай дейиши мумкин бўлса? Бу ёмон эмасмикан деб кўрқаман. Мен анча сабрли аёлман, эримнинг кўнглидагидек бўлиш учун интиламан, табиатан анча оғир-босиқман. Эрим учун коллективга ҳам қўшилмайман, ишдан ҳам бўшаяпман, аммо у ҳаддидан ошиб боряпти. Очиги, сабрим ҳам тугаб боряпти, бунақа камситиш, хўрлашларни асабим кўтармай қолди. Қаршимда йўл қолмагандек, гоҳида яшагим келмай, жонимга қасд қилгим келади, аммо болаларимни ўйлаб, фикримдан қайтаман. Ажрашишдан ор қиламан, лекин бу гаплардан ҳам қийналиб кетдим. Менга маслаҳат беринглар, нима қилай? Эрининг хотинига «Бошқалар

*билан юришинг мумкин», дейшининг никоҳга таъсири йўқми? Аллоҳдан кейин сизгинадиган зот эркак, аммо аёл кишини бунчалар қийнаш тўғрими? Энг ёмони, эрим ҳеч қачон ўз айбини тан олишни ҳам, тушунишни ҳам истамайди. Менга йўл кўрсатинглар, илтимос, бу гаплардан ақлдан озай деяпман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Авваламбор, муҳим бир танбех: Аллоҳ таолодан бошқасига сиғинилмайди. Турмуш ўртоғингиз билан хотиржам, яхшилик билан гаплашиб, ҳамма гапни ўртага ташлаб, масалани ҳал қилиб олинглар. Мақсади нима, турли бўлмағур гапларни нима ниятда айтади, нимани истайди, ҳаммасига ойдинлик киритиш зарур. Бўлмаса, яқинлардан ёрдам сўранг. Турмуш ўртоғингизга гапи ўтадиган кишиларга мурожаат қилинг. Гапириб, йўлга солишсин. Истихора ҳам қилиб кўринг. Аллоҳ гўзал ечим берсин. *Валлоҳу аълам.*

#### 146-САВОЛ

*Агар бирор аёл ўз эрига хиёнат қилаётган бўлса-ю, бу ҳолатни фарзанди сезиб қолса, аммо бунинг олдини олиб, оиласи шаъни учун бирор нарса қилай деса, онасининг ўз жонига қасд қилишидан ёки оиласининг пароканда бўлишидан кўрқса, бундай вазиятда қандай йўл тутмоқ керак? Барча билимларингиз ва истеъдодингизни ҳурмат қилган ҳолда ушбу вазиятнинг ечимига йўл топишда ёрдамингизни аямайсиз, деган умиддаман! Аллоҳ барчаларимизни мағфират этсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Дарҳол бу ишнинг олдини олиш керак. Аввало, тавба учун, хатони тузатиш учун фурсат бериш керак.

Айбни фош қилишга шошиш керак эмас. Лекин айбни беркитиб, ушбу ҳолатнинг давом этишига қўйиб қўйиш ҳам дуруст эмас.

Гапи ўтадиган катта кишиларига, хусусан, аёлнинг яқин қариндошларига арз қилиш лозим. Гуноҳкор одам ўзини ўнглаб, тўғри йўлга тушиб олса, нур устига аъло нур. Акс ҳолда, чора кўриш лозим бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 147-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опаҷон. Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин. Опаҷон, жуда қийин аҳволда қолдим, маслаҳат беринг, илтимос. Бундан 3-4 йил аввал онам билан умра сафарига бориш учун навбатга ёзилган эдик. 2016 йилда навбатимиз келганини айтишди. Лекин турмуш ўртоғим мен билан жанжаллашиб, жаҳл устида: «Борсанг боравер, мен рози эмасман», дедилар. Ҳамма харажатларни адаҷоним ўзлари қиладилар. Ниятларим катта эди. Маслаҳат беринг, опаҷон, нима қилай?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Турмуш ўртоғингизнинг розилиги билан боришингиз керак. У кишига яхши гапириб, кўндиришга ҳаракат қилинглар. Катта ёшдаги одам, мисол учун, отангиз илтимос қилиб кўрсалар, яхши бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 148-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг аёлим яхши, лекин Ислом шартларини мукаммал билмайди. Яқинда аёлимнинг бир эркак қариндошимизга нисбатан меҳрибончилик қилаётганини кўриб (балки менга шундай туюлгандир), менга бу ёқмаслигини тушунтирдим. Яъни эркак киши ўз аёлини рашк қилиши кераклигини таъкидладим. Орадан вақт ўтиб, яна шу ҳолат такрорланди. Кейин мен аёлимга: «Агар шу билан учрашмоқчи бўлсанг, бор!» деб қаттиқ гапириб юбордим. Аллоҳнинг Ўзи кечирсин. Менинг барча ҳаракатларим гумон ва рашк эди. Аёлим кечаси билан йиглаб чиқди, у дунёда Аллоҳнинг олдида гуноҳсизлигини исботлашини такрорларди. Мен аёлим бунақа иш қилмаслигини билсам-да, лекин қаттиқ рашк қиламан. Аёлимга: «Ҳар қандай номаҳрам эркакка яхши гапирма ва меҳрибончилик қилма, эркак киши нотўғри хаёлга бориши мумкин. Мен уйда йўқлигимда келиб, сенинг меҳрибончилигингни бошқа томонга бурса, бу яхши бўлмайди. Бу кейин сенга ҳам, менга ҳам иснод бўлади», дедим. Шайх ҳазратларининг [savol.islom.uz](http://savol.islom.uz) сайтидаги савол-жавоблардан етарлича жавоб ола билмадим. Менинг «Агар шу билан учрашмоқчи бўлсанг, бор» деган гапим қанчалик гуноҳ? Илтимос, шу масалада ёрдам беринг? Бу саволни аёлим билан биргаликда сўраямиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мазкур иборани айтганингизда нимани ният қилган бўлсангиз, ўша бўлади. Ҳар қандай ҳолда тавба ва истиғфorni кўпайтиринглар. Ноўрин ва асоссиз гумон қилиш мумкин эмас. Албатта, шариятга мувофиқ ҳолда рашк қилишга ҳақлисиз. Аёлингиз ди-

ний кўрсатмалардан ҳали тўлиқ хабардор бўлмаса, яхшилик билан ўргатиб боринг ва сабрли бўлинг. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб:

وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَاصْطَبِرْ عَلَيْهَا

«Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил», дейди (*Тоҳа сураси, 132-оят*). Бошқа таълимлар ҳам намозга таққосланади. *Валлоҳу аълам.*

149-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Агар намозхон аёл эрини ҳеч қандай йўл билан намоз ўқишга кўндиролмас, нима қилиши керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Аллоҳдан дуоларида сўраши, сабр қилиши ва мулойимлик билан насиҳат қилиб боравериши керак. Гапи ўтадиган кишиларга арз қилиб, эрини тўғри йўлга солиб беришларини илтимос қилса ҳам бўлади. Аммо эр учун хотин жавобгар эмас. *Валлоҳу аълам.*

## 150-САВОЛ

*Ассалому алайкум, менинг саволим шундан иборатки, бир манбада ўқиган эдим, агар инсон кимнидир чин дилдан ёқтирса, ҳеч қандай манфаатларсиз, Аллоҳ йўлида севса, у ҳолда у Аллоҳдан ўша инсон билан бахтли бўлишини сўраши мумкин экан. Бу агар икки инсон ҳурмат қилиб, тушунса ва яқдил бўлса. Лекин бир томонлама яхши кўрса ҳам, Аллоҳдан ўша инсон билан бахтли бўлиши ҳақида сўрашга ҳақлими?*

*Иккинчи одамнинг ички ҳиссиётларини билмасдан ҳам сўраш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## НАФАҚА ЭРНИНГ ЗИММАСИДА

## 151-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Саволим шундан иборатки, бир инсонга иккинчи хотин бўлиб никоҳланганман. У инсон уй-жой билан таъминлаб бермаганлиги сабабли ўзимнинг пулим ва ота-онам ёрдам берган пулга маълум миқдорда қарз олиб қўшиб, бир хонали квартира сотиб олдим. Бу қарзни тўлашда у инсоннинг ҳам ҳиссаси бўлиши керакми ёки мен ўзим ҳаммасини тўлаб қутулишим керакми? Илтимос, шарият қонунларида бу тўғрида маълумот бўлса, жавоб беринг. (Кўшимча маълумот учун айтиб ўтмоқчиманки, у инсон молиявий жиҳатдан етарли даражада яхши, участка қурилиши билан банд, лекин ўша қарзни тўлашга умуман ҳиссасини қўшмаяпти, мен ўзимнинг ҳамма маошим-*



ни йиғиб, ярмини тўлаб қўйдим, бу адолатданми?) Ҳозирги кунда у инсон билан ўша кватирада яшаймиз. **Жавобингиз учун олдиндан ташаккур!**

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Сизни турар жой билан таъминлаш – эрингизнинг бурчи. Шу пайтгача турар жой билан таъминламаган бўлса, сиз ўзингиз қарзга олган бўлсангиз, энди қарзни у тўлаши керак. Яна ўша кватирада сиз билан бирга яшаётган экан. **Валлоху аълам.**

### 152-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Ҳурматли устоз! Сизга шахсий ҳаётимдан келиб чиқиб савол йўлламоқдаман. Мен турмушга чиққанимдан буён хўжайиним ишламас эдилар. Мажбурлигимдан ишга тушиб кетдим. 7 йилдан сўнг бизга Аллоҳ фарзанд берди ва менга Ўзининг ҳидоятини насиб қилди. Аллоҳни таниб, ибодатга тушиб кетдим. Исломни, шариятни ўрганиб, оиланинг нафақаси эрнинг зиммасида эканлигини, аёл кишининг вазифаси эса фарзанд тарбияси, эрнинг хизматини қилиш ва итоат этиш, уй ишларини бажариш эканлигини ва ҳоказоларни билдим. Буни хўжайинимга тушунтирмоқчи бўлсам, хўжайиним: «Эрхотин – қўш хўкиз. Сен менга рўзгорга қарашишинг керак», дейдилар ва оиланинг нафақасини бутунлай менга ташлаб қўйганлар. Аллоҳдан кўрқиб, кўчага чиқиб кетиб ишламасдан, уйда болаларни мактабга тайёрлайман, рус тилидан репетиторлик қиламан. Фарзанднинг нафақаси, оиланинг рўзгори хўжайинимни умуман қизиқтирмайди. Хўжайинимнинг ишламасликларига ҳеч қанақа узр йўқ, яъни соғломлар. Фақат дангасалар. Фарзандимиз ҳам ҳозир 10 ёшда. Менинг ҳам соғлигимга путур етиб, анча заифлашиб боряпман. Аллоҳга доим*

дуо қилиб, хўжайинимга инсоф бериб, масъулиятни ҳис қилишларини ва мени оиланинг нафақасидан беҳожат қилишини ёлвориб сўрайман. Сизга бермоқчи бўлган саволим шуки, аёлининг, фарзандининг еб-ичиши, нафақаси қизиқтирмайдиган эрга қандай итоат қилиш керак? Харажатдан гапирсам, уруш-жанжал бўлиб кетади. Эрга осийлик қилдимми деб, яна кўрқаман. «Нафақа – сизнинг вазифангиз», десам, «Сен ҳам ишлайсан», дейдилар. Хўжайинимнинг шунақа дейишларига ўзим сабабчиманми? Жуда қийналиб кетдим. Илтимос, тўғри йўл кўрсатинг! Нима қилишим керак? Ўзимнинг кунимни ўзим кўришим керакми ёки эримни ҳам боқишим керакми? Ёки уруш-жанжал бўлса ҳам, эримга қараб ўтиришим керакми? Илтимос, жавобингизни интизорлик билан кутаман. Ислоҳ йўлида қилаётган барча ишларингизга Аллоҳ ривож бериб, ёрдам берсин. Аллоҳ Ўз паноҳида асрасин.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 34-оятда шундай марҳамат қилади:

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى  
بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

«Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар».

Демак, Аллоҳ таоло эркакни аёлга қараганда жисман, ақлан ва руҳан бақувват, чидамли қилиб яратгани сабабидан ва нафақа қилиши сабабидан уларни аёллар устидан раҳбар этиб тайин қилган. Раҳбар бўлиши учун аҳли аё-

лини ҳар томонлама муҳофаза қилиб, оиласини нафақа билан таъминлаши лозим. Эрни боқиш сизнинг зиммангизда эмас. Ўз вазифасини бесабаб бажармагани учун ўзи гуноҳкор бўлади. Сиз уни ҳурмат қилишда давом этаверинг, уруш-жанжал қилманг. Уни боқаман, деманг. Лекин фарзандингиз учун ҳаракат қилаверинг, ажр оласиз, роҳатини кўрасиз, иншааллоҳ. Шу билан бирга, турмуш ўртоғингизга гапи ўтадиган инсонларга мурожаат этиб, у кишига насиҳат қилишларини, йўлга солишларини илтимос қилиб кўринг. Аллоҳ мадаккор бўлсин. *Валлоҳу аълам.*

153-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Она, менинг акам тўртта фарзанди билан аёлидан ажрашган. Кейин бошқасига уйланган. Болаларига нафақа тўлашга унинг қурби етмаяпти. Шунинг учун у гуноҳкор бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Фарзандларини таъминлаш акангизнинг бурчи. Таъминлашдан бош тортса, гуноҳкор бўлади. Таъминлашга бор имконияти билан ҳаракат қилса-ю, кўли қисқалик қилса, маъзур тугилади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 233-оятда шундай марҳамат қилади:

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ  
الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизишни батамом қилмоқчи бўлган киши учундир. Уларни маъруф ила едириб, кийинтириш туғдирганнинг зиммасидадир...»

*Валлоҳу аълам.*

## ЭР-ХОТИН ОРАСИДАГИ ЭНГ НОЗИК МАСАЛА

## 154-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Биз 2 йилдан бери фарзандлик бўла олмаяпмиз. Яқинда шифокор кўригига боргандим, у менга «Сиз ҳомиладорга ўхшаяпсиз, ўзингизни эҳтиёт қилиб, эрингиз билан яқинлик қилмай туринг», деб айтди. Мен эримга вазиятни тушунтирдим, аммо эрим яқинлик қилишни хоҳлаяпти. Шу ҳолатда мен эримнинг хоҳишини рад этсам, гуноҳкор бўламанми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аввал ҳомиладормисиз, йўқми, ҳақиқатда ҳам жимоъ мумкин эмасми, шуларни аниқлаб олинг. Агар мумкин бўлмаса, гуноҳкор бўлмайсиз. Валлоҳу аълам.

## 155-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Сиздан бир хижолатли масалада савол сўрамоқчи эдим. Турмушга чиққанимга 5 йил бўляпти, инишааллоҳ. Мен «Эр аёлини ётоққа чорласа, бўйсунини керак», деб эшитган эдим. Ойижон – ҳамма масалада қаттиққўл аёллар. Мен бомдод намозига бир соат олдин тураман, таҳорат олиб, тайёрланаман. Бомдод киргунича доим нонуштага дастурхон тузаб, тайёрлаб кўяман. Янги келинлигимда (қишда тўйим бўлган) турмуш ўртоғим эрталаб соат 5 ларда мен оиҳонада иш қилиб турганимда чақирдилар, бордим. Ойижон асли нонуштани кечроқ, соат 9 ларда қиладилар, олдиндан одатлари шундай экан. Айнан*

ўша куни 20 дақиқача ушланиб қолдим. Мени ухлаб ётибди деб ўйлаб, қаттиқ уришдилар. Шу-шу эрта-лаблари мени турмуш ўртоғим чақирсалар, олдила-рига бормайман. Шу ҳолатларда жанжал чиқмасин деб, уларга бўйсунмасам, фаришталар мени лаънат-ламайдими? Уят савол берганим учун мени кечиринг.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Эрингиз чақирганида боришин-гиз керак. Акс ҳолда фаришталарнинг лаънатига қоласиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ أَنْ تَجِيءَ لَعْنَتَهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қачон эр ўз хотинини тўшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, уни фаришталар тонг отгунча лаънатлаб чиқурлар», дедилар».

Аммо эрингизга мазкур ҳолатни тушунтиринг. Шун-да у ҳам норози бўлмайди, иншааллоҳ. *Валлоху аълам.*

### 156-САВОЛ

**Ассалому алайкум, азиз Устозим!**

*Саволим шуки, агар намоз вақти, масалан, шом вақти кирай деб қолган бўлса-ю, эрим яқинлик қилиш-ни талаб қилса, мен ҳусл қилишга улгурмаслигимдан кўрқиб, уни рад этсам, гуноҳкор бўлиб қоламанми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Турмуш ўртоғингизнинг та-лаби шом намозининг кечикиб кетишига сабаб бўлса, унга буни яхши гапириб, тушунтиринг. Аввало шомни

адо этинг, чунки бу Аллоҳнинг фарзидир. Банда биринчи бўлиб Аллоҳ таолонинг айтганини қилади. Сиз ҳам шундай қилинг ва буни хотиржамлик ва очиққўнгиллик билан бажаринг. *Валлоҳу аълам.*

### 157-САВОЛ

*Жинсий яқинлик пайтида эр-хотин усти очиқ ҳолда, яъни чойшаб ёпинмай, батамом либоссиз бўлиши мумкинми? Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

عَنْ عُبَيْةَ بْنِ عَبْدِ السُّلَمِيِّ رضي الله عنه، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلَهُ فَلْيَسْتَتِرْ، وَلَا يَتَجَرَّدْ بَجُرْدِ الْعَيْرِينَ». أَخْرَجَهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Утба ибн Абд ас-Суламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Қачонки сизлардан бирингиз аҳлига келмоқчи (яқинлик қилмоқчи) бўлса, ёпиниб олсин, икки ёввойи эшак каби яланғоч бўлиб олмасин».

*Ибн Можадан ривоят қилинган.*

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالتَّعْرِي؛ فَإِنَّ مَعَكُمْ مَنْ لَا يُفَارِقُكُمْ إِلَّا عِنْدَ الْغَائِطِ، وَحِينَ يُفْضِي الرَّجُلُ إِلَى أَهْلِهِ، فَاسْتَحْيُوهُمْ وَأَكْرِمُوهُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Имом Термизий «Жимов пайтида ёпиниш боби»да Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан мана бу ҳадиси шарифни ривоят қилган:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

**«Яланғоч бўлишдан сақланинг! Чунки сизлар билан сизлардан ажралмайдиган зотлар (фаришталар) бор, улар фақат ҳожат пайтида ва киши хотинига яқинлик қилган вақтида ажраладилар».**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلُهُ فَلْيَسْتَتِرْ، فَإِنَّهُ إِذَا لَمْ يَسْتَتِرْ اسْتَحْيَتِ الْمَلَائِكَةُ فَخَرَجَتْ وَبَقِيَ الشَّيْطَانُ، فَإِذَا كَانَ بَيْنَهُمَا وَلَدٌ كَانَ لِلشَّيْطَانِ فِيهِ نَصِيبٌ». أَخْرَجَهُ الْبَزَّازُ وَالطَّبْرَانِيُّ.

*Имом Баззор ва Табаронийлар Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейлади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

**«Сизлардан бирингиз ўз аҳлига келса, ёпиниб олсин! Чунки агар ёпинмаса, фаришталар ҳаё қиладилар-да, чиқиб кетадилар. Бас, у иккови (эр-хотин) орасида бола бўлса, шайтон учун унда насиба бўлади».**

Ушбу ҳадислар заиф ҳисобланса-да, уламолар шулардан хулоса чиқариб, жимо вақтида ёпиниб олишни мустаҳаб, деганлар. **Валлоҳу аълам.**

## 158-САВОЛ

*Саволим мушкул савол. Эркак киши ҳомиладор аёли билан кўшилиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, қанча муддатгача кўшилиши мумкин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Эр ҳомиладор аёлига то тукқунича яқинлик қилиши мумкин. *Валлоху аълам.*

## 159-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Саволим куйидагича: ҳайз ҳолатидаги аёлнинг ўрни эридан алоҳида бўлиши керакми? Эшитишимча, бир ўринда ётиб бўлмас экан ва эр хатто кўлини ҳам теккизиши керак эмас экан. Жавобингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу нотўғри гап. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бундай ҳолатда никоҳдан, яъни жимоъдан бошқа ҳамма нарсани қилаверинглар», деганлар. *Валлоху аълам.*



## ҚАЙНОНА-КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИ

## 160-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон! Алҳамду-лиллаҳ, Аллоҳ менга ҳам келин олишни ва қайнона бўлишни насиб қилди. Қайнона бўлиб, бировнинг фарзанди бўлмиш келинимга илмсизлик сабабли зулм қилиб қўйишдан Аллоҳдан кўрқаман. Ҳаётда қайнона-келин орасидаги адолатсизликларнинг кўпини кўрганмиз. Мен келиним билан Ислом асосида муомала қилмоқчиман, ниятим, эртага Аллоҳнинг хузурига очиқ юз билан бориш. Биз қайноналарга ҳам бирор ислоний йўлланма бормикан? Илтимос, маслаҳат беринг. Аллоҳ вақтингизга барака берсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариатимизда айнан қайнона ва келин орасидаги муносабат ҳақида алоҳида кўрсатма йўқ. Лекин бошқа кўрсатмаларга қараб хулоса чиқариб олишимиз мумкин. Аввало, инсон инсонга қиладиган муносабатда бўлиш керак. Инсон зоти мукаррамдир. Кейин эса мусулмон кишига қилинадиган муносабатда бўлиш керак. Мусулмон мусулмонга нисбатан барча яхшиликларни қилишга амр этилган. Ана энди силаи раҳм эътиборидан муносабатда бўлишингиз керак. Уни ўз фарзандингиз каби қабул қилишингиз лозим. Раҳмшафқатли, муҳаббатли, кечиримли бўлишингиз, ўз фарзандларингизга раво кўрганингизни унга ҳам раво кўришингиз керак. Оилавий муносабатларда ким бўлишидан қатъи назар, учта қоидага амал қилинганда хайр бўлади. Улар: тўғри гумонда бўлиш, кечиримли бўлиш ва сир саклаш. *Валлоҳу аълам.*

## 161-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Минг хижолатлар билан шу саволни сўрашга мажбур бўлдим. Мен оила қурганимга 7 йилдан ошди. Шу йиллар мобайнида 3 нафар фарзандли бўлдик, эримни менга бўлган муносабати яхши. Биз қайнона-қайнотам билан бирга яшар эдик, лекин эрим I гуруҳ ногирони бўлганлари боис, яхши пул топа олмайдилар. Шунинг учун рўзгоримизни бўлак қилиб кўйишган, фарзандларимни ҳам ёмон кўришади, сабаби, катта қайногамнинг 12 йилдан буён фарзанди йўқ. Тўрт йил аввал эрим бир кўзидан айрилди. Қайнонам мени қайнотамга эжазман қилишдан чарчамайди, эрим буларнинг барини билса ҳам: «Сабр қилиб яша, онам ўзига келиб қолади», дейдилар. Мана, 1 ойдирки, онамникидаман, охирги жанжалимизда қайнонам бизни уйдан ҳайдаб юбордилар: «Уйга қайтиб келсанг, уй ўлигингга буюрсин!» дедилар. Бизнинг жанжалларимизга маҳалла фаоллари ҳам аралашиб, йўлга солиши олмади. Бизнинг ижарада яшашга имкониятимиз йўқ, ота-онам ичкўёв ҳам қила олишмайди. Менга нима маслаҳат берасиз? Ўша уйга бориб яшайми ёки ажрашиб кетайми? У уйга қайтиб борсам, яна ўша жанжаллар такрорланаверади, бардошим қолмади. Ёрдам беринг, илтимос. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин. Омин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Оилани сақлаш керак. Уч нафар фарзанд бор экан, турмуш ўртоғингиз ногирон экан. Сабр қилсангиз, мислсиз ажру савоб оласиз. Аллоҳдан енгиллик сўраб дуо қилинг. Ногирон бўлса ҳам, эрингиз, фарзандларингизнинг отаси бўлгани яхши. Аллоҳ ишларингизни осон қилсин, ҳаққингизга дуодамиз. *Валлоҳу аълам.*

## 162-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ушбу ичимдаги сўзларимни ўйлай-ўйлай, сизга айтишни ва сиздан маслаҳат сўраб, кўнглим енгил тортишини устадим. Келин бўлганимга 8 ой бўлди, турмуш ўртоғимнинг иккинчи турмушлариман. Уйда мендан икки ёш катта овсиним бор, мендан бир йил олдин келин бўлиб келганлар. Овсиним билан орамиз яхши, фақат қайнонамнинг мени ажратишларини ҳисобга олмасак, қайнонам билан ҳам. Аслида қайнонам яхши аёл, яхши инсон, яхши турмуш ўртоқлар, лекин қайноналикка келганда шунақанги одам ажратадиларки, буни ҳис қилиш жуда оғир. Уй юмушларида, муомалада келинларни тенг кўрмайдилар, турмуш ўртоғимнинг аввалги турмушларидаги аёли қайнонам ҳақида «Мени ажратадилар», деб кўп бора гапирганидан хабарим бор, лекин мен бунга парво қилмагандим. Қалбимдаги соф ниятга Аллоҳ шоҳидки, мен «Қайнонамнинг энг суйган келини бўламан», деб ният қилардим ва шунга ҳаракат қилдим. Уларга доимо «лаббай» дейдиган, табассум билан юрадиган бўлдим. Бироқ у киши овсинимни мендан устун кўрадилар. Гаплашиб ўтирсак, менга умуман парво қилмайдилар. Овсиним ҳомиладор пайтида бирорта иш қилдирмасдилар, ўша пайтлар роса хурсанд бўлиб, «Мени ҳам шундай авайлайдилар», деб ўйлардим. Ҳозир мен оғир иш қилсам ҳам, ишдан чарчаб борсам ҳам, ҳомиладорлигимга қарамай, ҳар доимги муомалада бўлаверадилар. Овқатлансак ҳам, фақат унга мулозамат қиладилар, нимадир сўраш керак бўлса, ҳатто гапимни эшитмаганга олиб, овсинимдан маслаҳат сўрайдилар, менга ҳеч нарса демайдилар. Ўзим сўрасам,*

*«Йўқ, ҳеч нарса», деб жавоб бериб қўя қоладилар. Қайсидир юмуш қилинмай қолган бўлса ҳам, ҳатто овсинининг хатоси билан бўлган ишларга ҳам мени очикчасига уришиб ташлайдилар, бу ишлардан шунақанги дилим оғрийдики, шунақанги ўз уйимга кетиб қолгим келадикки, ҳар намозимдан кейин дуода Аллоҳдан инсоф сўраб йиғлайман. Четдан қаралса, жуда ҳам оддий, майда гап бўлиб кўриниши мумкин, шунинг учун ҳам мен бу нарсаларни ичимга ютаман. Фақатгина сиздан маслаҳат сўраб, кўнглим енгил тортишини истадим, мени тўғри тушунасиз, деган умиддаман.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Кўнгил ишлари шунақа бўлади. Кўнгилга боғлиқ ишларни ўнглаш ҳам анча мушкул. Қайнонангиз сизларнинг орангизда адолат қилишлари керак, албатта. Лекин сиз бу ҳолатга кўп ҳам эътибор бераверманг. Аллоҳдан дуо қилиб сўранг. Ҳолатни Ўзи ислоҳ қилсин. Агар сиз бу нарсага ҳадеб эътибор бераверсангиз, масала катталашиб кетиши, асабларингиз чарчаши, Аллоҳ кўрсатмасин, шайтон шу заифлигингиздан фойдаланиши мумкин. Бу дунёни «биркам» дейдилар. Агар қайнонангизнинг яхши муносабати овсинингиз учун ютуқ бўлса, бошқа тарафдан сизда бўлмаган камчиликлари бор албатта. Шунинг учун сиз ҳам кўпроқ Аллоҳнинг сизга берган неъматлари ҳақида ўйланг ва шуқр қилинг. Бошқа ишлар, бошқа нарсалар билан машғул бўлинг. **Валлоҳу аълам.**

## 163-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Сизга берадиган саволим шундан иборатки, бир танишим келин туширган эди. Келин илмли, ибодатли. Лекин унинг тушунчалари бироз ўзбекчилигимизга тўғри келмайди. Яъни «Келин қайнона ва қайнотанинг хизматини қилишга мажбур эмас. У фақат эрининг хизматини қилса бўлгани», дейди. Бу мавзуда қайнона-қайнотага хизмат кўрсатиб, меҳрибонлик қилиш, уларнинг дуосини олиш ҳақида бирор оят ёки ҳадис мавжудми? Агар мавжуд бўлса, шуларни келтириб ўтсангиз, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин.*

*Бу сайтда энди рўйхатдан ўтиб, савол бераман. Агар савол беришда айрим хатоликларга йўл қўйган бўлсам, маъзур тутгайсиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қайнота ва қайнонага хизмат қилиш оят ва ҳадисларда очик келмаган. Лекин оят ва ҳадислардан уларни эъозлаш ва уларга яхшилик қилиш кераклигини тушуниб олишимиз мумкин. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда қариндошларга, катта ёшдагиларга, ота-оналарга яхшилик қилиш, уларни эъозлаш ва уларнинг ҳақлари ўз ифодасини топган. Қайнота ва қайнонадан яқин қариндош борми? Улар ҳам ота-онаку. Уларнинг хизмати ҳақида гап айтилмаган бўлса ҳам, эрга итоат қилиш фарз. Агар эр хотинидан ота-онасига хизмат қилишни талаб қилса, хотин бу талабни сўзсиз бажариши керак бўлади, яъни бу фарзга айланади. Бундан бошқа далилга эҳтиёж ҳам йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## 164-САВОЛ

*Ассалому алайкум, хурматли Одинахон опа. Аллоҳ илмингизни янада зиёда қилсин... Мен феъл-атворимдан қийналяпман. Ойижонга ёқмайдиган иш бўлса, бирор рўзгор ишида камчиликка йўл қўйсам, жуда қаттиқ уришадилар. Диндан узоқлар, Аллоҳ инсоф берсин. «Келин қиздек бўлмайди», дейдилар. Негадир келинлар ҳақида ёмон гумонда бўладилар. Мен оддий хонадонданман, биздан бойроқ оилага келин бўлиб тушганман. Мен тўйдан олдин бўлажак турмуш ўртоғимга оддий оила фарзанди эканлигимни айтганман, улар бўлса «Биз ҳам оддий оиламиз», деганлар. Лекин ойижон келиб чиққан жойимни кўп юзимга соладилар: «Министрнинг қизи бўлсангиз ҳам майлиди...» ёки «Шундай оилалар бор, қизини турмушга бераётганда уч хонали квартирага қўшиб, «ласетти»нинг калитини беришади», деб кўп айтганлар. Тўғриси, шу гапларни эшитганимда ўзимни жуда ёмон ҳис қиламан... Янги жойга келин бўлиб тушганда, ҳамма қизлар ҳам, менимча, янги оилага мослашгунча, камчиликларга йўл қўйишса керак. Мен болалигимдан катталарнинг айтганини ўзлари буюргандек бажаришга ҳаракат қиламан. Шунинг учун ҳозир ҳам ойижоннинг жаҳлларини чиқарадиган ишни қайта қилмасликка интиламан. Масалан, ухлаб қоладиган келинларни ёқтирмасликларини билганим учун, доим оиҳонада юраман, ҳатто болам уйғониб қолса, ойижон мени ухлаб қолган деб ўйламасликлари учун оиҳонага олиб чиқиб эмизиб, яна ётоққа олиб кириб қўйган пайтларим ҳам бўлган. Феъллим шундайки, бирор кимдан гап эшитсам, шу ишни такрорламайман, ўзим ноқулайликдан қийналиб кетаман, асли феъллим бўйсунувчан. Кейин*

ойижсон уришганларида баданим қизиб, юрагим тез-тез уриб кетади. Ўзимни тушунмайман. Олдинлари бу каби гап эшитмаганман, энди оила қуриб, эшитяпман. Кўпинча ноҳақ уришадилар. Келин бўлиб тушганимдан бери Аллоҳдан дуоларимда «Аллоҳим, Сенга ёлвораман, мени ўз қизларидек қабул қилишсин!» деб сўрардим. Мана, яқиндан дуони бошқача қилияпман: «Аллоҳим, менга тоқатим етмаган нарсани юклама, иймонимга зарар етказадиган одамлардан, амаллардан ва муҳитдан мени қутқар. Хайрли, суюкли бандаларинг орасида қилгин, нафи тегадиган илмга эга ва шу илмларига амал қиладиган бандаларинг орасида қилгин, фарзандларим ва эримни шундай инсонлар орасида қилгин, Омин», деб сўрайдиган бўлдим. Хурматли Одинахон опа, бу дуоим билан нотўғри иш қилмайманми? Менинг тоқатим етмаяпти, негадир арзимас нарсадан жанжал чиқса, сиқилиб кетяпман, шунинг учун дуоимни ўзгартирдим. Узун ёзганим учун кечиринг, илтимос.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ инсоф берсин. Инсоф сўраб дуо қилаверинг. Юқоридаги дуоингиз маъқул. Қайнонгангизнинг табиатларини яхши тушуниб олган экансиз. Энди у кишининг бўлар-бўлмас танбехларини ҳадеб кўнгилга олаверманг, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Аллоҳ енгиллик берсин. Омин. **Валлоҳу аълам.**

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

### 165-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина она! Кириб келган ойлар султони Рамазон сизга ва барча мусулмонларга муборак бўлсин! Менинг кичкина қизим бор, 2 ойдан сўнг 2 ёш бўлади, қизим кўп болалар каби жуда шўх, баъзан тушунтириб гапирсам ҳам қулоқ солмайди, қайтарсам, қайтмайди. Шундай пайтларда овозимни баландлатсам ёки қўлидаги нарсасини куч ишлатиб олсамгина, унга бас келаман. Шундан бошқасига кўнмайдиган бўлиб қолган. Энди Рамазони шариф келиб, бу ҳолатдан қўрқяпман. Аммо қизим ўша-ўша. Баъзан ўзига зарар берадиган нарсаларни ҳам олволади (албатта, эътибор бериб тураман). Энди сиқилганимдан ўзим ҳам йиглаб юборяпман. «Рамазонда ҳам шу ҳолатми?» деб виждоним қийналяпти. Маслаҳат беринг, албатта, сиз ҳам она бўлгансиз, сиз болаларингизнинг шу ёшида қандай йўл тутардингиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, бола тарбияси – ниҳоятда қийин, нозик масала. Уни тўғри, чиройли олиб бориш учун ота-онадан, алоҳида маҳорат, сабр талаб қилинади. Айниқса онанинг зиммасига бу борада катта масъулият юкланади. Рамазондан бошқа пайтларда ҳам болани уриб бўлмайди. Шариатда уришдан, калтаклашдан қайтарилган. Бошга ва юзга уришдан эса жуда қатъий қайтарилган. Тарбиянинг бошқа фойдали услубини топиш керак. Сабр билан болага тушунтиришни йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга, тарбия учун қилинган ҳаракат рўзага футур етказадиган иш эмас. *Валлоху аълам.*



## 166-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Аллоҳга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин. Ҳозирда 2 нафар ўғил фарзандим бор. Каттасининг ёши 3 дан ошган, кичиги эндигина 3 ойдан ошяпти. Аллоҳ умрларини зиёда қилсин. Кичик ўғлим кечалари ва кундузлари кўпинча йиглаб чиқади. Шифокорларга кўрсатсам, соғлом, дейишади ва айрим дори-дармонларни ёзиб беришади. Уларни олиб, ичирамиз. Айрим ҳолларда ишдан чарчаб борсам, кечалари йиглаб қолса, аёлим ҳам кўшилиб йиглаб, баъзида эса жаҳл билан койиб беради. Шунда мен унга: «Болада нима айб, бирор жойи оғриси йиғлайди-да. Аллоҳнинг синови, сабр қил, ҳаммаси ўтиб кетади», деб тушунтираман. Лекин бу ҳолатлар кўп бўлиб турганлиги учунми, менинг ҳам асабим кўтармай, аёлимга қаттиқ гапириб юбораман ёки койиб, қўл билан нуқиб қўяман. Бизнинг бу қилаётган ишимизда қандай маслаҳатлар берасиз?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Сиз айтгандек, бу ҳолат ўткинчи. Болалар катта бўлгунича шунақа қийинчиликлар бўлиб туриши – маълум нарса. Энг яхши ечим – фарзанд тарбияси учун Аллоҳ таоло онага битадиган беҳад ажру савобларни эслаш ва эслатиш. Аслида бундай мукофотларга сазовор бўлиш имконига эришилгани учун шукр қилиш, бефарзандларга, фарзанди беморларга назар солиб, яна қайта-қайта шукр қилиш керак. Сиз бундай вақтларда аёлингизга меҳр, ёрдам кўрсатишингиз, насиҳат қилишингиз ва далда бериб туришингиз керак. Фарзандларингизга ихлос билан дам солиб туришингизни ҳам тавсия қиламан. Биз шифокорга кўрсатиш, дори-дармон қилишга эътибор берамиз-у, дам солиш, дуо қилишни кўпинча унутиб қўямиз. *Валлоҳу аълам.*

## 167-САВОЛ

*Ассалому алайкум, мухтарамга Устоз! Менинг аёлим ҳомиладор. Ҳомиладор аёлнинг нималарга кўп эътибор бериши кераклиги, қайси амалларни қилса, келажакда фарзандимиз иймонли, эътиқодли бўлиб улгайиши мумкин? Шу ҳақда бизга маълумот берсангиз. Чунки китобларимизда «боланинг тарбияси онанинг қорнидалик пайтидан бошланади», деб ўқиганмиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу пайтда тақво қилиш керак, имкон қадар ибодатни кўпайтириш лозим. Аллоҳга дуолар билан илтижо қилиш, зикр, мутолаа ва солиҳ амалларни кўпайтириш керак. *Валлоҳу аълам.*

## 168-САВОЛ

*Рўпарамдаги кўшни билан олди-берди қиламиз. Менда музлатгич бўлганлиги сабабли, у кўпроқ меникига чиқиб туради. Иккита кичкина боласи ҳам доим онасининг ортидан қолмайди. Яхши муомалада бўламан. Менинг ўғлим йўқ, улар ўғил болалар. Уларга ширинлик, мева-чева бериб тураман. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзан кўзи тушмасин деб, нарсаларнинг устига сочиқ ташлаб қўяман ёки беркитиб қўяман. Чунки ушоқ тўқишади, пўчоқларини отиб, уйни булғашади. Ички кийимсиз ҳам юришади, баъзан тезроқ чиқиб кетишини ҳам хоҳлаб қоламан. Бавл қилиб қўйишларидан кўрқаман. Лекин кўполлик қилолмайман. Охирги пайтларда «Жирмай тур, онанг ўзи кирсин!» дейдиган ҳам бўлиб қолдим. Бу кўшника ёмонлик ёки қизганчиқлик қилмаяпманми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Шариатимизда мусулмонлар бир-бирларига яхшилик қилишга буюрилганлар. Мусулмоннинг мусулмонда ҳаққи бор. Бу ҳақ кўшничлик билан янада зиёда бўлади. Лекин яхшилик нима? Ҳар нарсага йўл қўйиб, кейин уни кўнгилга олиш эмас. Яхшилик – уларни тартибга чақириш. Фаразан, агар улар ўз фарзандларингиз бўлганида ҳам тартибга солар эдингиз. Меҳр билан, кўнгилга тегмайдиган қилиб, холис танбеҳ беринг, мулойимлик билан тушунтиринг. Яхшилик қилишда давом этаверинг, малолланманг. *Валлоҳу аълам.*


**169-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одина опа! Мен Шайх ҳазратларини болалигимдан бери танийман. Яқинда ташвишларимни унутаман деб, Интернетни титкилаб ўтириб, бирдан «Омина» журналинни топиб олдим. Мен 5 йилдан буён Россияда оилам билан яшайман. Бу ерда исломий китобларни топиш жуда қийин. Исломий электрон китоблар бормикан, деб излаб, Шайх ҳазратларининг муаллифлик бўлимини топдим ва унга аъзо бўлиб, «Руҳий тарбия» китобини олишга қарор қилдим. Чунки унинг биринчи жузи «Покланиш» деб аталган эди. Аллоҳга беадад шукр, инсон намозда ўзини қандай тутиши керак, бу дунё нарсаларига қандай муносабатда бўлиши керак ва ҳоказоларни ўрганиб олдим. Ҳозирда 1-жузини тугатиб, 2-жузини ўқияпман. Эримга ҳам охират учун ҳеч нима қилмаётганимизни, у дунёга фақатгина ибодатларимиз билан боришимизни айтгандим, 5 вақт намозни ўқий бошладилар. Аллоҳ Ўз даргоҳида қабул қилсин. Бу дунёнинг бойликларига қизикмай қолдим ва бирор нарсани йўқотсам, ачинмайди-*

ган бўлдим. Яқинда Шайх ҳазратлари оппоқ кийимда тушимга кирибдилар. Салом берсам, қулиб алик олдилар ва у кишига қараб: «Менинг ўғлимнинг исми Юсуф» десам, «Ўғлингизни Муҳаммад Юсуф деб чақиринглар», дедилар. Шундан сўнг уйғониб кетдим, чунки ўғлимнинг исми Саид Муҳаммад Юсуф. Биз эса қисқа қилиб Юсуф деймиз. Илоҳим, жойлари жаннатдан бўлсин. Менинг фарзандларимга ҳам у кишининг йўлларини берсин. Она, мен фарзандларимнинг ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни эгаллашларини хоҳлайман. Бунинг учун мен қандай йўл тутишим керак? Жавобингиз ва маслаҳатларингиз учун олдиндан катта раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳаётингиздаги ижобий ўзгаришлардан жуда мамнунман, Аллоҳ зиёда айласин, бардавом қилсин. Фарзанд тарбияси ҳақидаги мавзу жуда катта ва кенг мавзудир. Уларнинг билимли бўлишига эътибор қаратинг ва бунга шароит яратиб беришга ҳаракат қилинг. Бизнинг [muslimaat.uz](http://muslimaat.uz) сайтимизда фарзандлар учун алоҳида бўлим очишган. Шуни кузатиб боришингизни маслаҳат бераман. Аввало, Аллоҳдан дуо қилиб сўрашни унутманг. Фарзандларингиз ҳаққига доимо дуода бўлинг, Ўзидан ёрдам сўранг. Айнан бирор масалада саволларингиз бўлса, марҳамат, Аллоҳнинг изни ила маслаҳат берамиз. **Валлоҳу аълам.**

## 170-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Она туғруқхонада ўз фарзандига азон айтиши дуруст бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Азонни аёл киши эмас, эркак киши айтади. Шу нуқтаи назардан туғруқхонада боланинг қулоғига унинг отаси азон айтиб қўйиши жоиз. *Валлоху аълам.*

## 171-САВОЛ

*Аудио ёзувдаги Қуръон сураларини 7 ойлик фарзандимга қўйиб берсам, тинчланиб, ухлаб қоляпти, шу ишни доимий равишда бажарсам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Албатта, бўлади, ҳатто яхши бўлади. *Валлоху аълам.*

## 172-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа! Бу саволни сизга ёзишдан олдин анча ўйладим. Уялиб, сўрамайман дейдиган бўлсам, эртага вазият янада оғирлашишидан кўрқдим. Психологга ёзай десам, қизим соғлом. Қизим Ирода уч ярим ёшда. Адаси йўқ. Бир марта ҳам кўрмаган. Фақат иккаламиз яшаймиз. Уйга умуман эркак ё аёл киши қадам босмаган. Амакиси ёки тоғаси, амма ёки холаси ҳам йўқ. Қизалогим оғир-босиқ. Лекин охирги кунларда хаёлан телефонда адаси билан гаплашадиган, тез-тез олдимга келиб: «Ойи, адамни соғиндим-ку», деб йиғлаб оладиган одат чиқарди. Умуман кўрмаган инсони(адаси)ни соғиниши қандай ҳолат? Қанақа йўл тутай? Ҳар са-*

*фар адасини соғинганини айтиб, мени қучоқлаганида, қалбим мингга бўлиниб кетяпти. Бошқа бировга айтолмайман. Илтимос, Одинахон опа, маслаҳат беринг. Ҳурмат ила Муяссар.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бундай ҳолат болаларда бўлиб туради. У бошқа болаларни кўриб, хулоса чиқарган бўлиши мумкин. Агар отаси тирик бўлса, имкони бўлса, у билан учраштириш керак. Сиз унинг ақли қабул қилдиган, уни қониқтирадиган жавоб беринг. Бошқа нарсалар билан чалғитишга ҳаракат қилинг. Аллоҳ осон қилсин. Омин. *Валлоҳу аълам.*

## НИКОХ

### 173-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Муслмон йигит билан христиан рус қизи турмуш қурса бўладими? Қиз муслмончиликни қабул қилмоқчи, лекин йигитнинг ота-онаси рози эмас. Ота-онанинг розилигисиз турмуш қурса бўладими? Жавоб учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ислом динида муслмон эркак насроний ёки яхудий аёлни никоҳига олиши жоиздир. Аллоҳ таоло Моида сурасининг 5-оятда:

وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ  
 مِنْ قَبْلِكُمْ إِذَا آتَيْتُمُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ مُحْصِنِينَ غَيْرَ مُسَفِحِينَ وَلَا  
 مُتَّخِذِي أَخْدَانٍ

«Иффатлари сақланган мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган иффатлари сақланган аёллар ҳам, агар иффатингизни сақлаган, зинога бормаган ва ўйнаш тутмаган ҳолингизда маҳрларини берсангиз, (сизга ҳалолдир)», деган. Аммо бу ерда диққат қилиш керак бўлган масала, ўша аёл яҳудий ёки насроний динига амал қилиши, ўз муқаддас китобига эга бўлиши ҳамда афифа, яъни пок аёл бўлиши керак. Яҳудия ёки насрония деб, дуч келганга уйланиб кетилавермайди. Ҳозирда аксар яҳудия ёки насронияман, деганлар деярли динсиздир. Ота-онанинг розилигисиз никоҳ жоиз бўлаверади. Аммо ота-онани норози қилиш улкан гуноҳ ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

174-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Турмуш қурганимга 1 йил бўлди. Шу бир йил ичида 3-4 марта ота-онамникига қайтиб келдим. Қайнонам билан келиша олмаганимиз учун мени ҳайдаб юборадилар. Хўжасайиним ҳам оналарининг айтганини қиладилар. Уч ойдан бери ота-онамникидаман. Шу вақт ичида турмуш ўртоғим умуман хабар олмадилар. Ота-онам ажримни хоҳлаб, ЗАГСга ариза бердик. Динда бундай ажрим мумкинми? Илтимос, маслаҳат беринг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бунга ўхшаш оилавий масалалар икки томон ҳозирлигида ҳал қилиниши керак. Биз аввало, оилани сақлаб қолишни тавсия қиламиз. Ҳеч имкони бўлмаса, судга ариза бериб, ажрашиш ҳам мумкин. Лекин бу ҳолатда икки томоннинг ажрашишга розилиги очиқ билиниши керак. **Валлоҳу аълам.**

## 175-САВОЛ

*Ука акасининг аёли билан зино қилса, акасига ўз аёли ҳаром бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бунинг гуноҳи кабира эканлигида шубҳа йўқ. Лекин зино қилинган аёл ўз эрига ҳаром бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 176-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ! Қизим вояга етган. Қайнонам: «Акамнинг набирасига берасизлар, кейинчалик менинг ҳаммасига тилим ўтади, бирор нарса бўлса, ҳаммаси билан уришишга кучим етади», деяпти. Лекин хўжайиним ва қизим хоҳлашмаяпти. Бу ҳолатда онанинг розилиги муҳимми ёки қизнингми? Маслаҳат беринг. Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ. Истихора қилиб кўринглар. Шунга қараб ҳал қиласизлар. Борди-ю, истихора яхши чиқмаса, қайнонангизга турмуш ўртоғингиз яхшилик билан тушунтирсинлар. Албатта, турмушга чиқишда қизнинг розилиги муҳим.

Ниятни яхши қилиш керак, ҳамма билан уришишни эмас, ёшларнинг бахтини ўйлаб иш қилиш лозим. *Валлоҳу аълам.*



## 177-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳдан ишларингизга ривож тилаган ҳолда сизлардан бир масалага ойдинлик киритишда ёрдам беришингизни сўрайман. Саволим шуки, Исломда валади зино билан оила қуриш ҳақида нима дейилади? Менинг турмуш ўртоғим валади зино эканини яқинда билиб қолдим. Битта фарзандим бор. Валади зинонинг касофати оиласига, аёлига, фарзандига, ишларига, умуман, ҳаётига урмайдими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Валади зино билан турмуш курса бўлади ва бу нарса оилавий ҳаётга салбий таъсир кўрсатмайди, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## 178-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Муслима аёл бошқа дин вакилига исломий урф-одатларга амал қилган ҳолда турмушга чиқса бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Муслима аёл мусулмон кишидан бошқасига турмушга чиқмайди, бу жоиз эмас. *Валлоҳу аълам.*

## 179-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Одинахон опа, илтимос, маслаҳат берсангиз. Мени холамнинг ўғлига турмушга беришмоқчи, лекин холам ойимнинг эгизак синглиси бўлади. Қаердадир «Агар қиз билан йигит ака-сингилдек катта бўлма-*

ган бўлса, турмуш қуришлари мумкин», деб ўқигандим. Лекин бу наслга таъсир қилмайдими? Холам: «Ген бўйича қон топшириб кўришсин», деяптилар. Қондан билиш мумкинми? Аллоҳ рози бўлсин сиздан, Устоз Одинахон. Олдиндан раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Шаръий жиҳатдан никоҳ жоиз, сиз айтган гаплар шарриятда йўқ. Бироқ бундай қариндош оилаларнинг туташиши ҳар доим бўлмаса-да, баъзан фарзандларнинг нуқсон билан туғилишига сабаб бўлгани тажрибада кўрилган. *Валлоҳу аълам.*

### 180-САВОЛ

*Ассалому алайкум!*

*Одинахон опа, соғлиқларингиз яхшими? Менинг савол беришимдан мақсадим шуки, холам мени етти кун эмизган экан. Ҳозирда холам ўғлига менинг қизимни сўраяпти, лекин мен бундан қайтарилганини биламан. Холам ҳам билади, биз холам билан шаҳримиздаги имомга бориб, сўрадик, имом ҳам «Мумкин эмас», деб айтди. Лекин ўғли қизимни яхши кўриб қолибди, «Мен бошқасига уйланмайман», деб туриб олган. Қизим 19 га кирди, йигит 21 ёшда. Сиз қандай маслаҳат берасиз, бирор йўли бормикан? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

Бу никоҳ мутлақо жоиз эмас. Ҳеч қандай йўл йўқ. Чунки у йигит қизингизга эмизикли тоғадир. *Валлоҳу аълам.*

## 181-САВОЛ

Ассалому алайкум, *Одина она!* Аллоҳ Ҳазрати-мизни раҳматига олган бўлсин. Сизнинг илмингизни зиёда қилсин. Сизга муҳим бир саволим бор эди. Вақтингизни олаётганим учун узр. Маслаҳатингизга муҳтожман. Биз бир йил олдин шаръий никоҳдан ўтдик. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳни таниган, ибодатдаги одамга ўзимни бағишладим. Лекин бундан иккаламизнинг оиламиз беҳабар. Хўжайиним ибодатдаги одамлар. Менга ҳам Исломи динидан анча нарса ўргатдилар. Аввало Аллоҳ кўнглимизга солгани учун ва хўжайинимнинг тушунтиришлари натижасида ҳижобга кирдим. Хўжайиним ишларидаги ноҳушлик сабаб ҳозир чет элдалар. Айни дамда уйимиздан совчилар аримаяпти. Уйимиздагиларнинг ҳеч нимадан хабарлари йўқ. Яқинда катта опамга никоҳимиз ҳақида айтдим. Аммо яқинлигимиз ҳақида айтолмадим. Катта опам истихора ўқишим кераклигини, яхши жойлардан совчилар келаётганини айтдилар. Уларга ҳаммасини айтолмайман. Хўжайинимга бу ҳақда айтганимда озгина сабр қилишимни, яқинда Тошкентга келишларини ва совчи юборишларини айтяптилар. Уларга бутунлай ишонаман. Аллоҳнинг олдида юзимиз ёруғ, шаръий никоҳимиз борлиги учун ҳам хўжайиним хотиржамлар. Онам 6 ой олдин вафот этдилар. Отамга ҳозир қийин. Уларни хафа қилишни хоҳламайман. Аммо хўжайинимни жуда ҳам яхши кўраман. Улар ҳам менга «Аллоҳ йўлида яхши кўраман», деб кўп айтадилар. Маслаҳатингизга муҳтожман. Ота-онамга айтмай, никоҳдан ўтганимиз нотўғри эканлигини биламан. Ўша пайтда хўжайини-

*ним совчи юборган эдилар, лекин ота-онам: «Ҳали қизимиз ёш», деб узатишмаган эди. Энди эса нима қилишга ҳайронман. Дуо қилинг, мушкулумиз осон бўлсин. Маслаҳатингизни аяманг, илтимос. Катта опамнинг гапига кириб, истихора ўқишим керакми? Ахир Аллоҳнинг олдида никоҳимиз бор-ку!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Никоҳ махфий бўлмаслигини, никоҳни ҳаммага ошкор қилиш кераклигини билмайсизларми? Шариатга амал қилмаганинглар учун мана шу ҳолатга тушиб турибсизлар. Аллоҳ учун яхши кўриш бундай бўлмайди. Бу эркакнинг иши ҳам эмас. Агар даъво қилганидек бўлганида, нима қилиб бўлса ҳам ота-онангизнинг розилигини олган бўлар эди. Сизлар жуда катта хато қилгансизлар. Диндан ўзингизга керак бўлган нуқтани олиб, қолганига амал қилмагансизлар. Қилган ишинглар динимизга ҳам, урфимизга ҳам тўғри келмайди. Сиз ҳиссиётларга берилмай, ақл билан қарор қабул қилинг. Ишонган одамингиз сизни гуноҳга ботириб, ота-онангизнинг розилигисиз ўзига никоҳлаб олиб, сизни шундай аҳволга солди. Келажак ҳаётда у сабабли яна қандай кунларни кўрасиз – шу ҳақда ҳам бир яхшилаб ўйлаб кўринг. Барибир ўшани дейман, десангиз, ўқитган никоҳингизни зудлик билан қариндош-уруғларга эълон қилинглар. **Валлоху аълам.**

## 182-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Сизга саволим қуйидагича: бир қариндошимнинг эрлари вафот этган ва улар икки қиз фарзанд билан қолдилар. Тақдир тақозоси билан бошқа турмушга чиқдилар. Қизлари вояга етиб, турмушга бердилар. Никоҳ ўқиш жараёнида домла вафот этган эрларини эмас, боқиб ўстирган отанинг исми билан никоҳ ўқиди. Домла икки ёшдан калима ҳам сўрамаган. Шу тарзда никоҳ ўқиса ҳам бўладими? Ўз отасининг исми айтилиши шарт эмасми? Жавобингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аслида никоҳ ақди пайтида ўз отасининг исми айтилади. Аммо ҳозир бўлганларга ўз отаси маълум бўлса, ўгай отасининг исми айтилса ҳам, никоҳ дуруст бўлаверади. Шу билан бирга, калима айтиш ҳам шарт эмас. Бироқ ҳозирги ёшларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, домлалар уларга таълим ҳамда таъкид учун калимаи шаҳодатни айттириб қўйишлари бор. *Валлоҳу аълам.*

## 183-САВОЛ

*Ассалому алайкум!*

*Сизга саволим қуйидагича: оила қураётган йигит ва қиз шаръий никоҳ ўқилмасдан олдин учрашиб, гаплашиб туриши дурустми? Агар дуруст бўлмаса, никоҳни тўйдан 1 ёки 2 ой олдин ўқитса бўладими? Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Муслима ва мусулмон ёшларнинг беникоҳ учрашиши дуруст эмас. Шариятда факат-

гина бир марта, маълум муддатда кўришишга рухсат берилган. Бу ҳам ҳамроҳлар борлигида. Тўйдан 1-2 ой олдин никоҳ ўқитса бўлади. **Валлоху аълам.**

#### 184-САВОЛ

*Ҳозирги кунда йигитлар қиз билан учрашиб бошлаганиданоқ унга хўжайин бўлади, яъни қиз қаерга боришни ва нима қилишни йигитидан сўраши шарт. Шу тўғрими? Ҳали никоҳ ўқилмай туриб, йигит унаштирилган қизига масъулми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Никоҳ ўқилгунча йигит бу ҳуқуққа эга бўлмайти. **Валлоху аълам.**

#### 185-САВОЛ

*Ҳурматли Одинахон! Бир танишим узоқ йиллар хотини билан бирга яшаб, орада хотинини талоқ қилиб кўйганини ва бунга ҳам бир неча йил бўлганини айтди. Мен уларни диний идорага олиб бордим, фатво бўлимидагилар уларни яхши эшитиб кўриб, қайта никоҳ ўқишди. Саволим шундай: Қайта никоҳ ўқилишига қадар тугилган фарзандини келин қилсам бўладими? Мен ва ўғлим томонидан бирор-бир ваъда берилмаганини ва биздан бошқа номзодлар ҳам борлигини сизга маълум қиламан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бундай масалалар эр-хотин ҳозирлигида ечилади. Бир томоннинг гапи ёки бошқа бир шахсларнинг гапи билан эмас. Уларга диний идора фатво чиқариб берган бўлса, бу ишнинг ҳукмини ҳам ўша диний идора айтиши керак, чунки ушбу масала ўша фатвога боғлиқ. Шун-

дан кейин сиз ҳам хотиржам бир қарорга келасиз. Борди-ю ўша келин никоҳсиз туғилган бўлса-да, уни келин қилиш жоиз. Яна ихтиёр ўзингизда. *Валлоҳу аълам.*

### 186-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ кунимизни хайрли қилсин. Минг хижолат билан бир савол йўлламоқдаман. Гап шундаки, мен бир йигит билан танишиб қолдим. Илк суҳбатимизданоқ мен унинг тақводор эканлигини билиб, хурсанд бўлдим. Ҳар доим суҳбатларимизда ўзининг хулқи билан мени ҳайрон қолдирарди. Биз у билан ижтимоий тармоқлардан бирида суҳбатлашамиз. Бу нотўғри эмасми? Никоҳсиз йигит ва қизнинг суҳбатларига динимизда муносабат қандай? У йигит менга намозни қанда қилмай ўқишни, Аллоҳни доим эслашни ўргатарди. Ҳар гал суҳбатимиз давомида унга бўлган ҳурматим ҳам ортиб борди. Унга оила қуриш таклифини айтишим мумкинми? Умуман, қиз бола йигит кишига оила қуриш таклифини билдириши жоизми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Номаҳрам йигит ва қизнинг суҳбатлашиши тўғри эмас, тақводан ҳам эмас. Лекин турмуш таклифи қиз тарафдан чиқиши жоиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кўпгина аёллар ўз нафсларини ҳадя этганлар. Умму Шарийк, Хавла бинт Ҳаким, Лайло бинт Хатим розияллоҳу анҳолар шулар жумласидандир. Лекин Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг биронтасига уйланмаганлар. Шу билан бирга, бу ишни нотўғри санамаганлар ҳам. Лекин бу таклиф қиз боланинг ўзидан бевосита бўлмагани маъ-

кул. Қизнинг оила бошларидан бўлиши шарафлироқдир, албатта. Хадижа онамиз Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга совчи қўйганлар ва турмуш қуришга рағбатларини билдирганлар. Аммо бу бошқа кишилар воситасида амалга оширилган. Шунингдек, Маймуна онамиз ҳам. Исломиий оила қуриб, ҳалол, пок муносабатда бўлиш истаги айб эмас. Аммо бунга етишгунча ҳар ишни ўз эгаси амалга ошириши лозим. **Валлоҳу аълам.**

### 187-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Муслмон йигит ва қиз қанча муддат фотиҳаланишлари мумкин (унаштирув ва никоҳ ораси)? Динимизда ушбу муддат белгиланганми? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариатимизда бу борада маълум бир муддат тайин қилинмаган. Лекин уламоларнинг тавсиясига кўра хайрли ишни тезлаштириш керак. **Валлоҳу аълам.**



## ТАЛОҚ

## 188-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Анча олдин ҳам шу мавзудаги саволни сўрагандим, жавоб бўлмагани учун яна ёзяман. Узр сўрайман. Эр аёлига «Сендан кечдим», деса ҳам талоқ тушадими ёки «талоқ» сўзи ишлатилмаганлиги учун тушмайди? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу саволга жавоб берганмиз, топа олмагандирсиз. Ўша гапни қай ҳолатда ва нима мақсадда айтганига боғлиқ. Жанжал устида ва талоқ музокараси бўлиб турганда айтилса, талоқ тушади. Оддий ҳолатда айтилса, нима ниятда айтгани сўралади. Талоқни ният қилиб айтган бўлса, талоқ тушади. Ният қилмаган бўлса, тушмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 189-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Эрим охирги йилларда жуда кўп ичадиган бўлиб қолган. Охир-оқибат, сабр-тоқатим тугаб, ажрашишга аҳд қилдим. Лекин эрим умуман ажрашишни хоҳламайди, ота-онасининг олдиди: «Энди ичсам, бошинг очик», деди. 5 ой ичмадида, кеча яна озгина ичиб келди. Энди нима қиламан? Ўртада беғуноҳ фарзандим бор. Илтимос, маслаҳат беринг. Маслаҳатингиз учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Бошинг очик», деганда нимани қасд қилган бўлса, ўша бўлади. Талоқни ирода қилган бўлса, талоқ тушади. Бундай ибора билан талоқ қасд қи-

линса, бир талоқ тушади. Аммо Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига мурожаат қилиб, масалага ойдинлик киритиб олишингизни тавсия қиламан. *Валлоҳу аълам.*

### 190-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа. Сизга Рамазон муборак бўлсин! Синглим турмушга чиқиб, бир йилдан сўнг ажрашди, битта фарзанди бор. Куёви уни ҳам, боласини ҳам моддий жиҳатдан таъминламаган. Синглим ҳар ой онамдан пул олиб ишлатарди. Куёв синглимнинг жавобини бермаган. 3 ойдан бери уйимизда яшайпти. Бир оз руҳий ва маънавий эзилган, ярашишни хоҳламайди. Уни никоҳига олмоқчи бўлган киши бор. Қандай маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аввало куёвни чақириб, масалага ойдинлик киритиш керак. Ундан жавоб олгач, идда ўтиради. Кейин турмуш қилиши мумкин. Аммо эр ажрашишни қасд қилиб, 4 ой гаплашмай юрса, ийло бўлади, яъни талоқ тушади. Шундай ҳолат юз берган бўлса, ишга ойдинлик киритиб, кейинчалик турли даъво ва кўнгилсизликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун одамларга ажрашувни билдириб қўйиш керак. Ана ундан кейин бошқа турмуш куриш мумкин бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 191-САВОЛ

*Уч талоқ бир талоқ ҳисобланадими ёки учтага ўтадими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ушбу саволга жавоб ўрнида «Кифоя»дан иқтибос келтирамиз:

«Жумҳури уламолар, жумладан, тўрт мазҳаб фуқаҳолари ҳам «Бир лафз билан айтилган «уч талоқ» уч талоқ ҳисобланади. Бундай ҳолда эр-хотин ажрашади, қайта ярашиш имконига эга бўлмайдилар», дейишган.

Баъзи саҳоба ва тобеъинлар, шунингдек, ҳанбалий мазҳабининг баъзи уламолари: «Бир лафз билан қилинган «уч талоқ»да бир талоқ тушади», деганлар.

Далил ва ҳужжатларни солиштириб, суриштирган уламоларнинг кўплари жумҳур ва тўрт мазҳабнинг қавли кучли эканига ишонч ҳосил қилганлар.

Жумҳур, жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари бир лафз билан айтилган уч талоқда учта тушишига кўплаб далиллар келтирганлар. Уларни мисол тариқасида қисқача баён қиламиз.

1. Куръони Каримда талоқ ҳақида келган оятларда бир лафз билан айтилган уч талоқда учта тушишига ишора бор.

2. Уваймир Ажалоний хотини билан мулоъана қилганидан кейин уч талоқ кўйган ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бу ишини инкор қилмаганлар.

عَنْ رُكَّانَةَ بِنِ عَبْدِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي طَلَّقْتُ امْرَأَتِي الْبَتَّةَ. فَقَالَ: «مَا أَرَدْتَ بِهَا؟» قُلْتُ: وَاحِدَةً قَالَ: «وَاللَّهِ؟» قُلْتُ: وَاللَّهِ، قَالَ: «فَهُوَ مَا أَرَدْتَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالشَّافِعِيُّ وَالْحَاكِمُ.

*Рукона ибн Абду Язид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб:

**«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ўз хотинимни узил-кесил талоқ қилдим», дедим.**

**«У билан нимани ирода қилдинг?» дедилар у зот.**

**«Бир талоқни», дедим.**

**«Аллоҳга қасамми?» дедилар.**

**«Аллоҳга қасам», дедим.**

**«Ундай бўлса, ирода қилганингдек», дедилар».**

*Абу Довуд, Термизий, Шофеъий ва Ҳоким ривоят қилган.*

Биз «узил-кесил» деб таржима қилган ибора арабча матнда «албатта кесилган» лафзи билан ифода қилинган. Бу талоққа қўшимча сифат зиёда қилиб зикр этишдир. Бу ҳолда, ривоятда кўрганимиздек, талоқ қилувчининг ниятига боғлиқ бўлар экан. Агар Рукона ибн Абду Язид розияллоху анху «Уч талоқни ният қилган эдим», десалар ҳам гаплари қабул қилинади.

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Рукона розияллоху анхудан қайта-қайта қасам ичириб сўрадилар. Агар бир лафз билан айтилган уч талоқда битта тушадиган бўлганида, бундай қилмас эдилар.

1. Мусулмон уммати бир лафз билан айтилган уч талоқ учта тушишига қадимдан ижмоъ қилиб келган.

2. Катта саҳобалардан кўплари ўзларига шу масалада савол тушганда уч талоқ тушиши ҳақида фатво берганлар.

3. Қиёс қилинадиган бўлса, талоқ ҳам мулк ҳисобланади ва унинг эгаси хоҳлаганича тасарруф қилади.

Шундай бўлса ҳам, кейинги пайтларда бу масалада заиф қавлга амал қилишга ўтган томонлар бор. **Валлоху аълам.**

## 192-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Хотиним билан жанжаллашиб, газабдан уч марта талоқ қилиб қўйдим. Эртаси куни ўзимга келиб, афсусландим. Ҳеч қачон бундай қилмас эдим. Ёмон газабланган эканман. Вазиятни қандай тўғриласам бўлади? Ёки қучли газаб асносида айтилган талоқ ҳисобга ўтмайдими? Ният талоқ бериш эмас эди, оилани мустаҳкамлаш! Аввалдан сизга раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шу даражага етиб келмаслик керак эди, яхши иш бўлмабди. Энди Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига борасизлар. *Валлоҳу аълам.*

## 193-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эрим билан 10 йилдан буён яшаймиз. Улар яхши инсонлар, лекин ҳамма инсонлар каби камчиликлари ҳам йўқ эмас. Йиллар давомида мени битта савол қийнайди. Саккиз йил олдин улар жаҳл устида «Талоқсан», дедилар. Ундан кейин ҳам бир келишмовчилик сабаб «Уч талоқсан», деганлар. Сабаби шуки, қайнонам келганларида кутиб олиб, сўнг овқатга уриниб кетганман. Шунинг учун катта жанжал қилишган. Кейин яна ҳеч нима бўлмагандек, гаплашиб, яшаб кетаверадилар. Қачон уруш чиқса, «Ажрашаман, кетаман», деб қўрқитадилар. «Домлага бориб, никоҳ ўқитайлик», деб айтсам, бефарқ бўладилар. «Сен дўзахи аёлсан, эрингинг юрагини сиқасан», дейдилар. Яна масала ҳал бўлмай қолаверади. Нима қилай, маслаҳат беринг. Охиратда зинокорлар қаторида бўлиб қолишдан қўрқаман. Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахи роҳмани роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Тезда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг фатволар бўлимига учранглар. *Валлоҳу аълам.*

## 194-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли устоз! Менинг саволим шуки, кунлардан бир кунни ота-онам ўртасида озгина келишмовчилик чиқди. Хуллас, бир одамда отамнинг 20 миллиондан ортиқ ҳақлари (пуллари) бор эди, ўша пулни отам кечиб юборган эдилар. Онам эса «Шу пулни олинг», деб кўп айтдилар, ўша кунни яна айтган эдилар, отам жаҳл устида: «Бўлди, қайтиб у пулни гапирма, яна шу гапни айтсанг, сенга охирги сўзимни, жавобимни айтаман», дедилар. Шу айтган гаплари талоққа кирмайдими? Бу саволни беришимнинг сабаби шуки, бир масжид имомидан эшитгандим. У: «Талоқ қилиш учун «талоқ қилдим» деган гапни айтиш шарт эмас, дилидан ёки хотинни огоҳлантириб, «Яна шунақа иш қилсанг ёки жаҳлимни чиқарсанг, талоқ қиламан», деса ҳам талоқ тушади», деган эди. Жавоб учун раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахи роҳмани роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ундай эмас, талоқ тушмайди. Аввало, бу гапдан нимани қасд қилганига қаралади. Қолаверса, бирор шартга боғлаган бўлса, ўша нарса бўлмай туриб, талоқ тушмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 195-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одина опаҷсон, берган жавобингиз учун ташаккур! Аллоҳ рози бўлсин! Агар ажрашган эр яна яшаш ниятида келса, никоҳ ўқитиб яшаш мумкинми ёки бу хотин эрига абадий ҳаром бўладими?*

*(«Қайнота келинини шаҳват билан ўпса, келин эрига ҳаром бўладими?» деган саволимга «Ҳаром бўлади», деб жавоб бергандингиз. «Сиз янгидан ҳаёт бошланг», деганингизда бошқа турмуш қуриб яшашни тушундим. Лекин эр ялиниб келса, бу эр билан яшолмайди, шундайми? «Шариат буюргандек ҳаёт кечирини тўғри бўлади», деганингизда шуни тушундим). Қалбим таскин топиши учун шу ҳақда яна сўрадим, маъзур тутасиз!*

*Жавобингиз учун ташаккур! Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қайнота келинини шаҳват билан ўпгани сабабли келинга эри абадий ҳаром бўлади, у билан қайта никоҳланиб бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 196-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Агар аёлга эри «Шу ишни қилсанг, сендан норозиман», деса, кейин аёл шу ишни қилса, ўртага талоқ тушадими? Гуноҳнинг кечирилиши учун нима қилиш керак? Каффорат бериладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Эр аёлга: «Фалон ишни қилсанг, сендан норозиман», деган бўлса-ю, аёл ўша ишни қилиб қўйса, талоқ тушмайди. Энди бунинг каффора-

ти эрнинг розилигини олишдир. Эр нимага рози бўлиб, ўша қилмиши учун аёлини кечирса, гуноҳ кечирилади, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## МАҲРАМ

### 197-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аёл овсинига бепуштлиги сабабли «савоб» деб бола туғиб берса, бу дин нуқтаи назаридан боланинг ҳуқуқини поймол қилиб қўймайдими? Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бола кимнинг қарамоғига ўтса, ўша томоннинг ҳуқуқларини адо этиши керак. Қарамоғига олган одам унинг ҳуқуқларини адо этса бўлди, у поймол бўлмайди. Мазкур ҳолатда бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. Овсин овсинга бола берса ва бу бола ўғил бўлса, балоғатга етганида боққан овсин учун у номаҳрам бўлади. Шунини ҳам эътиборга олиб қўйинглар. Яна эътибор бериш керак бўлган асосий нарса шуки, боққан овсин «Бола меники», деб даъво қила олмайди. *Валлоҳу аълам.*



## АВРАТ

### 198-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Илтимос, мени ўйлантирадиган бир саволга жавоб берсангиз. Ҳаж амалларини бажариш учун борган муслималар ҳижобга ўранган, яъни авратлари беркитилган ҳолда бўладилар. Лекин эркаклар ярим ялангоч, оқ сурпга ўраниб олишади ва белларидан тепаси – елкалари, кўкраклари қорнигача очиқ туради. Саволим: Эркакларда чегараланган аврат қисми борми? Номаҳрам эркакларнинг очиқ баданига муслима аёлларнинг кўзи тушиши ёки ўша ярим ялангоч номаҳрам эркаклар билан бир гуруҳ бўлиб ҳаж амалларини бажариши ҳақида шариатда аниқ ҳужжатлар келтирилганми? Яъни аёлларнинг ўзлари авратини ёпса, шунинг ўзи етарли бўладими? Номаҳрам эркаклар муслима аёллар орасида баданларини киндикларигача кўрсатиб юришлари жоизми? Саволим қўпол бўлса, узр сўрайман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳга шукрлар бўлсин, ҳозирда шариатимизни ўрганиш учун китоблар, сайт маълумотлари анча кўпайиб қолди. Ҳажга оид китобларни, мақолаларни ўқиб борганингизда, ушбу саволларингизга жавоб топган бўлардингиз. Албатта, бутун олам ҳеч бир ҳужжатсиз, далилсиз ҳаж амалини бажариш учун бундай ҳолатда бўлиб олмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди шундай қилиб эҳром боғлаганлар. Эркакларнинг киндикларидан тиззаларигача аврат ҳисобланади. Яъни улар мазкур жойларини (тизза ҳам авратга киради) эркакларга ҳам, аёлларга ҳам кўрсатмасликлари керак. Бошқа жойлари аврат эмас. Мусли-

ма аёлнинг муслима аёлга нисбатан аврати ҳам шундай. Энди сизга ғаройиб туюлган ҳаждаги эркакларнинг эҳром либоси, яъни икки бўлак мато уларнинг авратларини беркитади, албатта. Эҳромда бундай ҳолатда бўлиш жуда катта ҳикмат ва маънога эга. Ҳаж ибодатини ният қилган одам дунё матоҳларидан тамоман холи бўлган ҳолатда икки дона матога ўранади, худди кафанлик каби. Бунда тарки дунё қилиш ва хокисор ҳолда Аллоҳга юзланиш бор. Аммо аёлларнинг юз-қўлларидан бошқа ҳамма аъзолари аврат эканлиги сабабли уларга кийим кийишга рухсат берилган. Лекин улар номаҳрам эркакларга кўз тикишдан қайтарилган. Эркак ва аёлларнинг ҳаж ибодатида бундай кўринишда бўлишларининг ўзига яраша ҳикматлари бор. ***Валлоҳу аълам.***

199-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Одина она, узр, яна сизни безовта қилияман. Қадрли вақтингизни олганим учун узр. Сиздан бир маслаҳат керак, қишлоқ шароитида газ ва свет йўқ, чўмилиш ва тозаланиш учун ойда бир марта хонадонда очилган умумий ҳаммомга борар эдик. Бир одам: «Аёл киши умумий ҳаммомга бориши мумкин эмас», деди. Шу масалага ойдинлик киритиб берсангиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ҳанафий мазҳабида аёлларнинг умумий ҳаммомга боришлари макруҳ дейилган. Аммо сиз айтган шароитда борса бўлади. Лекин шарият талабларига мувофиқ, номаҳрамларнинг эътиборидан, назаридан узоқда, ҳаммом одобларига риоя қилган ҳолда бўлиши керак. Эслатиб қўяман, аёл кишининг киндигидан тиззасигача бўлган

жойлари аёл кишига нисбатан аврат ҳисобланади, ушбу ерларини аёлларга кўрсатиш ҳаромдир. Қанча сатрли бўлинса, шунча яхши. *Валлоҳу аълам.*

200-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Таъзиямни қабул этинг. Саволим: уйда Қуръон ўқиш пайтида уй кийимида, яъни энги тирсакдан келадиган кўйлақда, рўмол билан ўқиса бўладими? Жойнамоз устида бўлмаганлиги учун намоз кийимида ўқимайман. Бу мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Қуръон тиловати ҳам ибодат. Авратни тўла беркитиб ўқиган афзал. Лекин сиз айтган ҳолатда ҳам дуруст. *Валлоҳу аълам.*

201-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қуръондан дарс қилаётган вақтда рўмолни орқадан ўраш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Номаҳрам эркак олдида бўлмаса, мумкин. *Валлоҳу аълам.*

БИДЪАТЛАР

202-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Устоз! Ўтган йили уйимизга булғор қалампири деб экканимиз аччиқ қалампир экан. Бузамлар: «Энди яна 7 йил экишинг керак», деяптилар. Бу бидъат эмасми? Ахир ҳар иш Аллоҳдан-ку! Нима қилай? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Албатта, бу бидъат. *Валлоҳу аълам.*

## 203-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одина опа! Сизга бир саволим бор эди: Арафа куни чўзма пишириб, ис чиқариш динимизда борми? Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бундай нарса динимизда йўқ. Аммо арафа куни ўзаро байрам кайфияти улашиш, муслмонларнинг бир-бирларидан хабар олишлари савобли иш. Махсус кунларда махсус таом пишириш ҳақида ҳеч гап айтилмаган, лекин умуман, Ислому динида хайру саховатга тарғиб қилинади, таомлар, ширинликлар билан яқинларни, қўни-қўшниларни йўқлаш яхши амал ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

## 204-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Яна сизни безовта қилдим, узр. Онахонларимиз орасида бир гап эшитдим. Инсон ўлгандан кейин қабрга киргач, маййитнинг танаси ишиб, 52-кунни ёрилар экан ва ўша вақтда маййит қийналар экан. Шу кунни ўликнинг яқинлари ибодатда бўлиб, эҳсон қилишлари керак экан. Шу гап қанчалик ҳақиқат? Шу ишларни қилиш жоизми ёки жоиз эмасми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу гап бошқа хурофий динлардаги эътиқод. Ислому бегона. *Валлоҳу аълам.*

## 205-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Авлиё чирози тўғрисида маълумот берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариатда бу нарсa жоиз эмас. Бу – бошқа эътиқоддагилардан кирган одат. *Валлоҳу аълам.*

## 206-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Тошкент шаҳриданман.*

*Бир неча ой олдин қариндошларнинг зиёрати баҳонасида вилоятга боргандим. Шунда келинойим тунда таҳажжуд намозидан ташқари икки рақъат қабр ҳаққи намозини ўқишларини айтиб қолдилар. Мен уларга: «Тунги таҳажжуд намозини ўқиб, яна Мулк сурасини қироат қилишимиз қабрга борганда етарли эмасми?» дедим. Улар қабрга ҳам бирор нима олиб борилишини айтдилар. Ишироқ намози, зуҳо намози, аввобийн, тавба, истихора, тасбеҳ намози, ҳожат намози, шукри вузуъ, тунги таҳажжуд намози каби намозларни биламан, лекин қабр ҳаққи намозини ҳеч эшитмаган ва бирор китобда ўқимаган эканман. Қабр ҳаққи намози бидъат эмасми? Бу намоз ҳақида динимизда бирор маълумот борми? Ва қандай фойдали жиҳатлари бор?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бундай намоз йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## 207-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон она! Тўкилган ёки тараганда тароқда қолган сочларни ҳар доим чиқиндига ташлаш одатий ҳол бўлиб қолди. Онам тандирда ёқадилар. Ўртогим ерга кўмади. Ҳатто чой шамасининг ҳам қаерга тўкилиши аҳамиятли бўлгани учун, сочнинг ҳам қаерга ташланишининг аҳамияти бормикан, деб ўйлаб қолдим. Тўкилган (кесилган, тароқда қолган) сочларни нима қилиш керак? Чиқинди қутисига ташлаш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

عَنْ عَبْدِ الْجَبَّارِ بْنِ وَاثِلٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ: «كَانَ يَأْمُرُ  
بِدْفَنِ الشَّعْرِ وَالْأَظْفَارِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

*Абдулжаббор ибн Воил отасидан ривоят қилади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам соч ва тирноқларни кўмишга буюрар эдилар».**

*Табароний «Кабир»да ривоят қилган.*

Лекин чойнинг шамасини нима қилиш кераклиги ҳақида шариатда ҳеч қандай гап йўқ. Бу ҳақда одамлар орасида айтиладиган гапларни шунчаки озодалик чоратдбирларига йўйиш керак. **Валлоҳу аълам.**

## 208-САВОЛ

Динимизда ёш болаларга кинна солдириш мумкинми? «Кўз тегибди, ихланиб кетибди» деган сўзларни кўп эшитамиз. Танглай кўтариш-чи? У қанчалик тўғри?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Динимизда кинна солиш йўқ, лекин дам солиш бор.

وَقَالَتْ أَسْمَاءُ بِنْتُ عُمَيْسٍ رضي الله عنها: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ وَكْدَ جَعْفَرَ تُسْرِعُ إِلَيْهِمُ الْعَيْنُ أَفَأَسْتَرْقِي لَهُمْ؟ فَقَالَ: نَعَمْ، فَإِنَّهُ لَوْ كَانَ شَيْءٌ سَابِقَ الْقَدْرِ لَسَبَقْتَهُ الْعَيْنُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Асмо бинт Умайс розияллоҳу анҳо:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Жаъфарнинг болаларига бирпасда кўз тегиб қолаверади. Уларга дам солдириб юборайми?» деди. У зот:

«Ҳа, агар бирор нарса қадардан ўтувчи бўлса, кўз тегиши ўтар эди», дедилар».

Танглай кўтариш – суннат амал. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш болаларнинг танглайини хурмо билан кўтарганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رضي الله عنها: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم رَأَى فِي بَيْتِ الزُّبَيْرِ مَضْبَاحًا فَقَالَ: «يَا عَائِشَةُ، مَا أَرَى أَسْمَاءَ إِلَّا قَدْ نَفَسَتْ، فَلَا تُسَمِّوهُ حَتَّى أُسْمِيَهُ»، فَسَمَّاهُ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم عَبْدَ اللَّهِ، وَحَنَّكَهُ بِتَمْرَةٍ بِيَدِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Зубайрнинг уйида чироқ кўрдилар ва:**

**«Эй Оиша! Асмо нифос кўрганга ўхшайди. Унга исм қўймай туринглар. Мен ўзим исм қўяман», дедилар.**

**Сўнг у зот унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар ва қўллари билан хурмода танглайини кўтардилар».**

*Термизий ривоят қилган. Валлоху аълам.*

### 209-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одинахон, инсон ўлгандан кейин кўмиш учун ҳар ерда ҳар хил чиқимлар бўлар экан. Шариат нуқтаи назаридан нималарни тайёрлаб қўйиш керак ва кимларга нима тарқатиш керак? Шуларнинг рўйхатини беришнинг иложи борми? Бизда ювганга бош-оёқ сарпо, гўрковга бояги ишлатилган янги челақ, тоғора, пул ва келган меҳмонларга латта ва ҳоказо берилади. Биз шариат нима деган бўлса, шуни қилишимиз керак. Агар тарқатиладиган мато жоиз бўлса, маҳалладош ва қариндошларга мато ўрнига нималарни тарқатиш мумкин?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Шариатда ўлик кўмган киши кимларгадир нималардир тарқатади, деган гап йўқ. Аммо ўликни ювиш, кафанлаш ва дафн қилиш учун кетадиган барча харажатлар аввало маййитнинг меросидан, бўлмаса, маййитнинг эгалари ёки бошқа мусулмонларнинг молидан таъминланади. Кафанлик учун 5-10 метр покиза мато бўлса, бас. Ювиш учун алоҳида идиш ҳозирлаш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида, бўлмаса, ҳар қандай пок сувидишни ишлатиш мумкин. Ювувчи, жанозани ўқиб берган имом, гўрков ва бошқа хиз-



матчиларга урфга қараб хизмат ҳақи берилади. Бунда маълум бир қиймат белгиланмаган, уларнинг розилиги аҳамиятли. Булардан бошқа ишлар – келган-кетганларга ош-нон бериш, мато тарқатиш шариат талаб қилган ишлар эмас. Агар бундай ишларга диний мажбурият деб қаралса, у бидъат бўлади. Аммо маййитга савоб етказиш учун кўнгилдан чиқариб бирор нима эҳсон қилса, бу – ўзининг иши, савобли амал. Лекин бунда меросхўрларнинг ичида балоғатга етмаган болалар бўлса, уларнинг молидан ишлатиш ҳаромдир. *Валлоҳу аълам.*

**210-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, опа! Менинг ўғилчамнинг бошига йўл тушган. Баъзилар «Йўл тушса, кўзини ҳам гилай қилиб кўйиши мумкин», дейишяпти. Унинг ирими – қатламани бошидан айлантирса, яхши бўлар эмиш. Шариатда шундай қилиш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Шариатда бундай гап йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## ОХИРАТ

## 211-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Одина опа, менинг бир танишим бир неча йил олдин катта гуноҳ иш қилиб қўйган экан. Ҳозир афсусда. Бир танишининг ҳаққига хиёнат қилиб, пулини олган экан. Лекин у одам ким олганини ҳам, умуман, биров пулини олганини ҳам билмайди. Ҳозир шу танишим ўша пулни ортиғи билан қайтармоқчи, лекин ўзига айтишга журъат қила олмаяпти. Шунинг учун: «Ана шу пулни конвертга солиб, ичига узр сўраб, розилик сўраб хат ёзсам, бировдан бериб юборсам ёки билдирмасдан, кийимига ёхуд бирор буюмининг орасига солиб қўйсам бўладими? Шунақа қилсам, бировнинг ҳаққидан қутуламанми?» деб сўради. Бу борада сизнинг маслаҳатингизга муҳтожмиз. Аллоҳ сиздан, оила аъзоларингиздан рози бўлсин! Омин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Орага восита қўйиб бўлса ҳам, эгасига билдиргани яхши, розилиги керак. *Валлоҳу аълам.*

## 212-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен 48 ёшдаман, аёлим 47 да, турмушимизга 25 йил бўлди. 3 та фарзандимиз бор.*

*Гап шундаки, аёлим ибодат, намоз, Қуръон ўқиш каби гапларни қабул қилмайди. Унга тушунтиришларим, китоб ва мақолалардан ўқиб беришларим таъсир қилмайди. Ҳатто энг яқини – онасининг ўли-*

ми ҳам ибодат қилишига сабаб бўлмади. Бундан 10 йилларча бурун намоз ўқиганди, кейин ташлаб қўйди. Сабаби тушунарсиз. Бомдодга тура олмасмиш, қолганларини кейинга қолдирганмиш.

Қисқаси, шунча ҳаракатларимдан кейин ҳам охи-ратда аёлимнинг бундай амаллари учун жавоб бераманми? Албатта, ҳидоят Яратганнинг Ўзидан, аммо, илтимос, унга буларни тушунтиришда ёрдам ва маслаҳат беринг.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аёлингизнинг шундай ҳолати-га сиз бепарво бўлганингизда, уни ибодатга чорлама-ганингизда, жавобгар бўлардингиз. Аммо сиз ҳаракат қилгансиз.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ  
وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ  
وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аё-лингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган олов-дан сақланг» (Таҳрим сураси, 6-оят).

Уламолар ушбу ояти каримадан «Ҳаётда оловдан қандай сақлашга уринган бўлсангиз, шу даражада сақлашга ҳаракат қилинг» деган маънони олганлар.

Аллоҳ таоло Одил Зот, Ўзи кўриб, билиб турибди. Аллоҳдан ҳидоят сўрайверинг. Ўзига осон. Ўзи ҳидоятга чорласин! Омин. *Валлоҳу аълам.*

## 213-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Бундан 8 йил олдин синглим 4-5 ҳафталик ҳомиласини олдирган экан. Ўзи иккита ўгли бор. Эрига ҳам «Қийналяпман», деган экан. Ҳозир бу ишидан афсусда. Нима қилса, гуноҳи ювилади? Бирор каффорати борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Кўп-кўп истиғфор айтиб, тавба қилсинлар. Аммо айбни беркитсинлар, ёймасинлар. *Валлоҳу аълам.*

## 214-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Авваламбор, саволим учун узр сўрайман. Ҳозир 19 ёшдаман. 3 йил олдин бир марта жуда катта жиноятга қўл урганман. Лекин буни ҳеч ким билмайди. Аллоҳ гувоҳ, қилмишимдан афсус чекмаган, тавба қилмаган бирор куним йўқ. Ўзимни оқламоқчи эмасман. Аллоҳга шукр, кеч бўлса ҳам кўзим очилди. Тавба қилдим. Қуръонда зинокорга тошбўрон жазоси белгиланган. Бу гуноҳ ҳеч қачон кечирилмайди? Муслима бўла олмайманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу жазо ҳозирги кунда амалда йўқ. Бундай ҳолатда гуноҳни сатр қилиш, яъни яшириш, ҳеч кимга ошкора қилмаслик керак. Астойдил тавба қилиб, ибодатда мустаҳкам бўлаверинг. Шунда чин муслима бўласиз, иншааллоҳ. Аллоҳ таолонинг хоҳлаган бандасининг ширкдан бошқа гуноҳини кечириш ҳақидаги ваъдаси бор. *Валлоҳу аълам.*

## ФАЗИЛАТЛИ ОЙЛАР ВА КУНЛАР

### 215-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ. Мен кеча Интернет тармоқларида «Бароат кечасини кутиш бидъат», деб ўқидим. Лекин бизда Бароат кечасида қазо намозлар ўқиш ва рўза тутиш эди. Шу ҳақда оят ёки ҳадислар борми? Бўлса, айтиб берсангиз, илтимос. Жавобини кутиб қоламан. Олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ. Шаъбон ойининг 15-куни рўзадор бўлиш, кечаси бедор бўлиш ҳадиси шарифда келган. Аммо қазо намозларни ўқишни у кечага хослаш Куръон ва суннатда зикр қилинмаган.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَتْ لَيْلَةُ النِّصْفِ مِنْ شَعْبَانَ فَقومُوا لَيْلَهَا وَصومُوا نهارَهَا، فَإِنَّ اللَّهَ يَنْزِلُ فِيهَا لِعُرُوبِ الشَّمْسِ إِلَى سَمَاءِ الدُّنْيَا فيقول: أَلَا مَنْ مُستَغْفِرَ فأغْفِرَ لَهُ، أَلَا مُستَرْزَقٌ فأَرْزُقُهُ، أَلَا مُبتَلًى فأُعَافِيَهُ، أَلَا كَذَابًا أَلَا كَذَّاءٌ، حَتَّى يَطْلُعَ الفَجْرُ». رَوَاهُ ابنُ ماجَه.

*Алий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Шаъбоннинг ўртасидаги кеча келса, унинг тунини бедор ўтказинглар, кунининг рўзасини тутинг-

лар. Чунки ўшанда Аллоҳ куёш ботиши пайтида дунё осмонига тушади ва тонг отгунча:

«Қани, истиғфор айтувчи борми? Уни мағфират қиламан. Қани, ризқ сўровчи борми? Унга ризқ бераман. Қани, мубтало борми? Унга офият бераман. Фалончи қани? Пистончи қани?» дейди».

*Ибн Можа ривоят қилган.*

*Валлоҳу аълам.*

### 216-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг саволим шуки, ражаб ойининг 27 куни, шаъбон ойининг 15 куни рўза тутса бўладими? Айтишларича, шу куни Аллоҳ осмондан ерга тушиб: «Ким Мен учун ният қияпти, ким Мен учун салавот айтяпти, кимга ризқ керак?» деб излар экан. Шу ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. «Ким Мен учун ният қияпти, ким Мен учун салавот айтяпти, кимга ризқ керак?» деб излар экан, дея эътиқод қилиш мутлақо нотўғри.

Шаъбон ойининг 15-куни рўза тутилиши ҳақида сиз айтган маънода ҳадиси шариф бор.

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَتْ لَيْلَةُ النِّصْفِ مِنْ شَعْبَانَ فَقومُوا لَيْلَهَا وَصومُوا نهارَهَا، فَإِنَّ اللَّهَ يَنْزِلُ فِيهَا لَغُرُوبِ الشَّمْسِ إِلَى سَمَاءِ الدُّنْيَا فيقول: أَلَا مَنْ مُسْتَغْفِرُ فَأَغْفِرَ لَهُ، أَلَا مُسْتَرْزِقٌ فَأَرْزُقَهُ، أَلَا مُبْتَلَى فَأَعَافِيَهُ، أَلَا كَذَا أَلَا كَذَا، حَتَّى يَطْلُعَ الْفَجْرُ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَه.

*Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Шаъбоннинг ўртасидаги кеча келса, унинг тунини бедор ўтказинглар, кунининг рўзасини тутинглар. Чунки ўшанда Аллоҳ қуёш ботиши пайтида дунё осмонига тушади ва тонг отгунча:**

**«Қани, истиғфор айтувчи борми? Уни мағфират қиламан. Қани, ризқ сўровчи борми? Унга ризқ бераман. Қани, мубтало борми? Унга офият бераман. Фалончи қани? Пистончи қани?» дейди».**

*Ибн Можжа ривоят қилган.*

*Валлоҳу аълам.*

## ТИБ КИТОБИ ҲОМИЛА ВА АБОРТ

### 217-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Менинг 2 фарзандим бор. Каттаси туғма фалаж. Ҳали ўтирмайди ҳам. Кичикинам энди 6 ойлик бўлади. Бугун яна ҳомиладорлигимни билдим. 3 йил ичида икки марта жарроҳлик йўли билан фарзандларимни дунёга келтирдим. Шифокор соғлигим кўтара олмаслигини маълум қилиб, ҳомилани туширишни тавсия қилса, унинг айтганини қилсам, тўғри бўладими? Илтимос, маслаҳат беринг, олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Уламолар ҳомила 40 кунлик бўлиб, то жон киргунича уни тушириш мумкинлигига фатво беришган. Шунингдек, тақволи моҳир шифокор туғиш онанинг соғлиғига зарар етказишини таъкидласа, ҳомилани тушириш мумкин. *Валлоҳу аълам.*

### 218-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Қайнисинглим ҳомиладор. Ёши 34 да. Икки қиз, бир ўғиллари бор. Туғиш ниятлари йўқ. Соғлиқлари яхши эмас. УЗИ аппаратида «Юрак уриши аниқланмаган», деди. Аборт қилдирсалар, гуноҳкор бўлмайдиларми? «Қиз узатадиган вақтимда чақалоқли бўламанми?» деб тушкунликка тушиб қолдилар. Илтимос, тезроқ ойдинлик киритиб беринг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу тушкунликка тушадиган нарса эмас, Аллоҳнинг неъматидир. Аёл киши туғишга яроқли



бўлгандан кейин Аллоҳ бераверади, қиз узатишига, куда бўлиши ва бошқаларга қарамайди. Яроқсиз бўлиб қоладиган вақтини ҳам Ўзи тайин қилиб кўйган. Аллоҳ берибдими, фарзандли бўлиш айб ва хижолатли иш эмас. Аммо соғлиқлари яхши бўлмаса, қирқ кунлик бўлгунича, яъни жон киргунича эр-хотин маслаҳат қилиб, тушириб юборишлари мумкин. Жон кирганидан кейин бесабаб олдириш эса жинойтдир. Агар ҳомила онанинг соғлиғига ўта хавфли бўлса, олдиришга рухсат бор. *Валлоҳу аълам.*

### 219-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Агар фарзандлари кичкина бўлса, олтинчи фарзандини туққандан сўнг боғлатишга шариятимизда рухсат борми? Чунки сақланишининг бошқа чоралари қилиб кўрилган.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Соғлиқда шунга арзигулик сабаб бўлмаса, жоиз эмас. *Валлоҳу аълам.*

### ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

### 220-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон Муҳаммад Юсуф. Бошлаган хайрли ишингиздан Аллоҳ рози бўлсин. Саволим шундан иборатки, «церебролизин» дори воситаси таркибига чўчқанинг миясидан олинадиган суюқлик кўшилар экан. У суюқлик ўз аслини йўқотадими? Шу ҳақда маълумот берсангиз, илтимос. Олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Уламолар тўнғиз тўнғизлик хусусиятини йўқотса, жоиз, деб фатво беришган. Энди ай-

нан сиз айтган дорида шу жараён ҳосил бўлганми, йўқми, уни дори-дармон мутахассисларидан сўраб билиш керак. Агар ушбу жараён ҳосил бўлмаган тақдирда ҳам, ишончли табиблар «Бундан бошқа даво йўқ», дейишса, унинг жоизлигида ҳеч шубҳа йўқ. Қолаверса, ундан укол қилишда фойдаланиш ишни енгиллаштиради. Ейиш ҳаром. Суртиш ёки укол қилиш эмас. *Валлоҳу аълам.*

### ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК

#### 221-САВОЛ

Ассалому алайкум. Аёл киши эри учун кўкрагининг шаклини жарроҳлик йўли билан ўзгартирса бўладими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Агар турмушига зарари бўлаётган бўлса, жоиз. *Валлоҳу аълам.*

#### 222-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Ўзгил ёки қиз фарзандга муштоқ оилаларда қуйидаги тиббий амалиётни амалга ошириш мумкинми: ўз эрининг уругини олиб, ундан керакли жинсдаги уруглар танлаб олинади ва аёлнинг бачадонига юборилади. Кўп ҳолларда кўзланган мақсадга эришилади. Бу ширк эмасми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу ширк эмас, бу ҳам бир амалиёт. Билим ва тажриба асосида амалга ошаётган иш. Аммо Аллоҳдан сўраш ва берганига рози бўлиш чин мўмин банданинг ишидир. *Валлоҳу аълам.*

## 223-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Саволим: бирор мушкул вазиятга тушганда домлаларга бориб, дам солдирса бўладими? Шундай бир домлани танийман. Ўқиб, дам солиб қўядилар. Аммо фол очмайдилар ва гайбни умуман гапирмайдилар. Файбни билгувчи Аллоҳ. Шундай инсонларга ўқитса бўладими? Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Ҳар бир мусулмон киши ҳар куни ўзига дам солиб юриши керак. Дам солдириш бемор кишилар учун жоиз. *Валлоҳу аълам.*

## ИСМЛАР

## 224-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Саволим қуйидагича: биз Рамазон ойида Аллоҳнинг раҳмати ила қиз фарзандли бўлдик. Мен қизимга Мубашира ёки Уммугулсум деб исм қўймоқчи эдим, отамнинг оталари Маҳбуба деб исм қўйибдилар. Бу исмни инкор этган ҳолда, ўзим ният қилган исмни қўйсам бўладими? Аёлим Интернетдан фойдалана олмаганлиги сабабли мен жўнатаянман, узр сўрайман. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Фарзандга исм қўйиш отанинг ҳаққи ва бурчидир. Аммо отани ранжитиш ҳам жоиз эмас. Маслаҳат билан иш кўриш керак. *Валлоҳу аълам.*

## 225-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Мен маърузаларни тинглашим мобайнида буюк саҳоба Умар розияллоху анҳуга меҳрим бўлакча бўлиб қолган. Шу исмни ўз ўғлимга қўйишни ният қилгандим. Сиздан ўғил болага исм сўраганда Абдуллоҳ, Абдурраҳмон, Ҳамидуллоҳ исмларини айтибсиз. Саҳобаларга бўлган муҳаббатимиз юзасидан Абу Бакр, Умар, Усмон каби исмларни қўйиш борасида бизга жавоб борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом.

عَنْ سَبْرَةَ بِنِ أَبِي سَبْرَةَ: أَنَّ أَبَاهُ أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: «مَا وَلَدُكَ؟»  
 قَالَ: عَبْدُ الْعُزَّى وَسَبْرَةُ وَالْحَارِثُ. فَقَالَ: لَا تُسَمِّ عَبْدَ الْعُزَّى».  
 فَسَمَّاهُ عَبْدَ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ خَيْرَ الْأَسْمَاءِ عَبْدُ اللَّهِ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ»،  
 وَدَعَا لَهُ وَلَوْلَدِهِ، فَلَمْ يَزَالُوا فِي شَرَفٍ إِلَى الْيَوْمِ. رَوَاهُ الطَّبْرِيُّ.

*Сабра ибн Абу Сабрадан ривоят қилинади:*

«Унинг отаси Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига борганида:

«Болаларинг кимлар?» дедилар.

«Абдул Уззо, Сабрата ва Ҳорис», деди.

«Абдул Уззо деб исм қўйма», дедилар ва уни Абдуллоҳ деб атадилар. Сўнгра:

«Исмларнинг яхшиси Абдуллоҳдир, Абдурраҳмондир», дедилар ҳамда уни ва боласини дуо қилдилар. Бугунгача шараф улар биландир».

*Тобароний ривоят қилган.*

Мен ҳадиси шарифда келганидек, энг афзалини айтганман. Албатта, саҳобаларнинг исмларини қўйиш ҳам яхши. *Валлоҳу аълам.*

226-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Илтимос, менга ўғил бола учун исломий, чиройли маъноли исм танлашда маслаҳат берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Абдуллоҳ, Абдурраҳмон, Ҳамидуллоҳ каби исмлар ҳадисда зикр этилган.

عَنْ سَبْرَةَ بِنِ أَبِي سَبْرَةَ: أَنَّ أَبَاهُ أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: «مَا وَلَدُكَ؟»  
 قَالَ: عَبْدُ الْعَزْزِيِّ وَسَبْرَةُ وَالْحَارِثُ. فَقَالَ: لَا تُسَمِّ عَبْدَ الْعَزْزِيِّ.  
 فَسَمَّاهُ عَبْدَ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ خَيْرَ الْأَسْمَاءِ عَبْدُ اللَّهِ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ»،  
 وَدَعَا لَهُ وَلِوَلَدِهِ، فَلَمْ يَزَالُوا فِي شَرَفٍ إِلَى الْيَوْمِ. رَوَاهُ الطَّبْرِيُّ.

*Сабра ибн Абу Сабрадан ривоят қилинади:*

«Унинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганда:

«Болаларинг кимлар?» деб сўрадилар.

«Абдул Уззо, Сабрата ва Ҳорис», деди.

«Абдул Уззо деб исм қўйма», – дедилар ва уни Абдуллоҳ деб атадилар. Сўнгра: «Исmlарнинг яхшиси Абдуллоҳдир, Абдурраҳмондир», дедилар ҳамда уни ва боласини дуо қилдилар. Бугунгача шараф улар биландир».

*Тобароний ривоят қилган.*

Пайғамбарларнинг, саҳобаларнинг ҳамда улуғ кишиларнинг исmlарини қўйиш ҳам фазилат. *Валлоҳу аълам.*

## 227-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! 11 ойлик ўғлимнинг исми Исфандиёр. Бу исмни маъносини билмасдан туриб, айтилиши ёққанлиги учун қўйганмиз. Лекин диний таълим олиб, ота-она қўйган исмлари учун жавоб беришини эшитиб, маъносини билмаган ҳолда фарзандимнинг исмини Судайс деб ўзгартирдик. Энди қайси бирини танлашга ҳайронмиз. Бу борада Исломдан хабардор маслаҳатдошимиз ҳам йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Лекин сизни топиб, жуда хурсанд бўлиб кетдим. Аллоҳ қилаётган хайрли ишларингиздан рози ва мададкор бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Исфандиёр – Муқаддас руҳнинг, яъни Аллоҳнинг туҳфаси ёки испанд – доривор ўсимлик (садаф) деган номдан олинган.

«Судайс» сўзи арабча бўлиб, «олтинчи» деган сўзнинг кичрайтирилган кўринишидир. Яъни кичик олтинчи. Сиз Макка ҳарамининг имомига ихлос қилиб, у кишининг исмларини фарзандингизга қўймоқчи бўлсангиз, Судайс – у кишининг шарифидир, исмлари – Абдуррахмон. *Валлоҳу аълам.*

## 228-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мубина ва Сабина исмли қизларим бор. Сабина исломий исмми ва унинг маъноси қандай? Исломий исм бўлмаса, бошқа исм қўйишим керакми? Ўзим Саъдия ёки Хадиджа исмини қўймоқчи бўлганман, лекин уйимиздаги ёши катталар Сабина қўйишган. Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ умрингизни ва илмингизни зиёда қилсин.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Сабина исломий ҳам, ноисломий исм ҳам эмас. «Қадрли», «суюкли» ва «кимматли» деган маъноларни билдирар экан. Ўзгартириш ўз ихтиёрингизда. *Валлоҳу аълам.*

## 229-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг энг яқин инсонларимдан бирининг исми Шохжаҳон. У исмини ёқтирмайди, исми туфайли Аллоҳдан уялади. Лекин ота-онаси бу ҳақда эшитишни ҳам, ўзгартиришини ҳам хоҳлашмайди. Нима қилса, Аллоҳнинг ҳамда ота-онасининг розилигини олади?*

*Жавобингиз учун ташаккур.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Ушбу исмни ўзгартирмаса ҳам бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

## 230-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Яқинда мен ўғил фарзандлик бўлдим. Олдиндан ният қилганим учун тугилган заҳоти дадамга азон айттириб, исмини Ёсин қўйдик, унга гувоҳнома ҳам олиб бўлдим. Аммо катта амаким «Болага юк бўлади» деб, бу исмга қаршилик қилиптилар. Нима қилишимни билмай қолдим. Ёсин исми тўғри қўйилганми? Шу ҳақда айтсангиз. Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Исм болага оғирлик қилмайди. Бу хурофот гап. Қанча-қанча Ёсин исмли инсонлар соғсаломат юришибди. *Валлоҳу аълам.*

## 231-САВОЛ

*Ассалому алайкум, «muslimaat.uz» изходкорлари. Саволим қуйидагича: Худо хоҳласа, ўгил фарзанд кўрсам, Муҳаммад Қодир исмини қўйсам бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ва алайкум ассалом. Муҳаммаддан кейин у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари ёки сифатларидан қўйиш лозим. Мисол учун, Муҳаммад Амин, Муҳаммад Содиқ каби. Қодир – Аллоҳнинг сифати. *Валлоҳу аълам.*

## ЗИЙНАТ

## 232-САВОЛ

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Хусн учун ваши қилувчи аёлларни, ваши қилдирувчи аёлларни, мўйчинак ила терувчи аёлларни, мўйчинак ила тердирувчи аёлларни ва тиш орасини очувчи аёлларни – Аллоҳ яратганини ўзгартирувчи аёлларни Аллоҳ лаънатласин».*

*Ассалому алайкум! Юқоридаги ҳадисни ўқиб, менда битта савол пайдо бўлди: бир неча йил олдин тишларим ораси очиқ ва икки жағим бир-бирига тегиб турарди. Қоида бўйича тишлар зич ва олди тепа жағ сал олдин туриши кераклигини билиб, тишимга брикет қўйдириб, тўғрилатгандим. Юқоридаги ҳадисни ўқиганимдан кейин ўйланиб қолдим: тўғри иш қилдимми? Шариатда тишга брикет қўйдириб тўғрилатиш мумкинми? Жавоб учун олдиндан раҳмат! Аллоҳ рози бўлсин!*



**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Тишнинг орасини очиш бошқа нарса, брикет бошқа нарса. Брикет кўйдириш жоиз. *Валлоҳу аълам.*

233-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон! Сочни қора хинага бўйиш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аёлларга мумкин. *Валлоҳу аълам.*

234-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Соғлигингиз яхшими, Устоз? Саволим шуки, қошимни термайман, лекин лаб атрофида юнглари (мўйлаб деса ҳам бўлади) мавжуд. Ранги ҳам тўқ, шуни териб юрсам жоизми? Иккиланганим учун термайман, лекин гашига тегадиган даражада, худди ўғил болаларникидек. Тўлиқ жавобингизни кутиб қоламан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Териб юришингиз жоиз. *Валлоҳу аълам.*

235-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуш қурганимдан сўнг оёғимдаги туклар анча қалинлашди. Хўжайинимга эса бу ёқмаслигини сезаман. Уларни олиш жоизми ёки йўқми? Бир манбада «кўл ва оёқлар учун жоиз» дейилган экан, лекин иккиландим ва сиздан сўрашга қарор қилдим. Ёрдамингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Жоиз. *Валлоҳу аълам.*

## 236-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қизларга зирак тақиш ёки тақмаслик тўғрисида динда қандай кўрсатмалар бор? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Динда аёлларнинг зирак тақишига зийнат деб қаралади ва бу турдаги зийнат аёлларга жоиз. Мумкин эмаслиги ҳақида далил ворид бўлмаган. «Кифоя» китобида: «Кичкина қизчанинг кулоғини зийнат учун тешса бўлади. Бу хатна ўрнида кўрилади», дейилган. *Валлоҳу аълам.*

## 237-САВОЛ

*Одина она, Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин! Саволим шуки, лабимнинг устки қисмида бироз кўзга ташланарли тукларим бор, албатта, турмуш ўртоғим уйда ўзимга эътибор бериб юришимни хоҳлайдилар. Шу тукларни бироз олишим мумкинми ёки гуноҳкор бўламанми? Маслаҳатларингиз учун Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Олиш мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## ТУШ ТАЪБИРИ

## 238-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Мен икки кундан буён тушимда гоҳида сочимни ўзим юламан, гоҳида ўзи тўкилган бўлади. Биринчи кун тушимда сочимни ўзим юлибман ва ўрни очилиб қолибди. Кечаги тушимда бошимнинг ўртасида соч деярли йўқ. Илтимос, бу тушнинг таъбирини билсангиз, айтиб юборинг. Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин ва ҳаммамиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Сочнинг юлиниши ғамнинг кетишига таъбир қилинади. Аммо бунда туш кўрувчининг аёл ёки эркаклиги, илмли ё илмсизлиги ва яна ёш ёки қариллиги эътиборга олинади. *Валлоху аълам.*

## 239-САВОЛ

*Ассалому алайкум, опажон! Менинг шахсий саволим бор. Хўжайиним билан 6 йилдан бери бирга яшаймиз, лекин ҳануз жанжаллашамиз. Арзимаган гап-сўзлар катта жанжалга айланади. Бир-биримизда кўнглимиз йўқ, дея олмайман. Баъзан хўжайинимнинг ичи бутун дунёга нисбатан нафратга тўладек туюлади. Арзимаган баҳоналар учун мендан жуда қаттиқ нафратланадилар. Мен ҳам бутунлай нафратланмайман, дея олмайман. Орадан хурмат кўтарилган назаримда. Бундан тахминан бир ё икки йил аввал, қаттиқ жанжаллашганимизда, бирга яшаганимизда хайр борми, деган маънода истихора намозини ўқигандим. Тушимда ёниб кетган қора*

*Ўтларни кўрдим. Лекин тушимга амал қилмадим, хўжайиним қаттиқ узр сўрадилар ва кўнглим бўшлиқ қилиб, кечирдим. Энди ҳар сафар жанжаллашганимизда шу тушим эсимга тушади ва балки, шунда амал қилишим керакмиди, деб ўйлаб қоламан. Энди бунинг оқибати нима бўлади, ахир тушимга амал қилмадим-ку? Энди нима қилсам, тўғри бўларкин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Яна истихора қилиб кўринг. Эҳтимол, баъзи сабабларга кўра аниқ кўрмагандирсиз. Кўнглингиз тўлгунича қайта-қайта қилиб кўрсангиз ҳам бўлади. Эътибор бериш керак бўлган нарса шуки, истихора намозидан кейин фақат туш кўриш шарт эмас. Нима қилиш кераклиги кўнгилга тушиши ҳам мумкин. *Валлоху аълам.*

## ТУРЛИ МАВЗУДАГИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

### 240-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Шайх Ҳазратларининг китобларини сотиб олган эдим, шу китобларимни яқинларим (ота-онам, опа-синглим) ва яқин дугоналаримга ўқиб туриш учун берсам бўладими? Баъзиларнинг сотиб олишга ҳозир имкониятлари ҳам йўқ. Уларга бу нарсалар жуда керак! Илтимос, тез кунларда жавоб беринг! Рухсат берсангиз, жуда ҳам миннатдор бўлардик! Ассалому алайкум!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Сотиб олган китобингизнинг эгаси сизсиз, хоҳлаган кишингизга бериб турсангиз бўлади. Фақат муаллифлик ҳуқуқларига тажовуз қилинмаса, яъни кўпайтириб, нусха олиб тарқатиш каби ишларга йўл қўйилмаса бўлди. *Валлоҳу аълам.*

### 241-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа. Уйимда думалоқ маржонларим бор. Санашим осон бўлиши учун 33 та маржондан тасбеҳни ўзим ясаб олсам ҳам бўладими ёки сотувга чиқарилган тасбеҳларнинг ясалишининг ўзига яраша хислати борми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Санокқа яроқли нарса бўлса бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

## 242-САВОЛ

*Ҳалоллигига шубҳам бўлгани учун товуқ гўштини ейишни хоҳламасам ёки бошқаларга намоз ўқиш ҳақида гапирсам, мени ваҳобийларга ўхшатишлари жудаям дилимни оғритади, қандай йўл тутай? Эримга ҳам телевизор кўриб, чалғиб ўтирган жойида намозга шошилишини эслатсам, жаҳли чиқиб кетади. Мен айтсам, худди мен айтганим учун ўқиётгандек бўлиб қолмаслиги учун ўқигиси келмай қоларкан. Лекин айтмасам, баъзида намоз вақти ўтиб кетади. Шунинг учун кўпинча тушунтиришга ҳаракат қилсам, «Намоз ўқишни сендан олдин бошлаганман, кўп ўргатаверма», дейди. «Шунчалик шубҳанг бўлса, кийим ҳам кийма, ҳамма кийимлар крест шаклида тикилади. Кейин Коланинг кукуни ҳам қўнғиздан тайёрланади, ичма», дейдилар. Устоз, ёрдам беринг, илтимос.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бошқаларга, айниқса, турмуш ўртоғингизга эслатма қилганингизда, мулойим бўлинг. Меҳр билан, иложи бўлса, ҳазил-мутойиба билан муомала қилинг. Шунда у сизнинг холис ва хайрихоҳлигингизни ҳис қилиб, танбехларингизни тўғри қабул қилади. *Валлоҳу аълам.*

## 243-САВОЛ

*Ассалому алайкум!*

*Мен ёшлигимда жуда кўп қариндошу танишларнинг молидан ўзирликлар қилганман. Билмадим, етишмовчилик сабаб бўлганми ёки диний билимим камлигими... Алҳамдулиллаҳ, фарз амалларни қилиб келяпман, аммо бу пулларни уларга қандай қайтаришни билмаяпман. Кечирим сўраб, розилик олиш нафақат уят, балки улар мен ҳақимда гап-сўз чиқариб юборишларидан кўрқаяпман. Бунинг натижасида қудаларимиз олдида бизнинг оиламиз ажралиб қолса керак. У ҳам майли, 2 та қизим бор, катта бўлса, «ўғрининг боласи» деб совчи келмай қолади, деб кўрқаяпман. Улардан эмас, Аллоҳдан кўрқишим керак-ку деб, қадам босай десам, яна бизни ҳамма четлатиб кўяди, деб ўйлаяпман. Оила аъзоларим ҳаммалари динни маҳкам ушлашган ва обрўли ташкилотларда ишлашади. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Шунинг учун юзимни тўсиб, бегона таксидан бирма-бир уйларига бориб, ўзимни таништирмасдан, омонатларини бериб, розилик олсам бўлармикан? (Агар «юзингни очсанг», деб шарт қўйишмаса) Узр, саволим ноодатий савол. Аммо шарият нуқтаи назаридан нима қилсам бўлади? Аввалдан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Аллоҳдан мадад сўраб, ҳаракат қилаверинг. Бундай ҳолатда яхши инсонлар инсоф билан иш қилишади. Тавба қилинганда, узр сўралганда одамлар тўғри қабул қилишади, иншааллоҳ. Бевосита қила олмасангиз, орага одам қўйсангиз ҳам бўлади. Ўша ҳаққи поймол бўлган одамларга ҳаққи етиб борса бўлди. *Валлоҳу аълам.*

## 244-САВОЛ

*Мен Қибрай туманида яшайман. Аёлим ёш, лекин ҳижобда, намоз ўқийди. Ҳозирда у ҳомиладор. Дин хизмати билан мусофирликда яшаймиз. Аёлим ўзини жудаям ёлғиз ҳис қилади. Унга яхши бир илм соҳибасидан дўст топиб беришимда ёрдам бера оласизми? Чунки ваъда бергандим.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳ розилиги учун muslimaat.uz ҳамиша энг яхши дўст, энг яқин маслаҳатчи, энг ажойиб суҳбатдош бўла олади, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## 245-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Турмушга чиққанман. Қиз фарзандимиз бор. Шу қизимиз 1 ойлигида қайнонам унинг кўкрагининг учини сиқиб, ёмон безларининг сувини чиқарган эдилар. «Бу нарса ҳақида эшитмаганман, ҳеч ким унақа қилмаган», десам ҳам кўнмадилар. Бундай ишлар шариятимизда борми? Саволим ноўрин бўлса, узр сўрайман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Бу иш шариятда йўқ. Баъзиларнинг урфида бор. Зарари катта эмас, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*



## 246-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Устоз! Авваллари ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Россияда юрган вақтимда, уйимизга синглимнинг синфдоши – бир рус қиз келиб турар эди. Одатда ҳаммамиз рўмолда юрганимиз учун Ислом дини ҳақида кўп сўрарди. Биз эса қўлимиздан келганича тушунтиришга ҳаракат қилар эдик, албатта, яхши ният билан. Бир куни яна одатдагидек, савол берди. Тўғриси, бу саволни биринчи марта эшитгандим ўшанда. Саволи ой ҳақида, яъни масжидлар гумбази тепасида ва шунга ўхшаш нарсаларда келтирилган ой рамзининг маъноси ва у нимани англатиши ҳақида эди. Билмаганим учун жавоб бера олмадим. Шу нарса ҳақида айтиб берсангиз. Саволим нотўғри бўлса, узр. Жавоб учун олдиндан катта раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ва алайкум ассалом. Муҳаммад Фотиҳ Истанбулни (Константинополни) фатҳ қилиш учун келади. Авваллари бир неча бор фатҳ қилишга ҳаракат қилиб, зафарга эриша олишмаган эди. Шунда Муҳаммад Фотиҳ ҳам куруқликдан, ҳам сувдан кечиб ўтишни йўлга қўяди. Хужум пайтида замбаракдан ўқ отишса, душман билиб қолишининг олдини олиб, бир вақтни тайин қилишади. Ойнинг охири бўлгани учун янги ҳилол кўринишини хужум қилиш пайти деб келишишади ва ҳилол кўриниши билан хужумни бошлаб, зафар қозонишади. Ана шунда масжид минорасига ҳилол рамзи ўрнатилади ва бошқа масжид минораларига ҳам уни ўрнатиш ҳолати тарқалиб, одатга айланиб қолади. *Валлоху аълам.*

## ХОТИМА

Азизлар! Мана, Аллоҳ таолонинг изни ила илк китобимиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Ҳали шогирд мақомида бўлсак-да, ишимизни Аллоҳ таолога топширган, Ўзидан мадад сўраган ҳолда, устозларимиз, аҳли илмларимизнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига таяниб, бу масъулиятли ишга жазм қилдик. Саҳв-хатоларимиз учун истиғфор айтамиз, сиз муҳтарамлардан узр сўраймиз. Шу билан бирга, сиз азизларимиздан икки дунёда юзимиз ёруғ бўлишини, илмимизга зиёдалик, вақтимизга баракка, ишимизга давомийлик ва тавфиқ сўраб, ҳаққимизга дуода бўлишингизни сўраб қоламиз.

**МУНДАРИЖА**

Муқаддима.....	3
Ақийда.....	6
Жинлар ва шайтонлар.....	9
Қуръон.....	25
Тафсир.....	29
Суннат.....	30
Илм.....	31
Ибодатлар.....	35
Поклик.....	35
Намоз.....	48
Таровеҳ намози ҳақидаги фасл.....	59
Жаноза.....	67
Рўза.....	68
Закот.....	81
Ҳаж.....	84
Қурбонлик, садақа.....	85
Руҳий тарбия.....	87
Зикрлар, дуолар.....	96
Ахлоқ ва одоб.....	106
Яхшилик ва силаи раҳм.....	106
Ижтимоий одоблар.....	109
Салом бериш одоби.....	109
Уйку одоби.....	109
Қабристон одоби.....	112
Савол-жавоб одоби.....	113
Муомалот.....	114
Олди-сотди.....	114
Касб-хунар.....	115
Қарз.....	116
Болани қарамоғига олиш.....	117
Мерос.....	122

Тақиқ ва рухсатлар .....	124
Таомлар ва ичимликлар .....	124
Хушбўйликлардан фойдаланиш ҳақида .....	125
Зикрлар, дуолар ҳамда дам солдириш хусусидаги тақиқлар .....	128
Аёлларнинг автомобиль ҳайдаши хусусидаги фатволар .....	132
Тақиқ ва рухсатларга оид бошқа масалалар .....	135
Оила .....	140
Эр-хотин муносабатлари .....	140
Нафақа эрнинг зиммасида .....	146
Эр-хотин орасидаги энг нозик масала .....	150
Қайнона-келин муносабатлари .....	155
Фарзанд тарбияси .....	162
Никоҳ .....	168
Талок .....	179
Маҳрам .....	186
Аврат .....	187
Бидъатлар .....	189
Охират .....	196
Фазилатли ойлар ва кунлар .....	199
Тиб китоби .....	202
Ҳомила ва аборт .....	202
Дори воситалари .....	203
Пластик жарроҳлик .....	204
Исмлар .....	205
Зийнат .....	210
Туш таъбири .....	213
Турли мавзудаги савол-жавоблар .....	215
Хотима .....	220



ОДИНАХОН МУХАММАД СОДИК

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
**ШИФОСИ**  
САВОЛ

БИРИНЧИ КИТОБ

*Муаллиф рухсатисиз нусха кўчиришнинг  
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш  
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент — 2021

Ношир: *Исмоил Мухаммад Содик*

Мухаррир: *Барно Саидрахмон*  
Арабча матн мусахҳиҳи: *Нодирбек Қаршибоев*  
Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*  
Бадий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*  
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*  
Муқова дизайнери: *Уйғун Солиҳов*  
Мусахҳиҳ: *Ғиёсиддин Юсуф*


**Тасдиқнома рақами: 7798, 11.03.2021 йил.**

Босишга рухсат этилди 16.04.2021. Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 14.  
Шартли босма табағи 18,48. Адади 10000 (иккинчи завод 5000).  
Буюртма №62. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Hilol-Nashr» нашриёт босмаҳонаси**  
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5  
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478  
<http://hilolnashr.uz> e-mail: [info@hilolnashr.uz](mailto:info@hilolnashr.uz)









64396





БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
ШИФОСИ  
САВОЛ



45000



ISBN 978-9943-5774-9-7



9 789943 577497